




ҲАҚИҚАТ АСОСИ

ДЖОН СТОТТ

ҲАҚИҚАТ АСОСИ

ДЖОН СТОТТ

СЎЗ БОШИ

Исо Масиҳнинг шахсияти ва таълимоти ҳозирги кунларгача ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. 2000 йил аввал Исо Масиҳ одамлар ўйлаб топган “қонун–қоида”ларга қўпинча қарши чиқарди, Унинг айрим сўзлари эса инқилобий руҳда бўлиб, ғоялари мустаҳкам эди. У қаерга бормасин севги ва тинчликни тарқатарди. Бундан ташқари, У доимо ваъз қилганидек яшаган.

Аммо У самимий эдими?

Дунёда анчайин одамлар масиҳий оилаларда тарбияланишмоқда. Масиҳнинг ҳақиқати ва масиҳийлик бу оилаларда ўз–ўзидан мавжуддир. Бироқ, бу одамларда танқидий сифатлар ривожланса ва ўз билганича фикрлашни бошлашса, улар масиҳийлиكنинг кучли томонларини ўрганишга ҳаракат қилишдан кўра, ўзларининг болаликдаги динидан осонгина юз ўгирадилар.

Бошқа кўпгина одамлар масиҳий муҳитда ўсиб, катта бўлмайдилар. Бунинг ўрнига улар ҳиндуизм, буддизм, ислом ёки дунёвий инсонийлик ахлоқи, коммунизм ва бошқа фалсафий таълимотларга берила дилар.

Аммо масиҳийлар ҳам, номасиҳийлар ҳам Исо ҳақида ўқиб кўришганида, Масиҳда таърифлаб бўлмайдиган жозиба яширинганини ва ундан осонликча қутулиб бўлмасликни пайқайдилар.

Шу тарзда биз Носиралик Исонинг тарихидан бошлаймиз. Исо Масиҳ аниқ яшаган. Бунинг учун ҳеч қандай шубҳага асос йўқ. Унинг тарихий шахс эканлиги масиҳий ва номасиҳий муаллифлар томонидан қайд этилган.

Исо ҳақида сўз боран экан, У инсон бўлганини ҳам айтиб ўтишимиз керак. У инсонлар каби туғилиб ўсган, тер тўкиб меҳнат қилган, дам олган, ухлаган, еб ичган, азоб чеккан ва ўлган. Исода ҳақиқий тана ва ҳақиқий инсонларнинг ҳис-туйғулари бўлган.

Аммо биз ҳақиқатдан ҳам Исо қайсидир маънода Худо бўлганлигига ишонамизми? Исонинг илоҳийлиги шунчаки масиҳий хурофот эмасми? Носиралик дурадгор — Худонинг ягона Ўғли эканлигига, масиҳийларнинг ажойиб имонини мустаҳкамловчи қандайдир гувоҳлик борми?

Бу — муҳим савол. Ундан қочиб бўлмайди. Ростгўй бўлишимиз керак. Агар Исо инсоний танада Худо бўлмаган бўлса, масиҳийлик йўқ бўлади. Бизда фақатгина ғоялари гўзал бўлган, эзгу фикрли яна бир дин қолади, лекин унинг ажойиб хусусияти йўқолади.

Аммо Исонинг илоҳийлиги ҳақида — яхши, кучли, тарихий, ривожланаётган гувоҳлик бор бўлиб, ростгўй инсон ўзининг заковатини йўқ қилмаган ҳолда унга ишониши мумкин. Бизда Исо Масиҳнинг Ўзи ҳақидаги ҳам жасур, ҳам камтар бўлган ғайриоддий баёноти бор. Сўнгра, Исонинг тенгсиз феъл-атвори ҳам бор. Унинг қудрати ва ювошлиги, Унинг со-

лиҳлиги ва мулойим ҳамдardлиги, Унинг болаларга ғамхўрлиги ва рад этилганларга севгиси, Унинг юксаклиги ва Ўзини қурбон қилганлиги бутун дунёни қойил қолдирди. Бундан ташқари, Исонинг азобли ўлими Унинг ниҳояси бўлмади. Эълон қилинганки, Исо ўлиmidан сўнг тирилди, Унинг ўликдан тирилиши энг ишончли гувоҳлик бўлди.

Агар Исо Худонинг Ўғли бўлганлигини тахмин қилсак, масиҳийликнинг асоси фақатгина ушбу далилни қабул қилишдан иборатми? Йўқ. Биз Исо шахсининг илоҳийлигига амин бўлган бўлсак, Унинг ишлари табиатини ҳам билиб олишимиз керак. У нима учун келди? Муқаддас Китоб бунга жавобан: «У гуноҳкорларни қутқариш учун келган», дейди. Носиралик Исо — Самовий қутқарувчи, биз гуноҳкорлар учун керакдир. Бизни Муқаддас Худодан айирган гуноҳларимиз учун кечирим керак. Биз Муқаддас Худода қайтишимиз керак. Бизни ўзимизни севишдан озод қилиш керак. Бизга яшаш учун керагича куч бериш керак. Биз бир-биримизни, шунингдек душманимизни севишни ўрганишимиз керак. «Нажот» айнан шуни билдиради. Масиҳ Ўз ўлими ва тирилиши орқали шу нажотни биз учун қўлга киритди.

Демак, дунёнинг Нажоткори бўлиш учун келган Худонинг ўғли Исога ишониш масиҳийликнинг асосими? Йўқ, бу ҳам эмас. Илоҳий шахсга бўйсuniш, инсоннинг нажотга муҳтожлигини тан олиш ва Масиҳнинг нажот ишларига ишониш етарли бўлмайди. Унда нима қилиш керак? Бунга одам ўзини, юрагини ва онгини, жонини ва иродасини, уй ва ҳаётини, ўзлигини тамомила Исо Масиҳга бағишлаши керак. Биз Унга итоат қилишимиз керак. Нажоткоримиз си-

фатида Исога ишонишимиз, Раббимиз сифатида бўйсунушимиз, кейин эса жамоатнинг содиқ аъзоси ва жамиятнинг жавобгар шахслари бўлишимиз керак.

Масихийликнинг асоси ва ушбу китобнинг мазмуни шундадир. Аммо Исо Масихнинг илоҳийлиги ҳақидаги гувоҳликка келишимиздан аввал, ушбу мавзунини ўрганишга тўғри ёндашадиган кириш қисми муҳимдир. Масихийлар Худони Исо Масихда топа олишимизни тасдиқлашади.

Бу тасдиқни кўриб чиқаётганимизда, нафақат Худо бизни излаётганини, балки биз ҳам Уни излашимиз кераклигини онгли равишда тушунишимиз муҳим.



ТЎҒРИ ЁНДАШУВ



«Азалда Худо...» Муқаддас Китобдаги илк икки сўз Адунёнинг яратилиш тарихи ва Ибтидо китобининг кириш қисмидан ҳам аълороқдир. Бу сўзлар — Муқаддас Китобни бутунлигича англашимиз учун калитдир. Бу сўзлар — ташаббус фақат Худога тегишли эканлигини таъкидлайди.

Худо доимо ҳушёр. Уни олдиндан била олмаймиз. У ҳар доим биринчи қадам ташлайди. У ҳар доим олдинда. Инсон яратилишидан аввал Худо ҳаракатда эди. Инсон Худони излай бошлашидан аввал Худо инсонни излаган.

Муқаддас Китобда инсон Худога яқинлашишини эмас, балки Худо инсонга қўлини чўзиб тураётганини кўрамиз.

Кўпчилик учун Худо қулай ҳолатда йироқдаги тахтда ўтирадиган, камгап, бегонасираган, токи инсонларнинг ўзлари Уни ниманидир қилишга кўндирмагунча Худо уларга нисбатан бефарқ, деб тасаввур қилишади. Бу бутунлай ёлғон фикрдир. Муқаддас Китоб бизга Худонинг феъл-атворини кўрсатади. Одамзод ҳали Худога қайтиш ҳақида ўйламай туриб,

қоронғулиг-у гуноҳда юрган пайтда Ўз тахтидан тушиб, шуҳратини четга қўйиб, одамзодни топмагунича ҳеч ҳам тинчланмайдиган Худони Муқаддас Китоб бизга кўрсатади.

Бу юксак Худонинг ишлари кўпчиликка маълумдир. Яратилишнинг ташаббуси ҳам Унга тегишлидир. У борлиқ мавжудотга ҳаёт берди. «Азалда Худо ер ва осмонни яратди». Унга ваҳийлик ташаббуси тегишли. У одамзодга Ўзининг феъл атворини ва иродасини очиб берган: «Азалда Худо кўп марта ва турли хил йўллар билан ота-боболаримизга пайғамбарлар орқали гапирган, ҳозирда эса У Ўз Ўғли орқали гапиради». Қутқариш ташаббуси ҳам Ундадир, У Исо Масиҳда эркак ва аёлларни қутқариш учун келган: **«Худо Ўз одамларини қутқариш учун келди»** (Ибт.1:1; Ибр.1:1-2; Лук.1:68).

Худо яратган. Худо гапирган. Худо ҳаракат қилган. Бу Худонинг ташаббуси ҳақидаги уч хил фикр диннинг қисқача таърифини тасвирлаб беради. Муқаддас Китобда бу ҳақида ёзилган. Бу китобда биз иккинчи ва учинчи фикрларни кўриб чиқамиз, чунки асосан масиҳийлик, таъкид қилишларича, Исо Масиҳнинг тарихидан бошланади. Агар Худо гапирган бўлса, Унинг дунё учун охирги ва энг буюк Сўзи Исо Масиҳ бўлган. Агар Худо ҳаракат қилган бўлса, Унинг энг эзгу иши бу — Исо Масиҳ орқали дунёни кечириш бўлган.

Худо Исо Масиҳ орқали гапирган ва ҳаракат қилган. У нимадир деди, нимадир қилди. Бу дегани масиҳийлик фақатгина Худо ҳақидаги қуруқ сўзлар эмас. Бу диний ғояларнинг тўплами ва қоидалар мажмуи ҳам эмас. Бу Хушхабар. Павлуснинг сўzlари бўй-

ича, «**Худо Хушхабари Худонинг Ўғли Исо Масих, Раббимиз ҳақидадир**» (Рим. 1:1–4). Бу, биринчи навбатда, одамга ҳаракат қилиш учун чақириқ эмас. Бу энг аввало, Худо Исо Масихда биз инсонларга нима қилганлиги ҳақидаги чақириқдир.

Худо гапирган

Инсон — ажойиб қизиқувчан ижоддир. Унинг онги шундай яратилганки, у тинч туrolмайди. У доим мо номаълумликка нигоҳини қаратади. Инсон чексиз ғайрати билан билим қидиради. Унинг ҳаёти — кашфиётлардан иборат бўлган саёҳатдир. У доимо сўрайди, тадқиқ қилади, кашф этади, кўриб чиқади. У ҳеч қачон бола каби «нима учун» деган сўроқларини тўхтатмайди. Аммо инсон онги Худога мурожаат қилганда, адашиб қолгандай бўлади. У қоронғуликда пайпасланиб юргандай бўлади. У ожизона ўзининг чуқурликларида ботиб типирчиланади. Бу ажабланарли эмас, чунки Худо, ким бўлишидан қатъий назар, чексиздир, биз эса ўладиган мавжудотмиз.

У бизнинг тушунчамиздан холидир. Шу сабабдан бизнинг онгимиз, тажрибавий фанларда фойдали асбоб бўлиб ҳисобланса-да, бизга бу ерда дарҳол ёрдам бера олмайди. У Худонинг чексиз онгига кириб бора ололмайди. У ерга олиб борадиган зина йўқ, фақатгина улкан тубсизлик бор. «Худонинг чуқур фикрларини била оламизми?» — Аюбдан сўрашди. Иложи йўқ.

Агар Худо вазиятни ўзгартириш учун Ўзи биринчи ҳаракат қилмаганида, ҳамма нарса шундайлигича қолар эди. Одам **агностик** бўлиб қолар эди. У

одам Понтий Пилат билан биргаликда: «Ҳақиқат нима?» деб сўрар, лекин жавобга қулоқ солмас ва ҳатто жавобни олишга ҳам интилмас эди. У Худога сажда қилган бўларди, чунки бу унинг табиатида бор; бироқ унинг барча меҳробиди, Афинанинг қурбонгоҳларидаги каби: «Номаълум Худога», деган ёзув бўлар эди.

Лекин Худо гапирди. У Ўзини кўрсатишга қарор қилди. Масиҳийлик таълимотининг ваҳийлари жуда донодир. Худо бизнинг онгимизга бизга яширин бўлган нарсаларни очиб берган. Унинг ваҳийларининг бир қисмини биз табиатда кўрамиз.

Худонинг шуҳратини самолар намоён қилади,
Унинг ижодини фалак тоқи айтиб туради.

Заб.18:2

Худо ҳақида нимаики билиш мумкин бўлса, уларга равшандир. Худонинг Ўзи уларга (яъни, инсонларга) зоҳир этган. Борлиқ яратилгандан бери Худонинг кўринмас хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти очиқ кўриниб турибди. Худонинг ижодига қараб, Унинг хусусиятларини тушуниб олса бўлади. Шундай экан, улар: “Худони билмаймиз”, деб баҳона қилолмайдилар.

Рим.1:19–20

Одатда, буни Худонинг «умумий» ваҳийи (чунки бу ваҳий — бутун дунёдаги инсонлар учун) ёки «табиий» (чунки у табиатда) деб аташади. Лекин бу етарли эмас. Албатта, табиатда биз Унинг борлигини ва Унинг Қудратлилигини, шуҳрат ва содиқлигини кўрамиз. Агарда инсонга Худони аниқ билиш керак бўлса, у ҳолда унга кенг ва амалда оширилаётган ваҳий керак бўлади. Худо Ўзини кўрсатиши Унинг муқаддаслиги, Унинг муҳаббати, Унинг гуноҳ устидан нажот қудра-

тини ҳам ўз ичига олиш керак. Худо буни ҳам бизга бажонудил берган. Бу «махсус» ваҳий эди, чунки у танланган одамлар (Эски Аҳд пайғамбарлари ва Янги Аҳд ҳаворийлари) орқали танланган халқ (Исроил) учун берилган.

Бу ваҳий яна «ғайритабиий»дир, чунки у илҳом орқали берилган ва у асосий ғоясини Исо Масиҳнинг шахсиятида топди.

“Махсус” ваҳийни тушунтириб бериш учун, Муқаддас Китоб Худо «айтган» нарсалар ҳақида сўзлаб беради. Биз нутқ орқали бир-биримиз билан осонгина гаплашамиз. Сўзларимиз билан фикрларимизни очиб берамиз. Агар биз, Худо Ўзининг чексиз онгини — бизнинг тугайдиган, чекланган ақлимизга очиш хоҳиши ҳақида ўйласак, бу янаям ҳақиқатга мойил бўлар эди. Ишаё пайғамбар айтганидек, Унинг фикрлари осмон ердан қанчалик баланд бўлса, шунчалик бизникидан улуғки, агар У Каломга фикрларини кийгизмаганда эди, биз ҳеч қачон уларни билолмас эдик. Шу тарзда, Худо Каломи Исо Масиҳ келишидан аввал кўп пайғамбарларга келган ва «Калом инсон бўлди, орамизда яшади».

Шу тарзда Павлус Коринф жамоатига ёзган: **«Модомики, Худонинг ҳикмати бўйича бу дунё ўз ақлзаковати билан Худони таниб–билмаган экан, тентакликдай туюлган хабарга ишонганларни Худо қутқаришни лозим кўрди»** (1 Кор.1:21).

Инсон Худони ўз донолиги билан эмас, балки Худонинг Каломи орқали, инсон онги билан эмас, балки илоҳий ваҳий орқали таниб билади. Худо Ўзини Масиҳда танитгани учунгина масиҳийлар ҳам Павлус Ареопагда афиналикларга гапиргани каби, жасур-

лик билан шундай дея оладилар: «...**Ўзларингиз билмасдан туриб сажда қилаётган Худони мен сизларга англатай**» (Хав.17:23).

Бу тасдиқни тўғри баҳолай олишмагани учун фан ва дин орасида қарама-қаршиликлар вужудга келди. **Эмпирик** ёндашувни дин соҳасида умуман қўллаб бўлмайди. Илм-фанга асосланган билим кузатиш ва тажриба ёрдамида олдинга силжимоқда. Ушбу билим тананинг бешта сезгиси орқали келадиган маълумот орқали ишлайди. Лекин метафизик соҳасига мурожаат қилганимизда, биз маълумотни дарҳол ололмаймиз. Ҳозир Худони ушлаб, кўриб ёки эшита олмаимиз.

Бироқ, шундай вақт бўлганки, У гапиришга ва Ўзини танага кийдиришга қарор қилган ва шу орқали Уни кўриш ва пайпаслаш мумкин эди. Юҳанно ўзининг биринчи мактубини қуйидаги тасдиқ билан бошлаган: **«Бошидан аён бўлган Ҳаёт каломи ҳақида биз сизларга хабар бермоқчимиз... ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қўлларимиз билан пайпаслаб кўрганларимизни сизларга маълум қилмоқчимиз... Биз... энди У ҳақда сизларга шоҳидлик қиляпмиз»** (1 Юҳ.1:1–2).

Худо ҳаракат қилган

Масиҳийларнинг Хушхабари Худо фақатгина гае пирган, деган таъкидни келтирмайди. Бу Хушхабар — Худо ҳаракат қилган, деб маъқуллайди. Иккала ҳолатда ҳам ташаббус Худога тегишли, чунки одамнинг моҳияти эҳтиёждан иборат. Ахир биз фақатгина нодон эмас, балки гуноҳқормиз ҳам. Шу тарзда, Худога

бизнинг нодонлигимизни очиб бериш етарли эмас. У бизни гуноҳларимиздан қутқариш учун нимадир қилиши керак. У аллақачон буни Эски Аҳд даврида бошлаган эди. У Иброҳимни Ур шаҳридан чақириб олди. Шу орқали Худо Иброҳим ва унинг авлодидан миллат яратишни, Миср қуллигидан озод қилишни, улар билан Синай тоғида Аҳдга киришни, уларни ваъда қилинган ерга саҳродан олиб ўтишни, уларни Ўзининг танлаган халқи қилиб бошқаришни ва ўргатишни режалаштирди.

Буларнинг бари фақатгина Масих орқали бўладиган буюк нажотга тайёргарлик эди. Одамзодни Мисрдаги қулликдан ёки Бобилга сургунликдан эмас, балки гуноҳнинг қуллигидан озод қилиш керак эди. Айна шунинг учун Исо Масих келди. У Нажоткор бўлиб келди.

Унинг исмини Исо қўясан, чунки У Ўз халқини гуноҳлардан қутқаради.

Мат.1:21

Инсон Ўғли йўқолганни излаб топиш ва уни қутқариш учун келган.

Луқо 19:10

Исо Масих гуноҳкорларни қутқариш учун дунёга келди» деган гап тўғри ва асослидир, ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир.

1 Тим.1:15

Исо тинмайдиган чўпон эди, агар У подасидан ҳатто биттагина қўйни йўқотса ҳам уни топмагунича излайди (Луқо 15:3–7).

Масихийлик — бу нажот дини. Бошқа динлар гуноҳкорлар учун келувчи, уларни севувчи ва улар учун

қурбон бўлувчи Худо ҳақидаги хабар билан тенглаша олмайди.

Инсон жавоби

Худо гапирарди. Худо ҳаракатда эди. Бу илоҳий сўзларни ва ишларни Муқаддас Китобдан излаш керак. Чунки кўп одамлар учун ўша нарсалар ёзилган жойида қолаверади. Улар учун бу сўзлар ва ишлар, Худо қилган ва айтган нарсалар ўтган замонга тегишли. Муқаддас Китобдан ҳаётга, ўтмишдан ҳозирги тажрибага ҳали ўтганича йўқ. Худо гапирган, лекин биз Унинг сўзларини эшитганмизми? Худо ҳаракат қилган, лекин биз Унинг қилган нарсаларидан бирор нарса олдикми?

Биз қилишимиз керак бўлган нарсаларга изоҳни сизлар бу китобнинг давомида топасизлар. Худо бизни излаган. У ҳали ҳам бизни изламоқда. Биз Уни излашимиз керак. Аслида олганда, Худонинг одамдан хафа бўлгани шундаки, одам Уни изламаяпти.

«Идрокли бирон зот бормикан?
Бормикан Менга юз бурган?» дея
Инсонга Эгамиз самодан боқар.
Ҳаммаси адашган, бирдай бузилган,
Яхшилиқ қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!

Заб. 13:2-3

Аммо Исо эълон қилди: «Изланглар, топасизлар». Изламасангиз ҳеч қачон топмайсиз. Чўпон қўйини топмагунича излаган. Аёл ўзининг тангасини топмагунича излаган. Нима учун биз ташвиш қилмасак

ҳам бўлади, деб ўйлаймиз? Худо бизнинг топишимизни истайди, лекин излаганларгина топади.

Жон-жаҳдимиз билан излашимиз керак. «Одамзоднинг ботирлиги қанчага етса, унинг дангасалиги шунчалик бўлади» — деган эди Эмерсон. Бу шунчалик жиддийки, биз ўзимизнинг дангасалигимизни енгиб, онгимизни изланишга бағишласак. Худо ишёқмасларга нисбатан сабрли эмас. **«Ў... изловчиларга мукофот беради»** (Ибр.11:6). Камтарлик билан излаш керак. Агар бефарқлик кимдир учун тўсқинлик бўлса, мағрурлик эса бошқалар учун жуда кенг тарқалгандир. Бизнинг онгимиз чегараланган ва Худони Унинг ёрдамисиз таниб билишимизга қодир эмаслигимизни тан олишимиз керак. Мен ўзимизнинг ақли фикрлашимизни бир четга суриб қўйишимиз керак, деб айтаётганим йўқ, аксинча Забур хонишларидан бири онгсиз мавжудот: от ёки хачирга ўхшамасликни буюрган. Биз ўз онгимиздан фойдаланишимиз керак, лекин унинг чегарасини ҳам билишимиз керак. Исо деди:

Эй Ота, еру осмоннинг Эгаси! Сен бу ишларни донолару идроклилардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга шукурлар айтаман.

Луқо 10:21

Бу Исонинг болаларга бўлган севгисининг сабабларидан бири. Уларни ўргатиш мумкин. Улар мағрур эмас, шуҳратпараст эмас, танқидчи эмас. Биз ёш боладек очик, камтар ва қабул қилувчи онгга эга бўлишимиз керак.

Ҳақиқатдан изланиш керак. Худо Ўз ваҳийси деб атаганга фақатгина мағрурликни четга қўйиб эмас,

балки олдиндан хулоса чиқармай яқинлашиш керак. Фақатгина камтарлик билан эмас, балки очик онг билан яқинлашиш керак. Ҳар бир талабага маълумки, олдиндан хулоса чиқариб олиб янги фан ўрганиш хавфлидир. Бироқ кўпчилик изловчилар бошида қарор чиқариб олади-да, кейин Муқаддас Китобга келадилар. Лекин Худо самимий изловчиларга Ўзининг ваъдасини берган. **«Мени бутун қалбингиз билан изласангизлар, топасизлар»** (Ере.29:13). Демак, олдиндан хулоса чиқармасдан, онгимизни масиҳийлик тўғри деган фикрга очиб беришимиз керак.

Бўйсуниб излаш керак. Бу шарт энг қийинидир. Худони излаганда нафақат ўзининг фикрларини, балки ҳаётини ҳам ўзгартиришга тайёр бўлиш керак. Хушхабарда маънавий чақирув бор. Агар хабар ҳақиқат бўлса буни қабул қилишимиз керак. Худо инсонларнинг кузатув объекти эмас. Худога микроскоп ёки телескоп орқали қараб: «Нақадар қизиқ!», дейишимиз керак эмас. Худо қизиқ эмас. У қаттиқ хафа қилишга қодир. Бу Исо Масиҳга нисбатан ҳам тўғри.

Биз Уни ақлан кўриб чиқишни хоҳлаймиз, лекин у бизни руҳан кўриб чиқмоқда. Биз ўринимизни алмаштирганмиз. Биз Арастуни ўрганамиз ва у бизга ақлан насиҳат қилади; биз Исони ўрганиб чиқамиз ва бу бизни руҳан хавотирга солишини ҳис қиламиз... Биз Исога нисбатан юрагимизнинг ва иродамизнинг ички ахлоқий қарорини қабул қилишимизга тўғри келади. Одам Исони ақлан бетарафлик билан ўрганиши мумкин, лекин маънавий жиҳатдан бефарқ қола олмайди. Биз қайси байроқ остида чиқишимизни билдиришимиз керак. Исо билан тўғридан тўғри муносабат

қилишимиз бизни бунга олиб келади. Биз хотиржамли ўқишдан бошлаган эдик, энди эса бизни маънавий қарор қабул қилишимизга ундашмоқда.

*П. Корнеги Симпсон «Исонинг далили», 1930,
Ж. Кларк нашриёти, 1952, 23,24 бетлар*

Демак, Исо яхудийларга мурожаат қилганда, ма-на шуни назарда тутган. **«Қим Худонинг иродаси-ни бажаришни истаса, бу таълимот Худоданми ёки Ўзимданми, билиб олади»** (Юҳан.7:17).

Ваъда бу тушунарли: биз билиб олишимиз мумкинки, Масих ростдан ҳам ҳақиқат бўлганми ёки ёлгонми, Унинг таълимоти инсоний бўлганми ёки илоҳийми. Аммо бу ваъда маънавий шартга асосланган. Биз фақатгина ишонишга эмас, балки бўйсунишга ҳам тайёр бўлишимиз керак. Худо бизга иродасини очиб берганда, уни бажаришга тайёр бўлишимиз керак.

Менинг эсимда, бир куни олдимга бир одам келди. У эндигина мактабни битириб, Лондонда ишлай бошлаган эди. У ўзини иккиюзламачи ҳисобламасдан «Имон рамзи»ни айта олмагани учун жамоатга бормай қўйганини айтди. У энди ўша «Имон рамзи»га ишонмасди. У гапини тугатгандан кейин, мен унга: “Агар мен сизнинг саволларингизга жавоб бериб, ақлингизни қондирсам, ўз ҳаёт тарзингизни ўзгартиришни хоҳлармидингиз”, деб сўрадим. У жилмайди ва қизарди. Аслида унинг муаммоси мантиқан эмас, маънавий эди. Демак, айнан шу тарзда изланишимизни давом эттиришимиз даркор. Биз ўзимиздаги жирканчлигимизни, мағрурликни, олдиндан хулоса чиқаришларимизни ва гуноҳни бир четга йиғиштириб, натижаларга қарамасдан Худони

излашимиз керак. Изланишга ҳаракатларимизнинг ҳамма тўсқинликлардан қуйидаги икки нарсани енгиб ўтиш қийинроқ бўлади: ақлий хулоса чиқариш ва мантиқий ирода. Бу иккала тўсқинликлар қўрқувни акс эттиради. Қўрқув эса ҳақиқатнинг ашаддий душманидир. Қўрқув бизнинг изланишларимизга тўсқинлик қилади. Биз биламизки, Исо Масиҳни излаш ва қабул қилиш ноқулайликка олиб келади. Дунёқарашимизни ўзгартириб, янги ҳаёт тарзига мослашишга тўғри келади. Айнан маънавий ва мантиқий қўрқоқлигимиз иккиланишга мажбур қилади. Биз изламаганимиз учун топмаймиз. Топишни хоҳламаганимиз учун изламаймиз. Яна шунини биламизки, топишни хоҳламасак, энг яхши усул изламасликдир.

Бир ўйлаб кўринг-чи! Балки сиз ўзингиз хато фикрлагандирсиз. Ахир Масиҳ ҳақиқат бўлиши мумкин-ку! Агар сиз камтарона, ҳақиқатдан ва бўйсуниб Худони излашни хоҳласангиз, Худонинг ваҳийси деб таъкидланган китобга мурожаат қилинг. Айниқса, Исо Масиҳ ҳақида айтиладиган Хушхабарга эътиборингизни қаратинг. Унга сиз билан учрашишга ва Ўзининг ҳақиқатлигини кўрсатишга имкон беринг. Бутун онг ва иродангиз билан келинг. Агар Худо сизни ишонтирса, Унга ишонинг ва бўйсунинг. Нега энди Марк ва Юҳанно Хушхабарини ўқиб кўрмайсиз? Бир ўтиришда уларнинг бирини ўқиб тугатиш мумкин. Ўқиб бўлгандан кейин китоб ҳақида бутунлай таассуротга эга бўласиз. Кейин эса бир кунда бир бобдан аниқроқ ўқиш мумкин. Ўқишингиздан олдин ибодат билан бошланг. Масалан:

Худойим, агар бор бўлсанг (Сен бормисан, йўқмисан, билмайман), ибодатимни эштаётган бўлсанг (эшитяпсанми, йўқми, буни ҳам билмайман), мен Сенга айтмоқчиман, мен ҳақиқатдан ҳам ҳақиқатни излаяпман, менга кўрсатгин. Сенинг Ўғлинг Исо Масих ҳақиқатдан ҳам Сенинг Ўғлинг ва дунёнинг нажоткорими? Агар Сен менга бунга ишонч ҳосил қилишга ёрдам берсанг, Мен Унга ўзимнинг Нажоткорим деб ишонаман ва ўзимнинг Раббим деб Унга эргашаман.

Бу ибодатни айтиб ҳеч ким афсусланмайди. Худо инсонга қарз эмас, У ҳар бир ҳақиқий изланишни ҳурмат қилади. Уни ҳақиқатдан изловчиларни мукофотлайди. Масихнинг ваъдаси жуда оддий: изланглар, топасизлар.



I

МАСИҲНИНГ
ШАХСИ



МАСИХ ӰЗИНИ КИМ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАН?



Биз кўрдикки, агар топишни истасак, излашимиз даркор. Излашни қаердан бошласак бўлади? Бош-лашнинг ягона йўли, бу Носиралик Исонинг шахси. Агарда Худо яратган ва ҳаракатда бўлган бўлса, буни У Исо Масиҳда бутунлигича мукамал қилди. Асосий савол шу: Носиралик дурадгор Худонинг Ӱғли бўлганми?

Масиҳийлик тарихини ўрганишда иккита асосий сабаб бор. Биринчиси, масиҳийликнинг борлигининг ўзи бу Масиҳдир. Масиҳ шахси ва иши бу шундай кучки, унинг асосида бутун масиҳийлик қурилган. Агар У Ӱзини эълон қилган шахс бўлмаса, агар У Ӱз сўзи бўйича келиб, иш бажармаган бўлса, бутун асос бузилган бўларди, бутун бино вайрон бўлган бўларди. Агар масиҳийликдан Масиҳни олиб ташласак, умуман ҳеч нарса қолмайди. Масиҳ масиҳийликнинг маркази, қолган нарсалар унинг атрофида қурилади. Биз ҳозир Исо фалсафасининг табиатини, тузумининг сифатини ёки Унинг ахлоқини муҳокама қилишни хоҳламаймиз. Биз аввало Унинг шахсиятининг борлигига қизиққанмиз. У ким бўлган?

Иккинчидан, агар Исо Масих бизнинг олдимизда ажойиб илоҳий шахс сифатида турса, қолган ҳамма муаммолар табиий тарзда ҳал бўлади. Агар Исо Илоҳий бўлган бўлса, Худонинг борлиги исботланган ва Худонинг феъл-атвори очилган бўлади. Биз инсон келажаги ва насибаси, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида, Эски Аҳд маъноси ва обрўси, хочнинг маъноси ҳақида саволларга жавоб олишни бошлаймиз. Агар Исо Илоҳий шахс бўлган бўлса Унинг таълимоти ҳақиқат бўлади. Шу тарзда бизнинг тадқиқотларимиз Исо Масихдан бошланиши керак. Аммо Уни билиш учун, Хушхабарга мурожаат қилиш лозим. Уни илҳомли Калом сифатида қабул қилиш шарт эмас, уни қандай бўлса, шундай тарихий ҳужжат сифатида кўриб чиқиш етарли бўлади.

Биз ҳозир Каломнинг адабий келиб чиқиши ҳақидаги саволни кўриб чиқа олмаймиз (*Янги Аҳд ҳақида Ф. Ф. Брюснинг «Янги Аҳд ҳужжати: улар тўғрими?»*, 5-нашриёт, 1990). Айтиб ўтиш жоизки, Янги Аҳднинг муаллифлари масиҳий бўлишган. Масиҳийлар ҳақиқатгўй инсонлар. Хушхабар ижобий ёзувларни ва тирик гувоҳлар таассуротини бирлаштиради. Лекин биз, ҳозирча бу Хушхабарга, Масиҳнинг ҳаёти ва таълимоти баён этилган асосий аниқ ёзмадай қараймиз. Шундай қилиб биз, қандайдир шубҳали, қаердан келиб чиққани номаълум бўлган матнларга асосланмаймиз. Биз энг умумий ва оддийсига эътиборимизни қаратамиз.

Бизнинг мақсадимиз: Исо Худонинг Ўғли эканини исботловчи гувоҳликлар келтириш. Бизни Унинг илоҳийлигини аниқлигини эълон қилиш қониқтирмайди; биз Унинг илоҳий борлигини ўрнатишимиз

керак. Биз ишонамизки, У Худо билан тирик ва абдий муносабатга эга, бу эса бошқа ҳеч кимда мавжуд эмас. Биз Уни инсон ниқобидаги Худо деб ёки Худо қиёфасидаги инсон деб ҳисобламаймиз. Уни фақатгина Худо — Инсон деб, таниб биламиз. Биз аминмизки, Исо тарихий шахс бўлган. Унда аниқ иккита ва мукаммал табиат бўлган, илоҳий ва инсоний. Демак, У мукаммал, абдий ва ягона бўлган. Фақат шу ҳолда у ҳайратга ва саждага сазовордир.

Гувоҳлик уч қисмдан иборат: Исо ўзини ким деб эълон қилган, У қандай феъл-атворни намоён қилган ва У ўликлардан тирилган. Бирорта ҳам далил ўз-ўзидан хулоса чиқара олмайди. Лекин учта гувоҳликнинг ҳар бири ягона хулосага келади.

Шу тариқа, биринчи гувоҳлик шуки, Масих Ўзини тасдиқлайди. Албатта, гувоҳлик — даъво қилишдан иборат эмас, бироқ олдимизда тушунтиришни талаб қиладиган ҳодисалар турибди. Очқлик бўлиши учун тўртта турли даъволар ҳақида тушунча берамиз.

Исонинг таълимоти Унинг Ўзига қаратилган

Исо таълимотининг энг ажабланарли томони шундаки, У доимо Ўзи ҳақида гапирган. Тўғри, У кўп бора Ота Худо ва Худо Шоҳлиги тўғрисида гапирган. Сўнг-ра У Худонинг Ўғли ва Шоҳликка мерос бўлиш учун келганлигини қўшиб ҳам гапирган. Одамларнинг Шоҳликка кириши Исонинг сўзига қандай жавоб беришига боғлиқдир. У иккиланмасдан Худонинг Шоҳлигини Ўзининг Шоҳлиги деб атаган. Бу йўналиш Исонинг Ўзига қаратилган бўлиб, дунёнинг бошқа

буюк ўқитувчиларидан фарқ қилади. Улар ўзларини рад қилганлар. У Ўзини ҳамма нарсадан юқори қўйган. Улар инсонларга бирон бир йўналиш кўрсатиб: «Мана ҳақиқат, мен уни шундай кўряпман; унга хизмат қилинглар», дейишади. Исо эса: «Мен Ҳақиқат, Менга эргашинглар», деб айтган. Маҳаллий динларнинг биронта ҳам асосчиси шундай дейишга журъат этмаган. Исонинг сўзларини ўқиганимизда эса, шахс оти бизнинг эътиборимизни ўзига жалб этади. Масалан:

Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмайди, Менга ишонган одам ҳеч қачон чанқамайди.
Юҳан.6:35

Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, ҳеч қачон зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади.
Юҳан. 8:12

Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди...
Юҳан. 11:25-26

Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.
Юҳан. 14:6

Эй ҳолдан тойганлар, оғир юк остида қолганлар, ҳаммаларингиз Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуруғимни тақиб олинглар, Мендан ўрганинглар. Чунки Мен юмшоқ кўнгил ва камтаринман. Шунда сизларнинг жонларингиз ором топади.
Мат.11:28-29

Исо таълимотининг биринчи қисмидаги муҳим савол шундай бўлган: «Сизлар-чи, Мени ким деб би-

ласиз?» Иброҳим Уни кўрганда хурсанд бўлганини, Мусо У ҳақда ёзганини, Каломда У ҳақда гувоҳликлар борлигини У тасдиқлаган. Аслида Эски Аҳднинг учта катта қисмида — қонун, пайғамбарлар, Калом — «Масихга тааллуқлидир». (Марк 8:29, Юҳан.8:56, 5:39, Луқо 5:24, 27, 44).

Исо Ўзининг ватани бўлмиш Носирадаги синагогада бўлганини Луқо батафсил ёзган. Исога Эски Аҳд ёзилган ўрама қоғозни беришади ва У ўқиш учун ўрнидан туради. Матн Ишаё пайғамбар китобининг 61- боб, 1–2 оятлари эди:

Эгамиз Раббийнинг Руҳи мени қамраб олган,
Чунки У мени танлаган.
“Йўқсилларга хушxabар етказсин,
Хаста қалбларга шифо берсин,
Асирларга озодлик эълон қилсин,
Зиндондагиларга эркинлик хабарини берсин” деб,
Эгам мени юборди.
“Эгамнинг марҳамат йилини,
Худонинг қасос оладиган кунини эълон қилсин,
Азадорларнинг ҳаммасини овутсин” деб,
Эгам мени юборди.

У китобини ёпиб, синагогада қайтариб берди ва ўтирди. Шу пайтда ҳамманинг кўзи Унда эди. У жимжитликни ажойиб сўзлар билан бузди: «Сизлар эшитган Калом бажо бўлди». Бошқа сўзлар билан айтганда: «Ишаё Мен ҳақимда ёзган».

Ўзи ҳақида бундай фикрга эга бўлиб, У одамларни Ўзига чақиргани ажабланарли эмас. Аслида, У нафақат таклиф қилган, балки буйруқ берган: «Менга келинглар, Менга эргашинглар». Агар одам-

лар Унга келган бўлсалар, қувғин бўлганларга юкини енгиллаштиришни, очларга овқат беришни ва чанқоқ жонларга чанқоғини босишни ваъда қилган. Кейинчалик Унга эргашувчилар Унга бўйсунислар ва одамлар олдида У ҳақда гувоҳлик беришлари керак эди. Унинг шогирдлари юқоридаги даъволарга Исонинг катта ҳуқуқи борлигини тан олишган, ҳамда Бутрус, Ёқуб, Яхудо ва Павлус ўз мактубларида ўзларини Масихнинг қуллари, деб айтишга хурсанд бўлганлар.

Бундан ташқари, Исо Ўз замондошларига Ўзини имон ва севги сифатида таклиф қилди. Исо деди: «Худога маъқул иш қилмоқчи бўлсангизлар, Худо юборган Зотга ишонинглар». Агар Унга ишониш одамнинг биринчи вазифаси бўлган бўлса, Унга ишонмаслик эса, энг қўрқинчли гуноҳ бўлган (Юҳан.6:29; 3:36; 8:24; 16:8–9).

Энг биринчи ва энг муҳим амр, Худони бутун юрак, дил ва онгимиз билан севишдир. Кимдир отаа сини, онасини, ўғли ёки қизини Худодан кўпроқ сева са, Унга лойиқ эмаслигини айтади Исо. Аслида, У ибронийларга таққослаш орқали қарама-қаршиликни кўрсатди. У яна шундай деди: «Менга эргашган одам Мени ота-онасидан, ака-ука ва опа-сингилларидан, ҳатто ўз жонидан ортиқ севиши керак, акс ҳолда, у Менинг шогирдим бўлолмайди» (Мат.10:37, Луқа 14:26).

Масих Худо эканлигига шунчалик амин эдики, У осмонга қайтганида Унинг ўрнини боса оладиганни юборишга қарор қилди. Бу Муқаддас Рух эди. Масих Уни Юпатувчи дейишни яхши кўрарди. Юпатувчи юридик термин бўлиб, юнон тилида «адвокат» маъ-

носига эга. Муқаддас Рухнинг вазифаси дунё олдида Масиҳни ҳимоя қилиш эди. «У Мен тўғримда гувоҳлик беради», деган эди Исо. Яна: **«У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу орқали Мени улуғлайди»** — деб айтган Исо (Юҳан.15:26; 16:14). Шу тарзда, Муқаддас Рухнинг дунёга гувоҳлиги ҳам, жамоатга берилган ваҳий ҳам Исо Масиҳга тегишлидир.

Ўзига қаратилган ажойиб бир лаҳзада Исо шундай деган эди: **«Мен ердан юқорига кўтарилганимда, ҳаммани Ўзимга жалб қиламан»** (Юҳан.12:32). Хоч эркаклар ва аёлларни келажакда руҳан ўзига жалб қилишини Исо билар эди. Лекин Унинг сўзлари бўйича, одамлар биринчи ўринда Худога, жамоатга, ҳақиқат ёки солиҳликка жалб қилинмайди, балки Унинг Ўзига жалб қилинади. Умуман олганда, одамлар фақатгина Унга жалб қилингандагина буларнинг ҳаммасига эга бўлади.

Бу таълимотнинг энг ажойиблиги шундаки, камтарликка ундаган Зот, ушбу таълимот ҳақида воизлик қилган. У шогирдларини эътиборни ўзларига қаратгани учун койирди. Уларнинг буюк бўлиш ҳақидаги орзулари Уни хафа қиларди. Лекин Исонинг Ўзи воизлик қилган сўзларига амал қилармиди?

Унинг тўғридан тўғри даъвогарлиги

Аниқки, Исо Ўзини Эски Аҳдда башорат қилинган Масиҳ, деб ҳисобларди. У пайғамбарлар башорат қилган Худо Шохлигини ўрнатиш учун келди.

Муҳими шуки, Исо илк маротоба ваъз қилганда Унинг биринчи сўзи: «ушалди», биринчи гапи эса:

«Вақт бажо бўлди ва Худонинг шоҳлиги яқинлашди» бўлди (Марк 1:15). У Инсон Ўғли деган унвонни қабул қилди. Бу унвон Дониёрнинг ваҳийларидан бири бўлиб, Масих учун умумқабул қилинган унвон эди. Исо олий руҳоний билан гаплашаётганда «Худонинг Ўғли» номини қабул қилди. Бу эса Забур китобининг 2–боб, 7–оятида қайд этилган унвон эди. Исо ўзининг хизматини Ишаё Китобининг охириги қисмида кўрсатилганидек, азоблар чекадиган Худонинг кули сифатида ҳам кўрарди. Исо таълимотининг энг кўзга кўринарли биринчи босқичи, бу Филип Кесариясида бўлиб ўтган воқеадир. Ўшанда 12 ҳаворийларнинг бири, яъни Симун Бутрус Исо Масихга имон келтирди. Бошқалар, эҳтимол Исони пайғамбарлардан бири, деб қабул қилишгандир, лекин Бутрус Исони пайғамбарлар кўрсатган шахс, деб қабул қилди. Исо шунчаки бир белги бўлмаган, балки бу белгилар кўрсатган шахс бўлган. (Марк 14:61–62, 8:27–29).

Исонинг хизмати бажо келтириш ҳисси билан безалган. Ўз шогирдлари билан қолганда Исо шундай деган эди: **«Сизлар кўраётганларни кўрадиган кўзлар бахтлидир! Сизларга шуни айтай: қанчадан-қанча пайғамбарлар, қанчадан-қанча шоҳлар сизлар кўрган воқеаларни кўришни истаганлар, аммо кўрмаганлар. Сизлар эшитганларингизни эшитишни улар истаганлар, аммо эшитмаганлар»** (Луқо10:23, Матто 13:16,17).

Лекин биз кўриб чиқаётган даъволар фақатгина Исонинг Масих бўлганига қаратилмаган, балки Унинг Илоҳий борлиғига ҳам қаратилган. Исони Худонинг Ўғли эканини маъқуллаш, Унинг Масих унвонига эғалигидан ҳам аълороқдир. Бу маъқуллаш

Исонинг Худо билан бўлган ажойиб ва абадий боғлиқликни кўрсатади. Бу буюк даъвога уч мисол келтиришимиз мумкин.

Биринчидан, биз «Ота»дек Худо билан яқинликни кўряпмиз, бу ҳақда У доим гапирган. У 12 ёшидаёқ ердаги ота-онасини Осмондаги Отанинг ишларига чексиз интилишлари билан лол қолдирган. У қуйидагиларни даъво қилган:

Менинг Отам шу кунгача Ўз ишини қилиб келяпти,
Мен ҳам Ўз ишимни қиялпман.

Юҳан. 5:17

Мен ва Отам бирмиз.

Юҳан. 10:30

Мен Отамда ва Отам Менда...

Юҳан. 14:10-11

Исо ўз шогирдларини Худога Отадек мурожаат қилишни ўргатган. Лекин Масихнинг Худога нисбатан ўғиллик муносабати бизникидан шунчалик фарқ қиладики, Исо бу фарқни бошқаларга кўрсатиб ўтган. Исо учун Худо «Менинг Отам». Шунинг учун У Магдалилик Марямга деди: «Мен сенинг ва Менинг Отамнинг олдига кетяпман», деди. «Мен Отамизнинг олдига кетяпман», деб айтишнинг иложи йўқ эди.

Бу оятлар Юҳанно Хушхабаридан олинган. Лекин Исо шундай ажойиб муносабат ҳақида Матто Хушхабарининг 11-боб, 27-оятида айтган ва исботлаган:

Отам ҳамма нарсани Менинг ихтиёримга топширган. Ўғилни Отадан бошқа ҳеч ким билмайди. Отани ҳам Ўғилдан бошқа ва Ўғил аён қилишни истаган одамдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Исо ҳақиқатдан ҳам Худо билан яқин муносабат ҳақида гапирган, кейинчалик У яҳудийларнинг гаф забини келтирди. У «Ўзини Худонинг Ўғли» қилди (Юҳан.19:7), деб айтарди улар. Унинг Худо билан бир хиллиги ёрқин эди. У одамнинг Ўзига нисбатан ва Ўзининг Худога нисбатан муносабатини табиий тарзда қиёсларди.

Шу тарзда,

Уни билиш Худони билишни англатарди;

Уни кўриш Худони кўришни англатарди;

Унга ишониш Худога ишонишни англатарди;

Уни қабул қилиш Худони қабул қилишни англатарди;

Уни ҳурмат қилиш Худони ҳурмат қилишни англатарди;

Юҳан. 8:19, 14:17, 12:15, 17:44; Марк 9:37, Юҳан. 15:23, 5:23

Бу Исонинг Худо билан бўлган шахсий муносабатининг баъзи бир тасдиқлари. Икки маротаба У тўғридан-тўғри хабар қилган. Биринчиси, Юҳанно Хушхабарининг 8-бобида ёзилганидек, У шундай деган эди: **«Сизларга чинини айтайин: ким Менинг сўзларимга риоя қилса, ҳеч қачон ўлим кўрмайди»**. Унинг танқидчилари учун бу ҳаддан зиёд эди. «Иброҳим ўлди, пайғамбарлар ҳам ўлиб кетишган; наҳотки Сен отамиз Иброҳимдан ҳам устун бўлсанг? Сен Ўзингни ким деб ҳисоблаяпсан?» **«Отангиз Иброҳим келган кунимни кутиб, хурсанд бўлган эди. Ўша кунни кўриб, қаттиқ қувонди»**, жавоб берди Исо. Шу пайтда Исо энг кучли тасдиқ билан жавоб берди: **«Сизларга чинини айтаяпман: Иброҳим бўлмасидан олдин Мен бор эдим»**.

Шунда улар Исони тошбўрон қилмоқчи бўлишди. Худога ширк келтирганлар учун Мусонинг қонуни

тошбўрон қилиш жазосини белгилаган эди. Яҳудийлар Масихнинг сўзларида Худога ширк келтирадиган нимани кўришди? Албатта, У Иброҳимдан олдин яшаганини айтди. У осмондан тушганини ва Ота томонидан юборилганини кўп маротоба айтган.

Давом этамиз. У «Мен Иброҳимдан олдин бўлганман» эмас, «Мен борман» деган. Шу тарзда Исо Ўзининг Иброҳимдан олдин мавжуд бўлганини айтган. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, «Мен борман» — бу, ёниб турган бута орқали Худонинг Мусога очиб берган исмидир (Чик.3:15). Бу илоҳий рамзни Исо Ўзига олди. Шунинг учун Яҳудийлар Унга тош отишмоқчи бўлди. Юҳанно айтадики, Фисихдан кейинги якшанба куни Тўма бошқа шогирдлар билан уйда ўтирганида, у ерда Исо пайдо бўлди. (Юҳан. 20, 26, 29) У Тўмага Ўзининг қўлларидаги яраларни ушлаб кўришни таклиф этади. Тўма эса ҳайратдан: «Менинг Раббим ва Худойим», деб қичқириб юборди. У Тўмага топиниш сўзлари учун эмас, балки ишончсизлиги учун танбеҳ берди.

Исонинг бевосита даъвогарлиги

Масих Ўзининг илоҳийлиги ҳақида тўғридан тўғри ва бевосита тарзда айтиб ўтган. У Ўзининг кимлиги ҳақида гувоҳликлар берган. Ваъзларининг туб-маъноси ҳам худди шундай чиройли қилиб айтилган гувоҳликлардир. У кўпинча Худо қиладиган ишларни қилган. Бунга тўртта мисол келтириш мумкин.

Биринчидан, У *гуноҳларни кечирishi*ни тасдиқларди. Каломнинг иккита жойида Исо гуноҳқорларни кечирган. (Марк 2:1–12, Луқо 7:36–50). Биринчи-

сида, Исонинг ёнига шол одамни олиб келишди. Шол одамнинг дўстлари Исо турган уйнинг томини бузиб, у ердан касални тўшаги билан туширишди. Касалманд руҳий далдага муҳтож эканлигини кўрган Исо шолга: «гуноҳларинг кечирилди», дейди ва шу орқали халойиқни ҳайратда қолдирди.

Иккинчисида, У ахлоқий бузуқ аёлнинг гуноҳларини кечирганини эълон қилади. Исо фарзийнинг уйида бўлганида, ўша аёл Исонинг оёқларини кўз ёшлари билан ювади, сочлари билан Унинг оёқларини артади, ўпади ва уларни мойлайди. Исо унга: «Гуноҳларинг кечирилди», дейди.

Иккала ҳодисада ҳам атрофда бўлганлар ажабланиб, қошларини кўтардилар ва сўрадилар: «Бу ким? Бу қандай Худога ширк келтириш? Худонинг Ўзидан бошқа ким гуноҳларни кечиради?». Бу саволлар тўғри берилганди. Бошқалар бизга озор етказганда кечириш мумкин, лекин Худога қарши қилинган гуноҳни фақатгина Худонинг Ўзи кечира олади.

Масих Ўзининг илоҳийлигини ҳаёт бериш билан тасдиқларди. У Ўзи ҳақида «ҳаёт», «ҳаёт нони», ҳамда «тирилиш ва ҳаёт» деб айтган. Ўз шогирдларининг Унга боғлиқлигини худди узум новдаларининг токка боғлиқлигига ўхшатарди. Самариялик аёлга «ҳаёт сувини» беришни таклиф қилди. Бошқарувчи бой йигитга эса агар келиб, Унинг изидан эргашса, абадий ҳаётни ваъда қилди. Исо Ўз қўзилари учун нафақат жон берувчи, балки уларга ҳаёт ато этувчи Чўпон ҳамдир. Худо Унга бутун жонзот устидан ҳукмронлик берганини ва Худо Унга берган абадий ҳаётни ҳаммага беришини айтган (Юҳан.6:35, 14:6, 11:25; 15:4–5; 4:10–15; Марк 10:17–21; Юҳан. 10:28; 17:2; 5:21). Унинг

айтгани шунчалик шак-шубҳасиз бўлганки, шогирдлари бунинг ҳақиқатлигини аниқ кўришган. Исони ташлаб кетиш улар учун имконсиз бўлиб қолди. «Биз кимга борамиз?» — сўради Бутрус. — «Сенда ҳақиқат каломи» бор.

Ҳаёт — жумбоқдир. Хоҳ руҳий, хоҳ жисмоний бўлсин, унинг табиати келиб чиқиши сингари тушунарсиз. Биз бунинг нималигини аниқлай олмаймиз, қаердан олинишини ҳам билмаймиз. Биз буни фақат Худонинг инояти, деб атай оламиз. Бу Исо ваъда қилган совғадир.

Исонинг учинчи бевосита баёноти ҳақиқатни ўргатишидан иборат эди. Бизнинг диққатимизни нафақат ҳақиқатни ўргатиши, балки Унинг ваъзлари-ни тўғри ва мақсадлилиги ҳам тортади. Исонинг замондошлари Унинг донолигига ҳайрон қолишганди:

Унда бу қаердан? Унга қандай донолик берилган? Ахир у дурадгор эмасми? Ўқимасдан туриб, Каломни қаердан билади?

Лекин Исонинг Ўз ҳокимлигини англаши уларни янада кўпроқ ҳайрон қолдирган:

Инсон ҳеч қачон бу одамдай гапирмаган эди?

Унинг сўзи ҳоким эди.

Исо сўзини тугатгандан кейин халойиқ унга ҳайрон қоларди. Чунки у фарзийлар каби эмас, ҳукмронликка эгадек гапирар эди.

Марк 6:3, Юҳан.7:15, Луқо 4:32, Мат.7:28–29

Исонинг ҳокимлиги фарзийлар ва пайғамбарларнинг ҳокимлигидай эмас эди. Фарзийлар ҳеч қа-

чон ўқимасдан таълимот бера олмасдилар. Пайғамбарлар Худонинг ҳокимлиги билан гапирардилар. Лекин Исо Ўз ҳокимлигини эълон қиларди. У «Худо шундай дейди» эмас, балки, «Чиндан сизларга айтаяпман» дер эди. Аслида, У Ўз таълимотини Ўзиники эмас, Уни юборган Самовий Отаники, деб тасвирлаган. Лекин Исо Ўзини Худонинг тўғридан-тўғри ваҳийси эканлигини билган ва шунинг учун катта ишонч билан гапирган. У ҳеч қачон шубҳаланмаган ва кечирим сўрамаган. Исо Масихда, сўзларимни қайтиб олайми ёки ўзгартиришим керакми, деган иккиланишлар бўлмаган. У икки хил маънога эга бўлмаган Худонинг сўзини айтган: «Худо юборган Худонинг сўзини айтади». У келажакни аниқ қилиб айтиб берган. У комил, ахлоқий буйруқлар берган: «Душманингни сев», «Эртанги кун ҳақида қайғурма», «Ҳукм қилманг, маҳкум бўлмайсиз». У бир дақиқа ҳам шубҳаланмай ваъдалар берарди: «сўранглар ва сизларга берилади». У Ўз сўзлари қонун каби абдийлигини ва улар ҳеч қачон йўқ бўлмаслигини таъкидлаган. У Ўз тингловчиларини огоҳлантирган: Исроил халқининг тақдири Худонинг сўзларига қандай гувоҳлик бўлган бўлса, уларнинг ҳам ҳаёти У берган таълимотига қандай жавоб беришларига боғлиқ бўлади.

Исо ўзини дунёни ҳукм қилишга ҳақли эканини айтган. Ўз ҳикматларининг бир нечтасида Исо дунёнинг охирида қайтиб келишини айтган. Ҳукм куни У келгунга қадар қолдирилганини назарда тутиб айтган. У барча ўликларни тирилтиради ва барча миллат Унинг олдида йиғилади. У Ўзининг шуҳрат тахтида ўтиради ва ҳукм қилиш Унга Ота-

дан берилади. Шунда чўпон ўз қўйларини эчкилардан ажратгандек, У ҳам инсонларни бир-биридан ажратади. Баъзиларни У, дунё яратилганда тайёрлаб қўйган Шоҳликка меросхўр бўлишга чақиради. Бошқалар эса Ундан даҳшатли сўзларни эшитади: **«Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар!»** (Мат.25:31–46, Юҳан.5:22,28–29).

Лекин Исо фақатгина Ҳукм қилувчи бўлмайди; биродарларга бўлган муносабатимиз ёки Каломга берган жавобимиз Исога нисбатан муносабатимизни белгилаб беради ва ажратилиш мезони бўлади. Инсонлар олдида Уни тан олганларни, У Отанинг олдида тан олади. Уни рад этганларни У рад этади. Аслида одамни охириги кунда осмондан ҳайдаш учун Исога фақат «Мен сизларни ҳеч қачон билмаганман», дейиши кифоя. (Юҳан.12:47–48, Мат.10:32–33; 7:23).

Бу тасдиқнинг қанчалик буюк эканини баҳолаш қийин. Ҳозирги замонда жамоат аъзоларига мурожаат қилаётган руҳонийни тассаввур қилинг: «Мени диққат билан тингланг. Сизнинг абадийликдаги ҳаётингиз шунга боғлиқ. Мен дунё охирида қайтаман ва сизнинг тақдирингиз менга қанчалик қулоқ солганингизга қараб ҳал этилади». Бундай воизхонга полиция ёки психиатр билан ишлашга тўғри келади.

Исонинг даъволари ҳақиқатга айланган

Бизга фақат ҳақиқатга айланган Исонинг мўъжизаларини кўриб чиқишгина қолди.

Биз мўъжизаларнинг мақсади ва имкониятлари ҳақида чуқур муҳокама қилмаймиз. Бизга Исо мўъжизаларининг ғайритабиийлигини эмас, балки руҳий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатишнинг ўзи кифоядир. Улар ҳеч қачон шахсий манфаат учун қилинмаган. Улар инсонларни бўйсунтириш ёки қандайдир жиҳатини кўрсатиш учун қилинмаган. Аниқроғи, уларда жисмоний куч эмас, балки руҳий куч кўрсатилган. Ахир улар ҳақиқатдан содир бўлган Исонинг қилган ишлари. Улар Исонинг феъл-атвори, Унинг сўзларини акс этади.

Юҳанно бунини аниқ кўрган. У Хушхабарни олти ёки еттита мўъжиза асосида тузади (қаранг 20:30–31) ва уларни Исо — Бор, деган баёнот билан боғлайди. Биринчи мўъжиза Жалилада бўлган тўйда сувни шаробга айлантириш бўлган. Ўз-ўзидан бу мўъжиза махсус ибратли мисол бўлмаган. Унинг маъносини шундоққина кўриб бўлмайди. Юҳанно айтадики, у ерда Яҳудиянинг тозаланиш одатларига кўра олти тошли кўзалар бўлган (Юҳан.2:6).

Бу айнан биз излаган калит. Юҳанно Хушхабарининг 4–бобида ёзилганидек, сув деганда Эски Аҳд билан чамбарчас боғлиқ бўлган Ёқубнинг қудуғи ўхшатма қилиниб, эски дин назарда тутилади. Шароб остида Исонинг дини назарда тутилади. У сувни шаробга қандай айлантирган бўлса, Хушхабар ҳам қонуннинг ўрнини босади. Бу қонун У янги тартиб кирита олиш ҳокимиятини тасдиқлайди. У Масих эди. Тез орада Исо самариялик аёлга «У — бу Мен» дейди.

Шу сингари, Исо 5000 одамни тўйдириб, юракдаги чанқоқлиқни боса олишни кўрсатди. Кейинроқ У «Мен ҳаёт нониман» дейди. У туғма кўр бўлган одам

нинг кўзига шифо беришдан аввал «Мен дунёнинг нуриман» деган. Агар кўрни шифолаган бўлса, демак У одамларнинг Худони кўра олишлари ва билишлари учун уларнинг кўзларини ҳам оча олар эди. Ниҳоят, У тўрт кун давомида ўлиб ётган Лазар исмли одамни «Мен тирилиш ва ҳаётдирман», дея қайта тирилтирган. У ўликни тирилтирди. Бу белги бўлган. Тананинг ҳаёти жоннинг ҳаётини ифодалаган. Масиҳ имонлиларнинг ўлимдан олдинги ҳаёти ва ўлган имонлиларнинг эса тирилиши бўлиб қолади. Мана шу мўъжизаларнинг ҳаммаси ҳикматлардир. Чунки одамлар оч, кўр ва руҳан ўликдирлар. Фақат Масиҳгина уларни тўйдиради, кўзларини очади ва янги ҳаёт учун тирилтиради.

Хулоса

Носиралик дурадгорнинг таълимотидан ушбу баёнотларни ўчириб бўлмайди. Булар хушхабарчилар томонидан ўйлаб топилган ёки онгсиз равишда бўрттирилган, дейиш мумкин эмас. Улар кенг ва бир меъёردа Хушхабарларга бўлинган. Буни ўйлаб чиқариш мумкин эмас, чунки умумий кўриниш ўзаро мос ва бир маромдадир.

Биз бу баёнотларни кўряпмиз. Ўз-ўзидан улар илоҳийлиги ҳақида гувоҳлик бермайди. Улар ёлғон бўлиши мумкин эди, аммо бунга тушунтириш топиш керак. Агар Исо энг асосий таълимотларидан бири яъни Ўзида адашган бўлса, Унга энди буюк устоздек муносабат қилиб бўлмайди. Баъзи олимлар бунда уларни хавотирга соладиган улуғлик васвасасини кўришди.

Оддий одамдан чиққан бундай баёнотни худбинлик деб ҳисобласа бўлади. Бу худбинлик империя улуғлиги васвасаси даражасига етиб борган.

П. Т. Форсит «Ҳозирги ва кейинги ҳаёт», 1947

Исонинг маънавий таълимотининг чуқурлиги, донолиги, (қўшишга ижозат берсангиз) ўткирлиги ва Унинг илоҳиётли таълимотининг остида яширинган шиддатли улуғлик васвасаси орасидаги қарама-қаршилиқ, (агар у аслида Худо бўлмаса) ҳали ҳеч қачон қоникарли даражада тушунтирилмаган.

К. С. Льюкс «Мўъжиза», 1947

Хўш, унда Исо бизни онгли равишда алдаганми? Наҳотки У одамларни Ўз қарашларига ишонтиришга уриниб, кейин эса аслида Ўзида йўқ бўлган илоҳий хокимликни Ўзига қўшиб ёзган? Бунга ишониш жуда қийин. Унда айёрлик йўқ. У бошқалардаги иккиюзламачиликни ёмон кўрган ва Ўзи ҳам самимий бўлган.

Балки У ҳақиқатдан адашгандир? Ўзи ҳақида мунстаҳкам ёлғон тасаввурни яратгандир? Бу нуқтаи назарнинг ҳимоячилари бор албатта, аммо уларнинг ёлғон тасаввури янада кучлироқ, деган шубҳа ҳам бор. Бироқ, Исонинг феъл-атвори Ўзининг сўзларини тасдиқлайди ва айнан шу йўналишда биз ўз изланишимизни давом этамиз.



ИСОНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ



Бир неча йил олдин мен бир танишимдан хат олдим. «Мен яқинда бир нарсани англадим, қудратли Худонинг икки ўғли бор экан, биринчиси Исо бўлса, иккинчиси менман», деб ёзарди у хатида. Мен конверт устидаги манзилга қарадим. У менга хатни руҳий касалликлар шифохонасидан ёзган экан. Албатта буюкликка ва илоҳийликка даъвогарлар кўп бўлган. Руҳий касалликлар шифохонаси ўзини Юлий Цезарь, бош вазир, Япония императори ва Исо Масих деб атайдиганларга тўла. Бироқ уларга кўпчилик ишонмайди. Ўзларидан бошқа ҳеч ким бунга алданмайди. Уларнинг ҳеч қандай шогирдлари йўқ. Улар ўзларини ким деб атаганларига мос равишда тутишмайди, шунинг учун атрофидагиларни ишонтира олишмайди.

Исо Ўзини ким деб атаганига мос равишда тутгани учун, ҳозирда Унга ишонганларнинг ишончи шу даражага асосланиб мустаҳкамланыпти. Унинг ҳаракатлари ва сўзлари орасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ. Ўзининг кимлигини тасдиқлаш учун ажойиб феъл-атворга эга бўлиш керак, лекин биз кўриб туриб

мизки, Исонинг феъл-атвори айнан шундай бўлган. У Ўзини ким деб атаганлиги буни тасдиқламайди, аммо ишонарли даражада буни кўрсатади.

Унинг феъл-атвори ажойиб эди. Джон Стюарт Милл уни «Ўзидан олдин келганларга ва Унга эргашганларга ўхшамайдиган ягона шахс» деб атаган. (Гриффит Томас буни «Масиҳийлик — бу Масиҳ» китобида эслатади. 1909).

Карнеги Симпсон қуйидагиларни ёзган:

Ихтиёрсиз равишда биз Уни биронта ҳам гуруҳга тегишли деб билмаймиз. Агар биз Исони Конфуцийдан бошлаб, Гётеда тугайдиган рўйхатга қўшиб қўйсак, бу нафақат урф-одатни, балки ахлоқни ҳам бузишини ҳис қиламиз. Исо буюкларнинг бири эмас. Хоҳласангиз Искандар Зулқарнайн, Буюк Чарльз ва буюк Наполеон ҳақида гапиринг, лекин Исо алоҳида туради. У буюк эмас. У ягонадир. У — оддий Исо. Бунга ҳеч нарса қўшолмаймиз. У бизнинг таҳлилимизга қарам эмас.

У бизнинг инсоний урф-одатларимизни йўқ қилади. У ўз танқидларимизни четга суришимизга мажбур қилади. Чарльз Лем шундай дейди: «Агар Шекспир шу хонага кирганда эди, биз уни туриб қарши олишимизга тўғри келар эди. Аммо бу Шахс шу ерга кирса, биз тиз чўкиб, Уни кийимининг этагини ўпишга ҳаракат қилишимиз керак.

П. Карнеги Симпсон «Масиҳ далили», 1930

Шу тарзда биз Исони алоҳида тоифада туришини кўрсатишимиз лозим. У қачонлардир яшаб ўтган буюк инсонлардан бири, деган тасаввур бизни қониқтирмайди. Биз Исони солиштириб ҳам гапира олмаймиз. Биз учун бу солиштириш эмас, қарама-қаршилик саволидир. Исо ёш бошқарувчидан «Нима учун

мени валинеъмат деб атайсан», деб сўраган. «Худодан бошқа валинеъмат йўқ». «Айнан шундай!» — деб жавоб беришимиз керак эди, «Сен одамлардан энг яхшиси ҳам эмассан. Сен иноятлисан, Худонинг тўлиқ химмати бўйича иноятлисан».

Бунинг маъноси тушунарли бўлиши керак. Гун ноҳ — бу инсонларнинг туғма касаллиги. Биз ўз таби атимизда шу вирус билан туғилганмиз. Бунга ҳамма ҳар доим шикоят қилган. Лекин Носиралик Исо гуноҳсиз бўлган бўлса, демак биз билган бошқа одамлардек оддий инсон бўлмаган. Агар У гуноҳсиз бўлган бўлса, демак У биздан фарқ қилган. У илоҳий бўлган.

Балки Масиҳнинг гуноҳсизлиги ҳақидаги гувоҳликни тўрт бўлимга бўлиш фойдалироқ бўлар?!

Масиҳнинг Ўзи бу ҳақида нима деб ўйлаган?

Исо Ўзининг гуноҳсизлигини бир неча марта аниқ тасдиқлаган. Зинокор аёлни Исонинг олдига олиб келишганда, У айбловчиларга лол қолдирадиган гап айтган: «орангизда ким гуноҳсиз бўлса, биринчи бўлиб тош отсин». Ҳамма тарқаб кетди. Ҳеч ким қолмади. Шу бобнинг давомида Исо бу сафар Ўзи ҳақида гапирган: **«Қайси бирингиз Мени гуноҳда айблайсизлар?»** деб ёзилган (Юҳан.8). Ҳеч ким жавоб бермади. У одамларни айблаган пайтда улар кетишга ҳаракат қилишарди. Аммо Исо уларни Ўзининг шаънига айблов билдиришга таклиф этганда, У кетмай, одамлар берган саволларга бардош берар эди. Уларнинг ҳаммаси гуноҳкор эдилар, У беғуноҳ эди. У тўлиқ итоаткорона Отасининг ҳоҳиши билан яшарди. «Мен, У

айтган ва Унга керакли нарсаларни доимо бажараман». Ҳеч қандай мақтанчоқлик йўқ эди бу сўзларда. У ҳовлиқмай, хотиржамлик билан гапирарди. Шу тариқа, табиатан Ўзининг таълимоти туфайли Унинг Ўзи — Ўзини алоҳида ахлоқий тоифа қилди. Худди шу аснода, Маъбадда такаббуруна миннатдорчилик билан бир фарзий ўзини шундай тутиб: «Худо, мен бошқа одамлар каби бўлмаганим учун Сенга миннатдорчилик билдираман» деган. Аммо Исо Ўзини қондириш учунгина Ўзининг ноёблигини қабул қилмаган. Бу шунчалик аниқ эдики, бунга диққатни жалб қилиш ҳам керак эмас эди. Тушунарли бўлгани учун буни исботлаш, тасдиқлаш ҳам керак эмас эди. Бошқа барча одамлар адашган қўйлар эдилар; Исо уларни топиб, қутқариш учун Меҳрибон чўпон каби келди. Қолган барча одамлар гуноҳ касалликлари қийноғида эдилар. Исо уларга шифо бериш учун табиб каби келди. Қолган барча одамлар жаҳолат ва гуноҳ зулматига ботишган эдилар. Исо олам Нури эди. Қолган барча одамлар гуноҳкор эдилар; Исо эса уларнинг гуноҳлари кечирилиши учун қонини тўкиб, ўлиш учун Нажоткор бўлиб туғилган эди. Қолган барча одамлар оч эдилар; Исо ҳаёт Нони эди. Қолган барча одамларни итоатсизликлари ва гуноҳлари учун ўлим кутар эди; Исо эса уларнинг ҳозирги пайтдаги Ҳаёти ва кейинчалик Тирилишидир. Юқоридаги кинояларнинг бари Исонинг ахлоқий ноёблигини ифодалайди ва У буни англаб эди.

Шунинг учун бизлар Исонинг васвасага солинганлиги билсак-да, Унинг гуноҳлари ҳақида ҳеч нарса эшитмаганимизга ажабланмаса ҳам бўлади. У ҳеч қачон Ўзининг гуноҳлари учун тавба қилма-

ган; кечирим тўғрисида сўрамайди, ҳолбуки Ўзининг шогирдларидан буни талаб қилган. У ахлоқий йиқилишни билмайди. Афтидан, айб ва Худодан узоқлашиб кетиш ҳисси Унга таниш эмас. Унинг чўмдирилиши ҳақиқатдан ҳам Яхё пайғамбар айтган «тавба чўмдирилиши» эди. Бироқ Яхё Исони қандай чўмдириш кераклиги тўғрисида иккиланиб тўхтади. Исо эса Ўзини гуноҳкор, деб ҳисобламасди, У «ҳар қандай ҳақиқатни бажариш» ва Ўзини бошқаларнинг гуноҳлари билан ўзаро нисбатни аниқлаш учун келди. Унинг Ўзи эса, кўриб турганимиздек, Ота билан ажралмас ва мустаҳкам иттифоқда яшамоқда.

Бу ҳар қандай ахлоқий айбнинг йўқлиги ва бу Худо билан лойқаланмаган муносабат туйғуси икки сабаб туфайли ажойибдир. Биринчиси шуки, Исога ўзига хос ўткир ахлоқий заковат ҳисси берилган эди. «У... инсоннинг моҳиятини билар эди». У халойиқнинг ички шубҳа ва саросималарини ўқий билиши ҳақида кўпинча Хушхабарда ёзилган. Унинг аниқ тушуниши фарзийларнинг мунофиқлигини қўрқувсиз очиб ташлашга имкон берди. Исо уларнинг иккиюзламачилигини ёмон кўрар эди. У Эски Аҳддаги пайғамбарлар каби уларнинг бошларига баралла дард-алам ёғдирарди. Айёрлик ва шуҳратпарастлик Уни нафратлантирарди. Шундай бўлса-да, Унинг ўткир нигоҳида гуноҳ акс этмас эди. Иккинчидан, Унинг англаб етган тозалиги бирорта ҳам авлиё ёки тасаввуфчига ўхшамаслиги учун ҳайратланарли. Масиҳийлар Худога қанчалик яқин келишса, шунчалик гуноҳларини англаб етишини билишади. Бунда авлиё қандайдир меъёрда олимга ўхшаб кетади. Олим қанчалик кашфиёт қилаверса, шунчалик у ўрганил-

маган нарсаларни қадрлаб, яна кашфиётларни ку-тади. Демак, масиҳий масиҳийликда ўсиб борса-да, у ҳали ҳам уни Масиҳдан ажратиб турувчи масофа-нинг узоқлигини англаб туради.

Агарда китобхонда шахсий малака етишмаса, у хоҳлаган масиҳийлик биографиясини ўқиб чиққани-да, унда юқорида ёзилганларга ишонч ҳосил бўлади. Мисол келтириш мумкин. Дэвид Брайнерд XIX аср бошларида Дэлавер штатида ҳинду қабилаларида иш олиб борган энг биринчи ёш хизматкорлардан бири эди. Унинг кундалик ва хатлари у Масиҳга қанчалик содиқ ва вафодор эканлигидан далолат беради. 29 ёшида ўлимга олиб келган кучли оғриқ ва бемадор-ликка қарамай, у ўзининг бор кучини ишга бағишла-ди. У от устида чакалакзорлар орқали ўтиб чарчаш билмай ўқитиб, воизлик қиларди. Унда ухлаш учун бошпанаси, оиласи йўқ эди. Унинг кундалиги «ме-нинг қадрдон ҳиндуларимга» каби меҳр-муҳаббат сўзларига, ибодатларга ва ҳамду-саноларга тўла эди.

Албатта, у олий даражадаги азиз одам бўлиб, эҳти-мол унинг ҳаётида ва ишида гуноҳ жуда кам бўлган-дир. Шундай бўлса-да, унинг кундалик сатҳларини варақлаганимизда, у ўзининг маънавий «бузуқ» экан-лигига ачинганини кўрамиз. У Масиҳни етарлича севмаслигига ва етарлича ибодат қила олмаётганига ўзини айблайди. У ўзини «бахтсиз қурт», «ўлик ит» ва «таърифлаб бўлмайдиган фойдасиз, ночор маҳлуқ» деб атайди. Бу умуман руҳий касалликдан эмас. У фақат Масиҳнинг ёнида яшар ва ўзининг гуноҳкор эканлигини оғриқ билан сезар эди.

Бироқ, Худога яқинроқ яшаган Исо Масиҳ бошқа-лардан кўра гуноҳ ҳиссидан озод эди.

Исонинг дўстлари нима дейишган?

Ҳаммага аёнки, Исо Ўзини гуноҳсиз, шунингдек Қутқарувчи ва Худонинг Ўғли деб ҳисоблаган. Балки, адашгандир? Шогирдлари У ҳақда нима деб ўйлашган? Улар Исонинг Ўзи ҳақидаги фикрларига қўшиқлишармиди?

Баъзилар: «Исонинг шогирдлари У ҳақда яхши гувоҳлик беришмаган», деб айтиши мумкин. Бу ерда ҳаворийлар кўп нарасада ёмон гап қурбонлари бўлишган. Уларнинг гувоҳларини осонликча саноқдан чиқара олмайсан. Биз уларнинг гувоҳликларига суянишимиз учун баъзи бир сабаблар бор.

Биринчидан, улар Исо билан уч йил яқин муносабатда бўлишган. Улар бирга овқатланишган ва ёнма-ён ухлашган. Улар биргаликда қайиқда балиқ тутишган. Уларнинг ҳамёни битта бўлган (айтганча, банк ҳисобнинг умумий бўлиши келишмовчиликларга олиб келиши мумкин!). Шогирдлар бир-бирларининг асабларига тегишган. Улар жанжаллашишган. Лекин улар ўзларининг гуноҳларини Исода кўришмаган. Кўпинча бетакаллуф яқинликдан нафратланиш кўпаяди. Лекин бу вазиятда эмас. Аслида, Исонинг беғуноҳлигига иккита гувоҳ бор (кейинчалик кўрамыз) — бу Бутрус ва Юҳаннодир. Улар кичик гуруҳга тегишли бўлган (Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннодан иборат). Исо уларга махсус имтиёзлар берган, демак, янаям яқинроқ ваҳийдир.

Иккинчидан, уларнинг гувоҳликларига шу сабабдан ишониш керакки, улар яҳудий бўлишган ва онглари Эски Аҳд таълимоти билан сингдирилган. Эски Аҳд таълимотининг бирини, яъни инсон гуноҳининг умумийлигини улар билишарди:

Ҳаммаси адашган, бирдай бузилган,
Яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!

Заб.13:3

Ҳаммамиз қўйлардек йўлдан адашдик,
Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик.

Иша.53:6

Муқаддас Китоб таълимоти туфайли шогирдлар дуч келган одамни гуноҳсиз, деб атайвермасдилар.

Учинчидан, ҳаворийларнинг Исонинг бегуноҳлиги ҳақидаги гувоҳликларига ишонса бўлади. У бегуноҳ бўлгани ҳақидаги ҳақиқатни ўрнатиш учун улар тушунтиришга уринмайдилар. Уларнинг фикрлари иккинчи даражалидек кўринарди. Улар нималарнидир муҳокама қилишар ва бехосдан Исонинг бегуноҳлиги ҳақидаги гувоҳликни гап орасида қўшиб қўйишарди.

Мана улар нима дейишарди. Бутрус авваламбор Исони «бенуқсон қурбонлик Қўзиси» деб таърифлайди, кейин эса Исо «ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган» деб ёзади (1 Бут.1:19; 2:22). Юҳанно умумий баёнот қилади — ҳамма инсонлар гуноҳкор, агар бизда гуноҳ йўқ десак, ўзимизни алдаган ва Худони ёлғончига чиқарган бўламиз. Кейин эса давом этиб, бизнинг гуноҳларимизни олиш ҳуқуқига эга бўлган Исо Масихда «гуноҳ йўқ», деб айтади (1 Юҳ.1:8–10; 3:5).

Бутрус ва Юҳаннонинг гувоҳликларига Павлуснинг сўзларини қўшиш мумкин. Улар Исони «гуноҳни билмаган», аниғи «муқаддас, ёвузликдан йироқ, бенуқсон, гуноҳкорлардан ажратилган» дейишади. У ҳақиқатдан ҳам «бизга ўхшаб васвасага солинган», лекин «гуноҳдан ташқари»дир (2 Кор. 5:21, Ибр.7:26, 4:15).

Исонинг душманлари Масихнинг қайси сўзларига қўшилишган

Исо ҳақида унинг душманлари нима деб ўйлаганини эътиборга олсак, эҳтимол оёқларимиз остида мустаҳкам таянчни сезармиз. Уларда Исога нисбатан сохта фикрлар йўқ эди. Улар Исони кузатишар, воизлик қилаётганида эса Уни сўзида ушлашга ҳаракат қилишганини Хушхабарда ўқиймиз. Маълумки, баҳсни далиллар билан ютмаса, рақиблар шахсиятни ҳақоратлаш даражасига тушадилар. Далил йўқ бўлса, унинг ўрнини ҳақорат эгаллайди. Ҳатто жамоатнинг тарихи ҳам шахсий душманликлар билан доғланган. Исонинг душманлари билан ҳам ҳудди шундай содир бўлган.

Марк танқиднинг тўртта намунасини кўрсатади (2:1–3,6). Уларнинг биринчи айблови Худога ширк келтириш ҳақида эди. Исо инсоннинг гуноҳларини кечирди. Бу Худонинг илоҳий ҳудудига бостириб кириш эди. Улар буни «Худога ширк келтирадиган мағрурлик» деб айтишарди. Шундай дейиш — савол бериш демакдир: агар Исо ҳақиқатдан ҳам Худо бўлса, гуноҳларни кечириш — Унинг ҳаққими?

Кейинчалик улар (уларнинг айтишича), Унинг атрофидаги паст, қўрқинчли муҳитдан даҳшатда эдилар. Исо гуноҳкорлар билан биродарлашарди. У гуноҳкорлар билан овқатланарди. У йиқилган аёлларга Ўзига яқинлашишга ёрдам берарди.

Ҳеч қайси фарзий бундай ишлар қилишни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди. У кийимини ўзига тортиб, ушбу одамлар билан суҳбатлашишдан қочарди. Шундай қилиб фарзий ўзини солиҳ деб атарди. Улар

Исонинг шафқатини ва юмшоқлигини, «гуноҳкорлардан йироқда» бўлса ҳам, «гуноҳкорлар дўсти» деган фахрий унвонни қўлга киритганини ҳеч ҳам тушунмасдилар.

Учинчи айб, бу Исонинг дини эркин бўлган, дейди. У фарзийлар каби, ҳаттоки Яҳё пайғамбардек рўза тутмасди. У «очкўз» ва «ичувчи», «еб ичиш» учун келгандек эди. Бундай ҳужумлар рад этилишга ҳам арзимади. Ҳа, Исо қувончга тўла эди, аммо динга нисбатан жиддий муносабатда бўлганлигига шубҳа йўқ.

Тўртинчидан, Исонинг шанба кунига риоя қилн магани уларни ғазаблантирди. Исо шанба кунлари касалларга шифо берарди. Унинг шогирдлари ҳатто шанба кунни экин даласи ичидан юришиб уламолар ва фарзийлар ўрим-йиғим ва хирмон вақтига тенглаб қатъий ман қилган бошоқларни узишган, тоза-лаб ейишган. Шундай бўлсада, ҳеч ким Исонинг Худо қонунига бўйсунганига шубҳа қилмайди. Исо қонунга риоя қилар эди, У айбловчиларни ҳам шунга чақирарди. У шунингдек, Худо шанба кунини яратганини ва буни инсоннинг фаровонлиги учун қилганини уқтирарди. Аммо, «шанба Эгаси» бўлгани учун, У инсоннинг ёлғон анъаналарини супуриб ташлашга ва Худо қонунини тўғри тушунишни одамларга қайтаришга ҳаққи борлигини биларди.

Барча бу хилдаги айбловлар ё бемаъни, ё бўлмаса саволлар келтириб чиқаради. Исони ҳукм қилишади. Айбловчилар Унинг ҳаёти масаласини ҳал қилишаётганда, Исога қарши айблов учун ёлғон гувоҳлар ёллашга мажбур бўлдилар. Бироқ ўшанда ҳам улар бир тўхтамга кела олмадилар. Умуман олганда, айблов-

чиларнинг Исога қарши тўқиб чиқарган ягона айблови ахлоқий эмас, балки сиёсий эди. Шунга қарамай, давлат жиноятчиси одамлар олдида ҳукм қилиниши учун ҳозир бўлганда, Уни қайта ва қайта айбсиз, деб тан оладилар. Пилат, ҳукм қилишдан ўзини четга олиб, қўлини ювди ва ўзини «бу одамнинг қони тўкилишида айбсиз» деб эълон қилгани учун Ирод Исонинг айбини топа олмади. Хоин Яҳудо, қилган ишидан ўта пушаймон бўлиб ўттиз кумуш тангани бош руҳонийларга олиб келди ва: «Мен гуноҳ қилдим! Бегуноҳ одамга хоинлик қилдим» деди. Хочда гуноҳини тан олган ўғри Исони ҳақорат қилган шеригига: «У ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ» деб таъна қилди. Ва ниҳоят, Исо қандайин азоб чекиб ўлганини кўрган юзбоши Худони улуғлаб: «Ҳақиқатдан ҳам, бу Одам солиҳ экан», деди (Мат.27:24; Луқо 23:15; Мат.27:3–4; Луқо 23:41–47).

Биз ўзимиз нимани кўришимиз мумкин?

Исо Масих феъл-атворини баҳолашда фақатгина бошқаларнинг гувоҳлигига таяниш тўғри бўлмайди. Биз ҳам ўз хулосамизни чиқаришимиз мумкин. Исонинг мукамаллиги Хушхабарда холисона тасвирланган. Бу ҳақда Унинг дўстлари ишонч ила тасдиқлашган, Унинг душманлари истар-истамас тан олишган.

Бизда ўз фикримизни шакллантиришга яхши имкон мавжуд. Инжилшунослар томонидан тасвирланган Исонинг қиёфаси кўп қирралидир. Дарҳақиқат, асосан Унинг оммавий хизмат қилиши деярли уч йил давомида тасвир этилган. Биз шундай бўлса-

да, Унинг болалиги тўғрисида жуда кам маълумотга эгамиз. Аммо Луқо икки марта Исонинг Носирадаги яширин йиллари ҳақида ёзган. Мана шу йиллар давомида Исо ўсишда, ақл-идрокда, Худо ва одамларни севишда ривожланган.

Биз Уни шоғирдлари билан одамлардан ажралган ҳолда ҳам, Уни одамларнинг сершовқин ва бетартиб тўдаси орасида ҳам кўрамиз. Бизнинг кўз олдимизда У оломон тарафидан қаҳрамон дея шарафланган ҳолда Жалилада тасвирланган. Ушбу оломон Уни куч билан олишни ва ўзининг шоҳи қилишни хоҳлади.

Биз Қуддус Маъбадининг йўлагига — синчиклаб изланишлар учун бирлашган фарзийлар ва саддуқийлар турган жойда Исонинг орқасидан эргашамиз. Бироқ зафарлар оғушида бўлса ҳам, мушкул аҳволга тушган бўлса, таҳқирланган ва ёлғиз бўлса ҳам, У ҳалиям ўша-ўша Исодир. У доимийдир. У кайфиятга берилмайди. У ўзгармасдир.

Шунингдек, ушбу қиёфа вазмин. Унда аҳмоқона ғалати қилиқлардан асар ҳам йўқ. У Ўз таълимотларига қизгин ишонади, лекин У Ўзини йўқотиб мутаассиб эмас. Унинг илоҳийлиги борасида қанча гувоҳлик бўлса, бизда Унинг инсоний табиати борасида ҳам шунча гувоҳлик мавжуд. У чарчайди. У бошқалар сингари ухломоғи, емоғи ва ичмоғи даркор. У инсоний кечинмаларни, севги ва нафрат, шодлик ва қайғуни бошидан кечиради. У тўла-тўқис одамдир. Лекин барибир У оддий инсон эмас.

Авваламбор, У Ўзи учун ҳеч нарса хоҳламади. Бу энг ҳайратланарлиси. У Ўзини Худо деб ҳисобласа ҳам, Ўзини кибрли тутмасди ва Ўз қадр-қимматини жойига қўйишларини талаб қилмасди. У Ўзига бино

қўймаганди. Исода мағрурликдан асар ҳам йўқ эди. У мўмин ва ювош эди. Унинг таълимоти Ўзига йўналтирилганлиги, ҳаракатлари эса бошқаларга йўналтирилганлиги соғлом ақлга зид фикрдир. Хаёлларида У Ўзини биринчига қўйди, ишда эса — охирига. У бизга ўзимизни юқори баҳолашни ва қурбон қилишни кўрсатди. У ҳамма одамларнинг Худоси эканлигини билса-да, уларнинг қулига айланди. У дунёни ҳукм қилишга келишини айтди, бироқ Ўзи ҳаворийларининг оёғини ювди.

Ҳеч қайси одам шунча кўп нарса бермаган. Исо ердаги ғам-андух учун Само шодлигидан воз кечиб, гуноҳ билан лойқаланмаган абадийликни бу дунёнинг ёвузлиги билан алмаштиргани тасдиқланади (Ўзи ва биз томонимиздан). У Байтлаҳмнинг кўзга ташланмас оғилхонасида оддий яҳудий онасидан дунёга келди. Гўдаклигида У онаси билан Мисрга қочди. Уни Носирага — унутилган қишлоқчага олиб келишди. Оиладаги фарзандлар ва онасини боқиш учун дурадгорлик устахонасида тер тўкди. Белгиланган вақтда У деярли мулксиз, шароитсиз, уй-жойсиз дайди ваъзхонга айланди. У Ўзига дўстларни оддий балиқчилар ва қийналганлардан топарди. У моховларга қўл теги-зар ва фоҳишаларнинг Унга қўл тегизишларига йўл қўяр эди. У Ўзини шифо бериш, кўмаклашиш, таълим бериш ва воизлик қилиш хизматига бахшида қилди.

Уни тушунишмади, нотўғри талқин қилишди. Ўзининг халқи Ундан нафратланди ва рад этди, дўстлари Уни ташлаб кетдилар. У Ўзини урдиришга, юзига тупуришга, Ўзига тиканли тож кийдиришга, Ўз қўл ва оёқларини оддий рим хочига михлашларига йўл қўйиб берди. Ўткир михлар Унинг баданига кир-

ганда эса, У Ўзини қийнаётганлар учун ибодат қилишни давом этарди: **«Ота уларни кечир, улар нима қилаётганларини билмайдилар».**

Биз ҳеч қачон бу одам билан тенглаша олмаймиз. Биз доимо омадсизликка учрайдиган соҳаларда У ютуққа эришди. У мукамал улуғликка эга эди. У ҳеч қачон қасд қилмаган. У ҳеч қачон хафа қилмаган, ғазабланмаган ва Ўзини шундай тута билардики, инсонлар нима дейиши ва нима қилишидан қатъий назар одамзоднинг манфаати учун Ўзидан воз кечиб, Худонинг иродасига Ўзини топширарди. **«Мен Ўз иродамни ва Ўз улуғлигимни изламайман»**, дерди Исо.

Худога ва одамларга хизмат қилишда ўзини қурбон қилишни Муқаддас Китоб севги, деб атайди. Севгининг туб–моҳияти бу қурбонликдир. Исо бегуноҳ эди, чунки Ўзи учун ҳеч нарса изламас эди. Ўзидан бундай воз кечиш севгидир. Ҳа, Худо севгидир.



МАСИҲНИНГ ТИРИЛИШИ



Биз Исонинг феъл–атвори ва ғайриодатий баёнотларини кўриб чиқдик. Ҳозир биз Унинг ўликлар ичидан тарихий тирилиши ҳақидаги гувоҳликни кўриб чиқамиз.

Кўриниб турибдики, агар тирилиш ҳақиқатдан ҳам рўй берган бўлса, у буюк маънога эга. Агар Насролик Исо ҳақиқатдан ҳам ўликлар ичидан тирилган бўлса, демак У ноёб шахс.

Шу сабабдан замонавий одамлар ҳам Ареопагда Павлуснинг воизлигини тинглаган афиналик файласуфлар каби кулги–нафрат билан **«Исонинг тирилишини эшитишиб... масхара қилиб кулдилар»** (Ҳав.17:32).

Баҳс Исонинг тирилиши Унинг илоҳийлигини белгилаши ҳақида кетмаяпти. Илоҳий шахс ерга келиб, уни илоҳий тарзда тарк этиш лозимлигини тахмин қилса бўлади. Янги Аҳд айнан шуни ваъз қилади ва жамоат ҳам айнан шунга ишонади. Унинг туғилиши табиий ҳолда бўлган, аммо она қорнида пайдо бўлиши илоҳий бўлган. Унинг ўлими табиий

ҳолда, тирилиши эса илоҳий бўлган. Унинг мўъжизавий пайдо бўлиши ва тирилиши Унинг илоҳийлигини тасдиқламайди, аммо бунга мос келади (биз бу ерда Исонинг бегуноҳлигини муҳокама қилаётганимиз йўқ, чунки Янги Аҳдда Унинг Масих сифатида ёки Унинг илоҳийлигидек мавжудлиги тирилишдек ишлатилмайди. Бегуноҳ туғилиш ҳақидаги савол Жеймс Орранинг «Масихнинг бегуноҳ туғилиши» номли китобида яхши асослаб берилган, 1907, шунингдек, Гришем Мейченнинг «Бегуноҳ туғилиш» китобида, 1936).

Исо Ўз ўлими ҳақидаги башоратга қайта тирилишини қўшмасдан башорат қилмаган ва Ўзининг келажакдаги тирилишини белги сифатида айтган. Павлус Римликлар Китобининг бошида Исо «ўликлар ичида тирилиши орқали кучга эга бўлган Худонинг Ўғли бўлган» деб ёзади. Ҳаворийлар мактубида ёзилган ҳаворийларнинг биринчи ваъзлари эса Худо тирилтириш орқали одамларни ҳукм қилишни бекор қилди ва Ўз Ўғлини оқлади, деб қайта-қайта тасдиқлайди.

Биз тартибли ва интилувчан тарихчи, деб билган Луқо бу тирилиш ҳақида «кўп далиллар бор» дейди. Балки биз Томас Арнольддек тирилишни «тарихнинг энг кўп исботланган далили» деб айтмасмиз, лекин кўп олимлар тирилиш гувоҳлигини жудаям ишонарли деб ҳисоблайдилар. Масалан, сэр Эдвард Кларк шундай деб ёзади:

Юрист сифатида мен Фисихнинг биринчи кун ҳодисаларини ўргандим. Менга бу гувоҳлик ишончли туюларди. Олий судда мен бўрттирилмаган гувоҳлик-

ларнинг хулосасини қўлаб қувватлардим. Гувоҳлик орқасидан хулоса келади. Ростгўй гувоҳ эса оддий бўлади, у таассурот қолдиришга ҳаракат қилмайди. Хушхабарнинг тирилиш ҳақидаги гувоҳлиги айнан шундай. Мен юрист сифатида юқоридаги гувоҳликни, айтилган далилларни тасдиқлай олган ростгўй одамларнинг гувоҳлиги, деб бутунлай қабул қиламан.

Бу қандай гувоҳлик? Уни тўртта тасдиққа олиб келиш мумкин.

Тана ғойиб бўлди

Тўрттала Хушхабарнинг тирилиш ҳақидаги ҳикояси аёлларнинг Фисиҳ куни эрталаб қабрни зиёрат қилишлари билан бошланади. У ерга келиб, улар ҳайрат ва ваҳимада Раббий танаси йўқлигини кўришди. Бундан бироз кейин ҳаворийлар Исо тирилганлиги ҳақида айта бошладилар. Бу улар ваъзларининг ойтётган асосий маъноси эди. Исонинг танаси ётган қабрга бориш осон бўлганда, одамлар ҳаворийларга ишонишни кутмаса ҳам бўларди. Йўқ! Қабр бўш эди. Тана ғойиб бўлган. Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади. Савол буни қандай тушунтириш ҳақида.

Биринчидан, аёллар бошқа қабрга боришган деган тахмин бор. Ўшанда қоронғу эди ва улар ғамдан азоб чекишарди. Айтишларича, улар осонликча адашган бўлишлари мумкин. Бир қарашда бу тўғридек кўринадиган, аммо бу чуқур мулоҳазани кўтармайди. У ер қоронғу бўлмаган, дейиш билан бошлаймиз. Ҳақиқатдан ҳам Юҳанно аёлларни «қоронғу бўлганда» келган деган, аммо Матто Хушхабарида бу «тонг саҳарда» бўлганини кўришимиз мумкин (Мат.28:1).

Луқо «жуда эрта» дейди, Марк буни «қуёш чиқишида» содир бўлганини аниқ тасдиқлайди. Шунингдек, бу аёллар ақлсиз эмас эдилар. Уларнинг иккитаси (Магдалалик Марям ва Юҳаннонинг онаси Марям) Юсуф ва Никодим танани қаерга қўйганлигини кўришган. Улар ҳатто қабр рўпарасида ўтириб, танани сақлаш жараёнини ҳам кўришган. Бу икки аёл тонг саҳарда ўзлари билан Саломия, Йўанна ва «бошқа аёлларни» олиб қайтишган, шунинг учун агар биттаси йўлдан адашган бўлса, бошқалари уни тўғирлаган бўларди.

Агар Магдалалик Марям биринчи марта бошқа жойга борган бўлса, у боққа қайтганда, Исони кўрмагунга қадар у ерда ушланиб қолиб, бу хатони қайтариши даргумон. Унинг устига уларни эрта тонгда қабр олдиға фақатгина ғам келтирмади. Улар аниқ мақсад билан келишган. Улар хушбўй мойлар олиб келиб, Худо танасини мойлашни тугатишмоқчи бўлишган эди, чунки шанба кун иқинлашгани уларнинг ишини икки кунга кечга қолдирган эди. Бу сadoқатли аёлларни алдаш ёки улар тугатмоқчи бўлган ишни тўхтатишга мажбурлаш осон эмас эди. Яна, агар улар қабрни топишда адашган бўлса, эшитганларига амин бўлиши учун у ерга борган Бутрус ва Юҳанно худди шу хатога қўярмидилар? Бошқаларчи, Юҳанно ва Никодимни ҳисобга олганда тўғри йўлликка шубҳаланмасдан кечроқ келишганми?

Бўш қабрнинг иккинчи маъноси — ҳушсизлик назариясидир. Ушбу тахминий фикрни маъқуллаётганлар Исо хочда ўлган эмас, балки ҳушидангина айрилганлигига, кейинроқ қабрида ўзига келиб, ундан чиқиб, сўнг шогирдларига кўринганига узил-кесил ишонтиришни истайдилар.

Ушбу назария шунчаки саволларга кўмиб ташлайди. У бутунлай бор нарсани бузиб кўрсатади. Иббот тўғридан-тўғри назарияга зид келади. Пилат Исо аллақачон ўлганига ҳақиқатдан ҳам ҳайрон қолди, лекин Пилатнинг хочдан танани олиб ташлашга Юҳаннога рухсат беришига юзбошининг тўла-тўкис ишончи бор эди. «Жангчилардан бири унинг қовурғасига найза санчган ва ўша заҳоти қон ва сув оққан» пайтда иштирок этгани учун юзбоши Исонинг ўлимига қаттиқ ишонарди. Шундай қилиб, Юҳанно ва Никодим танани хочдан олиб, кафанга ўрадилар ва Юсуфнинг янги мақбарасига қўйдилар.

Наҳотки Исо шунча вақт мобайнида беҳушлик ҳолатидагина бўлганлигига жиддий ишониш мумкин? Суднинг шунча шафқатсизлиги ва азоб-уқубатидан, мазах, калтакланиш ҳамда чормихга тортилишидан кейин У совуқда, егуликсиз ва тиббий ёрдамсиз тош қабрда 36 соат яшаши мумкинмиди? Сўнг эса Римлик қўриқчиларни хавотирга қўймай, қабрнинг оғзидан тошни юмалатиб суриши ва бунга етарлича одамга хос бўлмаган ниҳоятда катта куч йиғиши мумкинмиди? Ундан кейин нимжон, ҳорғин ва очикқан ҳолда У ўлимни енггандай таассурот қолдириш учун шогирдларининг олдида намоён бўлиши мумкинмиди? Яна У ўлиб, қайта тирилгани, дунёга шогирдларини юборгани ва охир замонда келажаклигини иббот қилишда давом этдими? Аллақаерда қирқ кунлаб яшириниб, баъзан тўсатдан пайдо бўлиб, сўнг ҳеч қандай тушунтиришсиз ғойиб бўлиб, умргузаронлик қилишининг имкони бормиди? Бундайин гўллик Тўманинг гумонидан ҳам кўра, анча эҳтимолдан узоқроқ.

Учинчидан, танани ўғри ўғирлагани тўғрисида ҳам тахминий фикр мавжуд. Бу фаразга нисбатан ҳеч қандай исбот йўқ. Шунингдек, ўғрилар Рим қўриқчиларини қандайин лақиллатганини ҳам тушиниб бўлмайти. Нима учун ўғрилар танани олгани, аммо кафанни қолдирганлиги, шунинг билан бирга бундай ҳаракатнинг мумкин бўлган важларини тақдим қилганини тасаввур қилиш амри-маҳол.

Тўртинчидан, танани қабрдан шогирдлар олишганини айтишади. Матто ушбу миш-мишларни яҳудийлар бошиданоқ тарқатганларини айтади. Пилат Юҳаннога Исонинг танасини туширишга рухсат берган пайтда, руҳонийлар ва фарзийларнинг вакилларини қабул қилганлигини тасвирлайди. Улар эса шундай дейишди:

Ҳазрати олийлари, бир нарсга эсимизга тушиб қолди: ўша ёлгончи тириклигида: “Уч кундан кейин Мен тириламан”, деган эди. Шунинг учун буйруқ беринг: қабр уч кун қўриқлансин. Акс ҳолда, Унинг шогирдлари бориб, жасадни ўғирлаб кетадилар-да, одамларга: “У ўликдан тирилди” деб айтадилар. Бу ёлгон биринчисидан ҳам баттар бўлади.

Мат.27:63-64

Пилат рози бўлди. «Қўлингиздан келганча, қабрни қўриқланглр», деди. Яҳудийлар «боришиб, қабрга посбон қўйдилар, ҳамда тошга муҳр қўйдилар». Матто тасвирлашда давом этиб, айтадики, қандай қилиб тош ҳам, муҳр ҳам, посбонлар ҳам қайта тирилишга ҳалақит бера олмаган ва посбонлар шаҳарга келишиб, руҳонийларга рўй берган воқеа ҳақида эълон қилишган. Улар оқсоқоллар билан тўпланиб кенгашгач, жангчиларга пора бериб, уларга фармон бердилар:

Сизлар ҳаммага: “Исонинг шогирдлари кечаси келиб, биз ухлаб ётганимизда жасадни ўғирлаб кетишди”, деб айтасизлар. Борди-ю, бу хабар ҳокимнинг қулоғига етиб боргудек бўлса, уни ўзимиз ишонтирамиз, сизларни ҳар қандай кўнгилсизликдан халос этамиз.

Шундай қилиб, соқчилар пулни олиб, айтилгандай қилдилар. Воқеанинг шу таърифи бугунги кунгача яҳудийлар орасида кенг тарқалган.

Мам.28:13-15

Бироқ бу воқеа танқидни кўтара олмайди. Танланган посбонлар хоҳ римлик, хоҳ яҳудий бўлсин, қатъий кузатишга буйруқ ола туриб, хизмат пайтида ухлаб қолиши мумкинми? Агар улар ҳақиқатдан ҳам бедор бўлган бўлсалар, қандай қилиб аёллар уларнинг ёнидан ўтиб, тошни ағдариб сурганлар?

Агар шогирдлар Худонинг танасини олиб чиқилишининг уддасидан чиққан, деб фараз қилсак, биргина тушунча мавжудки, унда бутун бир назарияни йўққа чиқаришга етарли асос бор. Ҳаворийлар фаолиятининг биринчи қисмидан биз ҳаворийларнинг илк воизликларида қайта тирилишга урғу берганлигини кўрамиз. «Сизлар Уни ўлдирдингиз, бироқ Худо Уни тирилтирди, биз эса бунга гувоҳмиз» дея бот-бот такрорладилар. Наҳотки биз улар ғирт ёлғонни онгли равишда тантанали суратда билдирганлигига ишонамиз? Агар уларнинг ўзлари Исонинг танасини олган бўлсалар, у ҳолда ваъзларида Унинг тирилиши ҳақидаги ёлғонни тарқатишни англатади. Аммо улар нафақат воизлик қилдилар, балки бундан озор чекдилар. Улар мана шу эртак учун калтакланишга, қамоқ жазосига, ўлимга тайёр эдиларми?

Бу ҳеч ҳам ҳақиқатга ўхшамайди. Бу нарса шунчалар эҳтимолдан ҳолики, мутлақо имконсиздай туюлади. Агар нимадир Инжил ва Ҳаворийлар фаолиятдан яққол кўриниб турган бўлса, бу ҳам ҳаворийларнинг очиқ кўнгиллигидан далолат беради. Агар хоҳласангиз шу, ҳа, улар алданиши мумкин, бироқ ўзлари ёлгончи бўлишмаган. Мунофиқ ва азият чекканлар бир қоришмадан тайёрланиши мумкин эмас.

Исо танаси ғойиб бўлишининг бешинчи ва тўғрироғи энг мантиққа тўғри келмайдиган (гарчи тахмин бўлишига қарамасдан) тушунтирилиши Рим ва Яҳудий ҳукумати ўзлари танани олганлигида кўринади. Буни амалга оширишга уларнинг аниқ сабабу важдари мавжуд эди. Улар Исо қайта тирилиш ҳақида гапирганини эшитишди ва алданишдан қўрқишди. Бундан (бизга тушунтирилишича) шу маълум бўладики, алдовнинг олдини олиш учун улар эҳтиёткорлик чораларини кўришган ва жасадни мусодара қилишган.

Аммо жиддий муҳокама қиладиган бўлсак, ушбу аслий воқеаларнинг ҳаёлий тикланиши бўлакларга ажралади. Исонинг ўлимидан бир неча ҳафтадан сўнг масиҳийлар Унинг қайта тирилишини дадил ва тантанали суръатда билдирганига биз гувоҳ бўламиз. Ушбу хушхабар тезда тарқалди. Янги Носира ҳаракати Яҳудийлик дини таянчини қўпориш ва Қуддус тинчини бузиш таҳдидини солди. Яҳудийлар ўзгаришдан, римликлар тартибсизликдан қўрқардилар. Ҳукуматлар учун ягона аён ҳаракат қолганди. Улар тананинг қолдиқларини кўрсатиши ва қилган ишларини маълум қилиши мумкин эди.

Шунинг билан бирга, улар жим бўлиб қолдилар ва шафқатсиз жазони ишга солдилар. Улар ҳаворийларни ҳибсга олдилар, уларга таҳдид қилдилар, уларни дўппосладилар, қамоққа тикдилар, хўрладилар, уларга қарши фитна уюштирдилар ва уларни ўлдирдилар. Лекин агарда ҳукуматнинг қўлида Исонинг ўлик танаси бўлганда, буларнинг ҳаммаси мутлақо кераксиз бўларди. Жамоат қайта тирилишга асосланган эди. Қайта тирилишни фош қилсангиз, жамоат ҳам ағдарилади. Шунга қарамай улар буни қила олмадилар, ахир уларда тана йўқ эди. Ҳукуматнинг сукут сақлаши — бу худди ҳаворийлар гувоҳлиги сингари қайта тирилишнинг устамонлик билан қилинган исботидир.

Бундайин назариялар одамлар томонидан бўш қабрни ва тананинг ғойиб бўлишини тушунтириш мақсадида ўйлаб чиқарилган. Уларнинг ҳеч бири қаноатланарли ҳисобланмайди ва уларда ҳеч қандай тарихий гувоҳлик йўқ. Агар биз Фисихнинг илк кунларини тасвирловчи Инжилнинг оддий ва ҳушёр ҳикояларини афзал кўрсак, муносиб ва муқобил тушунтиришни хоҳлаганлар эҳтимол бизни авф этарлар. Одамлар Исонинг танасини олмаганлар. У Худованд томонидан тирилтирилган.

Дафн кафани қўл тегилмаган ҳолда қолди

Диққатни тортадиган томони шундаки, Исо танасининг ғойиб бўлиши тўғрисида хабар берувчи воқеа кафан жойида қолганини кўрсатади. Юҳанно ўша субҳидамда қабрга Бутрус билан бирга чопгани

ҳақида далил урғу беради. Ушбу воқеа тўғрисидаги унинг ҳикоясида, унинг ўзи бўлиб ўтган воқеаларда қатнашгани яққол равшандир. Юҳанно Бутрусни қувиб ўтди, аммо, Бутрус етиб келиб, қабр ичига кирмагунча, у қабрга мўралаб қарарди. «Ўшанда биринчи бўлиб қабрга келган бошқа шогирд кириб келди ва кўриб, узил–кесил ишонди». Савол бундай қўйилади: у нимани кўрган ва нима уни ишонишга мажбур қилган? Ҳикоядан шу нарса ойдинки, нафақат тананинг йўқлиги, балки кафаннинг ўз жойида турганлиги ва айниқса уларга тегинилмаганлиги уни лол қолдирди.

Келинг воқеани тиклашга уриниб кўрайлик (Генри Лэтэмнинг «Қайта туғилган Тангри» китобига эргашиб). Юҳанно айтадики: Юсуф Пилатдан Исонинг танасини (19:38–42) олишга ижозат сўраб ялинганда, Никодим «икки пуд хушбўй мирра ва сабур қоришмасини келтирган»лигини ҳикоя қилади. Сўнгга улар биргаликда «Исонинг жасадини олиб, одатда яҳудийлар дафн қилгандай муаттар ҳидли кафанга ўрадилар». Бошқача айтганда, тасма бинтларни танага ўрашганда, улар бурушиқ жойларга хушбўй ҳидли атирлар сепганлар. Махсус бир парда билан бошни ўраш зарур эди (бу Лазарнинг дафн ўрамалари ҳақида Юҳаннонинг таърифи тавсифидан маълум). Ахир Исо уни тирилтирганда, «ўлган, қўл ва оёқлари кафанга ўралган ва юзи дурра билан ўралган ҳолда чиқди». Шу алпозда шарқона удумга кўра юзи ва бўйинини қолдирган ҳолда унинг жасадини ва бошини ўрадилар. Сўнг улар жасадни унгур–қабр деворидан чиқиб турган тоштахтага қўйдилар.

Биз Унинг тирилиши юз бераётган пайтда қабрда эдик, деб фараз қилайлик. Биз нимани кўрган

бўлар эдик? Биз Исонинг қимирлаганини, эснаганини, қўл-оёғини ёзганини ва ўрнидан турганини кўрган бўлар эдикми? Йўқ. Биз Уни ҳаётга қайтди, деб ўйламаймиз. У ҳушсизликдан соғаймади. У ўлди ва тирилди. Бу жонланиш эмас, қайтадан туғилиш эди. У мўъжизали ҳолда ўлим ҳолатидан тирикликнинг мутлақ янги қуббасига ўтган, дея ўйлаймиз. Биз у ерда бўлганда, нимани кўрган бўлар эдик? Тўсатдан нимадир ғойиб бўлганини пайқаган бўлардик. У рўй бергандан фарқли ўлароқ, нимадир янгилик ва мўъжизага ўтаётиб, «буғланиб кетган» бўларди. У пардалар-у ўрамалар орқали, нарсаларни деярли тегмасдан қолдирган ҳолда, кейинроқ эса ёпиқ эшик орқали ўтган бўларди. Деярли, аммо бутунлай эмас. Ахир жасад ғойиб бўлганда икки пуд оғирлигидаги хушбуй кафан ястаниб ётган бўларди. Кафан ва бош ўралган парда ўртасида — Исонинг бўйни ва боши бўлган жойда оралиқ пайдо бўларди. Рўмоннинг ўзи бўлса, бошни кесиштириб ўраш усули сабабли, салла ўзининг ботиқлик шаклини мутлақ сақлаб қолиши мумкин.

Юҳаннонинг хабарлари шуни кўрсатадики, кафанга қаралганда у айнан шу уч хусусиятини кўрган. Биринчидан, у кафанны «ёйилган» ҳолда кўрган. Ушбу сўз икки маротаба такрорланади ва биринчи ҳолатда у юнон гапларида урғули ўринда келади. Шундай таржима қилиш мумкин: У «ястаниб ётган (ёки тушиб ётган)» тасмали йўргакни кўрди. Сўнгра биз кўрамызки, бош рўмоли «ерда ётган йўргак билан эмас, балки бошқа жойда эди..». Бу уни ғижимлаб, бурчакка улоқтирди, деганни англатиши даргумон. У худди ўша тоштахтада ётган эди, лекин қопламадан

анча масофа фарқ қиларди. Учинчидан, худди шу рўмол «яхшилаб ўралган» ҳолда ётарди. Баъзи таржималарда биз «бужмайган, ўралган» сўзларини учратамиз. Бу муваффақиятсиз чиққан таржималардир». «Ўралган» сўзи аниқ бўш рўмол сақлай олган юмалоқ шаклни билдиради.

Қабрга яқинлашганда, ҳаворийлар кўз олдида нималар гавдаланганини фараз қилиш қийин эмас: тоштахта, тушиб ётган кафан, бош рўмоли ва улар ўртасидаги оралиқ. Улар кўрганлари ва тўла-тўқис ишонганлари ҳайрон қоларли эмас. Ушбу қопламаларга биргина назар қайта туғилганликнинг ҳақиқийлигини ва унинг мавжудлигини исботлади. Қопламага ҳеч ким тегмади, ҳеч ким жойидан қўзгатмади: одам зоти унга тегинмаган. Улар ичидан капалаклар учиб чиққан қўғирчоққа ўхшарди.

Қопламанинг жойлашиш ўрнига эътибор бериш кераклиги кундай равшан. Қайта тирилишни тасдиқловчи келгуси гувоҳликни биз Магдалалик Марям (Бутрус ва Юҳаннога хабарни айтиб бергандан кейин, қабрга қайтгач), «эгилиб қабр ичига қаради» ва Исо танаси ётган жойда: бири бош тарафда ўтирган, яна бири оёқ тарафда ўтирган оқ кийим кийган икки фариштани кўриб қолди. Эҳтимол, бу улар бўртиқ жойда ўтирганини, қопламалар эса улар ўртасида ётганини англатар. Марк ҳам, Матто ҳам улардан бири айтганлигини қўшиб қўяди: «У бу ерда йўқ. Ўзи айтганидек, қайта тирилиб кетди. Келинлар, Раббингиз ётган жойини кўринглар» (Юҳан.20:11–12; Мат.28–6; Марк 16:6). Китобхон фаришталарга ишонадими ёки йўқми, ушбу Исо ётган жойнинг тавсифи, фаришталарнинг сўзлари ва ҳолати, ҳар ҳолда хушхабарчи-

лар тасдиқлайдики: кафаннинг жойлашиши ва жасаднинг йўқлиги — булар биргаликда Унинг қайта тирилганидан гувоҳлик беради.

Раббийни кўришган

Инжилни ўқиган ҳар бир одам Исо қайта тирилгандан сўнг қандай қилиб Ўз шогирдларига намоён бўлгани ҳақида бир қанча ғайриоддий ҳикояларнинг борлигини эслайди. Тирилган Исонинг ўнта алоҳида кўринишлари ҳақида биз биламиз, чунки Бутрус «танланган гувоҳлар» дея атаган одамларга У кўринди.

Айтилишича, Магдалалик Марямга; қабрдан қайтаётган аёлларга; Бутрусга; Эммаус йўлидаги икки шогирдга; уйда тўпланган ўнта шогирдга; яна бир ҳафтадан сўнг Тўмани ҳисоблаганда ўн бир шогирдга; эҳтимол Жалила тепалигида «бирданига беш юздан зиёд биродарларга»; Жалила қўли ёнида бир неча шогирдларга: шулар жумласидан Бутрус, Тўма, Натанаил, Ёқуб ва Юҳаннога; Байтания атрофида кўтарилиш пайтида Элеон тоғида Исо намоён бўлган. Павлус Дамашққа кетиш йўлидаги воқеаларни гапирётган, тирилган Исони кўрганман, деб ҳисоблайди. Луқо Ҳаворийларлар фаолиятининг бошида шундай дейди: **«Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, бир қанча ишончли далиллар орқали ҳаворийларга тирилганини кўрсатди. Қирқ кун давомида уларга зоҳир бўлди»**. Агар шундай бўлса, қўлёзмаси бизгача сақланиб қолмаган бошқа учрашувлар ҳам бўлиши мумкин эди.

Тирилишни кўрган жонли гувоҳликларга қўл силтаб бўлмайди. Бундай ҳикояларга қандайдир ту-

шунтиришлар топиш керак. Фақат учта тахминий фикр мумкиндай туюлади. Биринчиси — ҳамма ҳикоялар ўйлаб топилган; иккинчиси — уларда галлюцинация бўлган; учинчиси — ҳаммаси худди шундай рўй берган.

Ушбу ҳикоялар *ўйлаб топилганми*ди? Бу таклифни рад қилиш учун кўп вақтни йўқотмаслик керак. Қайта тирилган Исо Масиҳнинг намоён бўлиш ҳикояси онгли уйдирма эмаслиги кундай равшан. Биринчидан, барча ҳикоялар — бамаъни ва вазминдир. Иккинчидан, улар аниқ ва бурро, ҳамда ҳикоячилар ўз кўзлари билан кўрганлигини тасдиқловчи тафсилотлар билан ёритилган. Шогирдлар қандай қилиб қабрга чопгани ва Эммаус йўлидаги учрашув боразидаги ҳикоялар уйдирма учун ўта яққол ва ҳаққонийдир.

Буларнинг ҳаммаси яхши ўйланган, деб ҳеч бир киши айта олмаган бўларди. Агар биз қайта тирилишни ўйлаб чиқаришни истаб қолгудай бўлсак, у ҳолда биз уни хоҳлаган йўсинда ўйлаб чиқардик. Биз ҳамма тўртта Хушхабарни кўрсатувчи бу мураккаб воқеалар чигаллигидан ўзимизни олиб қочишга уринган бўлар эдик. Ҳаворийлар қўрқуви ва шубҳасини олиб ташлаган (ёки озгина камроқ қилган) бўлар эдик. Биз эҳтимол Исо ўлим йўлидан қутулиб чиққан ва қабрдан ғолибона қутулганда Худо Ўғлининг шуҳрати ва қудратини тавсифлаб, худди ўша қайта тирилиш (фантастик ва жамоат тан олмайди-ган хушхабарни пайдо қилувчи) тўғрисида драматик ҳикоя ёзган бўлар эдик. Ҳеч ким бу қандай рўй берганини кўрмаган. Бизда эса бундайин тавсиф мавжуд эмас.

Ҳикоячиларнинг соддалигидан ҳам кучлироқ бўлган уйдирма ҳикоялар назариясига қарши бошқа эътироз ҳам мавжуддир. Бу — аниқ далил, чунки ҳаворийлар, яъни хушхабарчилар ва илк жамоат буюк ишонч билан Исонинг қайта тирилганига шубҳа қилишмасди. Бутун Янги Аҳдда ишонч ва ғалаба кайфияти уфуриб туради. Унинг муаллифлари фожиали алпозда алданишлари мумкин эди, аммо, шу аниқ-ки улар онгли равишда бизни алдашмаган.

Агар бу ҳикоялар уйдирма бўлмаса, унда булар галлюцинация ҳодисаси бўлганми? Бу фикр яхши маълум бўлган ва аниқ ифодааланган, ҳамда шубҳасиз галлюцинация бундай камдан кам ҳодиса эмас.

Галлюцинация — бу «бирор нарсани ҳақиқий жисмоний мавжудсизлигига қарамай ўз кўзи билан кўриб қабул қилишдир». Улар кўпроқ руҳий касал бўлмаса, асаб бузилишидан озор чекувчи одамларда учрайди.

Кўпчилигимиз шундай одамларни биламиз: улар қандайдир ғаройибликни кўришади ва эшитишади, ҳамда ўзлари ўйлаб топган оламда яшашади. Ҳаворийлар шу хилдаги енгил кишилар бўлган дейишга асосимиз йўқ. Балки, Мағдалалик Марям бўлиши мумкин, аммо мақтанчоқ Бутрус ёки сершубҳа Тўма эмас. Галлюцинацияни мутлақ меъёрли, одатдаги кишилар ҳам кўрган ҳоллари мавжуд ва бундай ҳолатларда икки хусусиятни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчидан, бу кулминация сифатида жуда чуқур фикр қилиш даврида рўй беради (қачонки одам бирор нарсани қаттиқ хоҳлаганда). Иккинчидан, бунга шароит (вақт, жой ва кайфият) яратиб берилган бўлади. Бунинг учун кучли ички хоҳиш ва ундовчи ташқи вазиятга эга бўлиш керак.

Қайта тирилиш ҳақидаги Инжил ҳикояларига мурожаат қиладиган бўлсак, биз унисини ҳам, бунисини ҳам кўрмаймиз. Мутлақ жўшқин бўлмаган хоҳишни кўриш у ерда мавжуд, лекин нимадир тўғридан тўғри зид қўйилган. Аёллар бошида қабр бўш эканлигини кўришганда, «титроқ ва даҳшат қуршовида», қўрққанлиги боис чопиб кетдилар. Магдалалик Марям ва қолган аёллар «Исо тирик», деб айтганда ҳаворийлар «ишонмадилар». Аёлларнинг сўзлари уларга «қуруқ эртақ» бўлиб туюлди. Исо Ўзи келиб уларнинг орасида турганда, улар ҳижолат ва қўрқувда «руҳ кўраяпмиз», деб ўйладилар. Шунинг учун Исо уларни имонсизлик ва бағритошлик учун койиди. Тўма Исонинг ярасини ушлаб кўрмагунича ўз гапида қаттиқ туриб олди. Кейинроқ, Жалила тоғида, Исо ўн бир ҳаворийнинг ва бошқа шогирдларининг ёнига келганда, Уни кўрганлардан айримлари тиз чўкишди ва қолганлари гумонсиршади. Ҳеч қандай жўшқин хоҳиш, ҳеч бир гўл енгилтаклик, ҳеч қанақанги кўр-кўрона қабул қилиш йўқ эди. Шогирдларни осонликча аҳмоқ қилиб бўлмасди. Улар дарҳол узил-кесил ишониш учун ниҳоятда эҳтиёткор, ишонмайдиган ва «суст юрак» эдилар. Улар галлюцинация балосига йўлиқмаган эдилар. Уларнинг эътиқоди қатъий далилларга асосланган ва тажрибада текширилган эди.

Нафақат бу, балки мақбул ташқи вазият ҳам мавжуд эмас эди. Агар Исо ўзи ҳақида хотираларга тўла бўлган ўта муқаддас жойларда намоён бўлганда ва агар одамлар шунга ўхшаш нарсаларни кутганда, албатта, бу бизнинг шубҳамизни уйғотарди. Агар уйда учрашув ҳақида билганимизда эди, бизда шубҳа

қилиш учун баҳона бўлар эди. Агар ўн бир ҳаворий Исо Ўзининг ердаги охирги соатларини улар билан ўтказган жойда тўпланишганда эди, ушбу жойни сақлаб қўйишганда эди, ўтган мўъжизали кунларни хотирласа эди, Унинг қайтиш ҳақидаги ваъдасини эсласа эди, У келадими, деб фол очишни ва У келадими, дея умид қилишни бошласа эди, бу жўшқинлик Унинг келиши билан якун топмаса эди, биз ҳақиқатдан ҳам улар қандайдир шафқатсиз алдов қурбонига айланди, деб ўйлаган бўлардик.

Лекин бундай бўлмади. Дарҳақиқат, Исонинг ўн маротоба намоён бўлишини ўрганиш деярли пухта ўйланган ранг-барангликни — одамларни, жойларни ва атроф муҳитни очиб беради. Исони алоҳида одамлар (Мағдалалик Марям, Бутрус ва Ёқуб), кичик гуруҳлар ва 500 дан зиёд омма кўрдилар. У қабр ёнидаги боғда, Қуддус атрофида, уйда, Эммаус йўлида, Жалила қўл ёқасида, Жалила тоғида ва Элеон тоғида намоён бўлган.

Жой ва одамлар турли-туманлиги билан бирга биз атроф-муҳитнинг турли-туманлигини ҳам кўра-миз. Мағдалалик Марям йиғлади, аёллар чўчиб кетган ва лол қолган эдилар. Бутрус ачиниш билан, Тўма эса ишончсизлик билан тўлиб тошган эди. Эммаусга кетаётган икки киши ўтган ҳафтадаги воқеалар билан банд эди. Шогирдлар эса Жалилада балиқ ови билан банд эди. Шундай бўлса-да, уларнинг қўрқув ва шубҳаларига қарамасдан, уларнинг ишончсизлиги ва бандлигига қарамасдан қайта тирилган Тангри уларни Ўзи ҳақида билишга ундади. Худованднинг ушбу ваҳийсини галлюцинация сифатида улоқтириб ташлаш ақлдан эмас. Аммо улар уйдирма ёки гал-

люцинация бўлмаса, фақатгина битта муқобил йўл қолади: буларнинг ҳаммаси ҳақиқатдан юз берган. Одамлар қайта тирилган Худони кўрганлар.

Шогирдлар ўзгарди

Шогирдларининг ўзгаришида Исонинг қайта тирилиши борасидаги энг аҳамиятли гувоҳлик мавжуд, чунки улар мутлақо оддийдир. Улар бизни ўзларига назар ташлатишга, бўш қабрга, ерга тушиб ётган кафан ва ўзлари кўрган Худога қаратишга ундайди. Биз шундай ҳам улардаги ўзгаришни кўрамиз. Инжил, Ҳаворийлар фаолиятининг саҳифаларида қатнашган одамлар мутлақо янги ва ўзгарган туюлади. Улар ишонган шохининг ўлими уларни тушқун, умидсиз қилиб қўйди. Бироқ Ҳаворийлар фаолияти китобида улар Исо Масих номи учун ҳаётини тикувчи ва дунёни ағдар-тўнтар қилувчи шахслар сифатида намоён бўлади.

Уларни ўзгаришга нима мажбур этди? Уларнинг янги эътиқоди ва кучи, қувончи ва муҳаббати асосида нима ётади? Эллигинчи кун ва Муқаддас Рухнинг келиши десак ҳам бўлади, аммо Муқаддас Рух ҳам Исо тирилиб, самога кўтарилган сўнг келган. Қайта тирилиш қудратли ахлоқий ва руҳий кучларни бўшатгандай туюлади. Иккита намуна ажралиб туради.

Биринчиси — Бутрус Шимўн. Исони айблаш ва хочга михлаш вақтида Бутрус фожиали тушқунликни бошидан кечирди. У Масихдан уч марта тонди. У ўз ҳаётида Исонинг таъсирини умуман билмагандек сўкиниб уришарди. У тунда йиглаш учун чиқиб

кетди. Исонинг ўлимидан сўнг, у жуда тушкун руҳий аҳволда «яхудийлардан қўрққани боис» эшиги қулфланган уй ичида қолган шогирдларга қўшилди.

Инжилнинг яна икки бетини varaқласангиз, сиз Бутрусни турган ҳолда, эҳтимол Қуддусдаги ўша уй зинасида, катта омма орасида қатъий ва дадил ваъз айтаётганини ва уч мингта одам Масихга имон келтириб, сувда чўмганини кўрасиз. Биз Ҳаворийларнинг кейинги бобларига мурожаат қилганимизда Бутрус Исони ўлимга ҳукм қилган синедрионга қарши чиқиб, Унинг номи учун мамнунлик билан шарманда бўлишга рози эканлигини, кейин эса — кутилаётган қатлдан олдин тунда ўз камерасида ухлаб ётганини кўрамиз.

Бутрус Шимўн — янги одам. Сочилувчи қум учиб кетди; ўз таҳаллусига мос равишда, энди у — ҳақиқий қоядир. Уни нима ўзгартирди?

Ёки, мисол учун, Қуддус жамоатида етакчи ўринни эгаллаган Ёқубни олсак. У «Рабнинг ака-укалари»дан бири эди. Ушбу биродарлик барча Хушхабарларда Исога ишонмаган одамлар томонидан тақдим этилган: «Ҳатто Унинг ака-укалари Унга ишонмасди». Биз Ҳаворийлар фаолиятининг дастлабки бобида келганда, Луқо тўпланган шогирдларни ва рўйхатни: «Унинг биродарлари билан» деб ёзади. Ёқуб шубҳасиз имонли кишидир. Уни нима ўзгартирди? Биринчи Коринфликларга ёзилган мактубда балки бизга бир белги берилар. У ерда Павлус Исонинг қайта тирилганини кўрганларни ҳисоблаб, қўшиб қўйди: «Сўнг Ёқубга намоён бўлди».

Айнан қайта тирилиш Бутруснинг қўрқувини даядилликка, Ёқубнинг шубҳасини ишончга айлантир-

ди. Айнан қайта тирилиш шанба кунини якшанбага айлантирди. Яхудийлик қолдиғини Исо Масихнинг жамоатига айлантирди.

Айнан қайта тирилиш фарзий Савлни ҳаворий Павлусга, мутаасиб-таъқиб қилувчини — авваллари барбод қилмоқчи бўлган ўша эътиқоднинг ваъзхонига айлантирди. «Ҳаммадан кейин, менга намоён бўлди» деб ёзади Павлус. Қайта тирилишнинг гувоҳлиги шундай. Жасад ғойиб бўлди. Дафн йўргаклари тегилмаган ҳолда қолди. Худони кўришди. Шогирдлар алмашинди. «Раб ҳақиқатан ҳам қайта тирилди», дейилган буюк масихий тасдиғидан бошқа бу ҳодисага оқилона тушунтириш мавжуд эмас.



Ушбу уч қисмда биз камбағал ваъзгўй бўлган ва жинойтчи ўлими билан жон берган ажойиб шахс, яъни Носиралик камтар дурадгорнинг тарихини танқидий кўриб чиқдик.

Унинг баёнотлари ҳайрон қолдирарди.

У бизга ахлоқий мукаммаллик тимсоли бўлиб намоён бўлади.

У ўликлардан қайта тирилди.

Барча гувоҳликлар хулоса учун етарлидан ҳам зиёд.

Ва бу хулосадан кейин Унинг олдида тиз чўкиш ва имонсиз Тўманинг: «Тангрим менинг, Худойим менинг!» деган кучли эътирофини айтиш жуда ҳам доно фикр ҳисобланади.

II

ИНСОН
МУҲТОЖЛИГИ



ГУНОҲНИНГ МАВЖУДЛИГИ ВА АНИҚЛИГИ



Биз Носиралик Исонинг улкан беназир табиати бои расидаги гувоҳликни кўриб чиқиш учун кўп вақт сарфладик. У Тангри ва Худонинг ўғли, деб узил-кесил ишона олдик. Шунга қарамай, Янги Аҳд Унинг ким эканлигини эмас, балки У нимага келганлиги ҳақида гапиради. У нафақат осмондаги Худо, балки гуноҳлардан халос этувчи сифатида ҳам намоён бўлади. Аслида Унинг ушбу икки борлиги ажралмасдир, чунки Унинг ишларининг таъсири Унинг илоҳий шахсига боғлиқ. Аммо Исо нима қилганини баҳолаш учун биз нафақат Унинг ким эканлигини, балки ўзимиз кимлигимизни ҳам яхши тушунмоғимиз зарур.

Шундай қилиб, биз Масихдан одамга, Унинг гуноҳсизлиги ва шуҳратидан бизда яшайдиган гуноҳ ва уятга юзланамиз. Фақатгина ким эканлигимизни фаҳмлаганимиздагина, У биз учун мўъжиза қилгани ва бизга нима таклиф этаётганини тушунамиз. Шундагина биз касаллигимизнинг аниқ ташҳисини биламиз ва тадбиқ қилинган дорини қабул қилишни хоҳлаб қоламиз.

Гуноҳ — оммабоп бўлмаган мавзу, масиҳийлар кўпинча ушбу мавзуни бошидан ўтказаятганлари боис, кўпинча танқид қиладилар. Лекин масиҳийлар реалист бўлгани сабаб ҳам буни амалга оширадилар. Гуноҳ — бу, жамоат чўпонлари ишсиз қолмаслиги учун ўйлаб чиқилган эмас, балки бу инсоний тажриба маҳсулидир.

Сўнги юз йилликлар тарихи одамларни ёвузлик жамиятда эмас, балки одамнинг ўзида тўпланганига ишонтирди. XIX асрда либерал оптимизм гуллаб яшнади. Ўша вақтлари, инсон табиати ўз негизда эзгулик олиб келади, ёвузлик эса жаҳолат ҳамда ёмон яшаш шароитидан келиб чиқади, таълим-тарбия ва ижтимоий ислоҳот инсонларга бахт ва яхши ниятда ҳамжиҳатликда яшашга имкон туғдиради, деган фикр кенг қулоч ёйган эди. Шунга қарамай, ушбу хом хаёлни қаҳри қаттиқ ўтмиш ва далиллар йўққа чиқарди. Ғарбда таълим олиш имконияти тезда тарқалди ва кўплаб хайрия жамиятлари тузилди. Шундай бўлсада, иккита жаҳон урушини келтириб чиқарган, булар ортидан халқаро низо чиқарган ваҳшийлик, давом этаётган сиёсий эзиш ва ирқий камситиш, зўравонлик ва жиноят даражасининг ошиши ҳар бир кишида худбинликнинг барқарор ўзаги мавжудлигини тан олишга мажбур этади.

Биз одамларда гуноҳ яшаётгани ҳақидаги таҳминга асосланган нарсани зарур, деб қабул қилишимиз кўп учрайди. Инсон зоти баҳс-можароларини адолат билан ва беғараз ҳал қила олишига ишонамаганлиги боис ҳуқуқ-тартибот органлари пайдо бўлган. Ваъда биз учун етарли эмас: бизга шартно-

ма зарур. Эшиклар етарли эмас: уларни калит билан ёпиш ва сурма қопқоқ билан қулфлаб қўйиш керак. Йўлга шунчаки тўлаш етарли эмас: нашр қилиш, текшириш ва чипталарни йиғиш керак. Қонун ва тартибнинг ўзигина етарли эмас: уларни амалга ошириш учун миршаб керак. Буларнинг бари инсоний гуноҳ туфайлидир. Биз бир-биримизга ишона олмаймиз. Биз бир биримиздан ҳимояланишимиз керак. Бу инсон табиатидаги даҳшатли айбловчи ҳаракатдир.

Гуноҳнинг умумийлиги

Инжил муаллифлари гуноҳ умумий хусусиятга эгаллигини яққол тушунишга ундайди. «Гуноҳ қилмайдиган одамнинг ўзи йўқдир», дейди Сулаймон Маъбадга бағишланган буюк ибодатига қўшимча қилиб. «Ерда эзгулик қилган ва гуноҳ қилмаган одил кишининг ўзи йўқдир», дея қўшимча қилади Воиз китобида. Кўпгина санолар инсоний гуноҳнинг умумийлиги ҳақида йиғи-сиғи қилади. Худосиз «ақлдан озган»ни тасвирловчи 13-санода инсоний ёвузликнинг умидсизлик тасвирини беради:

Улар ярамаслардир, қилмиши жирканч ишлардир,
Яхшилик қилувчи бирон зот йўқдир.
“Идрокли бирон зот бормикан?
Бормикан Менга юз бурган?” дея
Инсонга Эгамиз самодан боқар.
Ҳаммаси адашган, бирдай бузилган,
Яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!

Саночиларнинг виждони шуни айтадики, агарда Худо одамни ҳукм қилиш учун қўтарилган бўлса, ҳеч бир кимса ҳукмдан қочиб қутула олмаган бўларди. **«Эй Эгам, гуноҳларни ҳисобга олсанг агар, эй Раббий, ким ҳам бардош бера олар?!»** (Заб.129:3). Шу туфайли ушбу ибодат пайдо бўлган: «Ўз қулингни ҳукм қилма, чунки Сенинг олдингда солиҳ яшовчининг ўзи йўқдир».

Пайғамбарлар худди саночилар каби қатъий таъкидлашади: барча одамлар гуноҳкор. Эҳтимол, Ишаё китобининг иккинчи ярмидаги иккита тасдиқ энг аниқ бўлиб саналади: **«Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик, ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик»** (53:6) ва **«Ҳаммамиз ҳаром бўлиб қолдик, яхши ишларимизнинг ҳаммаси ҳайз латталари каби-дир»** (64:6).

Бундай баёнот Эски Аҳд ҳаттотларига хос эмас. Павлус Римликларга мактубнинг учта дастлабки бўлимида шунга ўхшаш фикрни илгари суради, — барча кишилар кимлигидан қатъий назар, хоҳ яҳудий, хоҳ бутпараст бўлсин — Худованд олдида гуноҳкордирлар. У бутпараст-мажусийлар дунёсининг ахлоқи тубанлашиб кетганини тасвирлайди, сўнгра яҳудийнинг ўзи ҳам яхшироқ эмаслигини таъкидлайди. Чунки яҳудий Худонинг муқаддас қонунига эга бўлиб, уни бошқаларга ўргатади, лекин ўзи қонунни бузади. Кейинроқ ҳаворий ушбу мавзунини очиб бериш учун санолардан ва пайғамбар Ишаё китобидан бир парча келтиради ва **«Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улугворлигидан маҳрумдир»** деб хотима қилади. Юҳанно эса бу фикрни янада аниқ қилиб: **«Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзи-**

миз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди», «агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлгончига чиқарган бўламиз» (Рим. 3:22–23; 1 Юҳ.1:8–10), дейди.

Аммо гуноҳ дегани нима ўзи? У ҳаммага тарқалади, лекин унинг табиати қанақа? Инжилда уни тавсифлаш учун бир қанча сўз ишлатилган. Бири гуноҳни — тушкунлик, қўпол хато сифатида намоён қилади. Иккинчиси, худди мўлжалга отиш пайтидагидай, мўлжалга тегмаслик, дея тарифлайди. Учинчиси, уни эзгулик ва лойиқликдан йироқ нарсага мойил бўлган ички ёвузлик сифатида кўрса_тади.

Бир нуқтаи назардан гуноҳ — хато, айб қилиш демакдир. Яна бир сўз гуноҳни чегарани ноқонуний кесиб ўтишга ўхшатади. Бошқаси унинг қонунсизлигини фош қилади, учинчиси эса адолатни бузувчи хато қилмиш, деб тавсифлайди.

Ушбу гуруҳлар аллақандай ахлоқий ўлчовлар мавжудлигини назарда тутади. Бу биз ета олмайдиган юксак тимсол ҳам эмас, биз бузадиган қонун ҳам эмас. **«Қилишингиз керак бўлган яхши ишни била туриб, қилмасангиз гуноҳ бўлади»**, дейди Ёқуб (4:17). Бу салбий жиҳат. **«Гуноҳ қилганларнинг бари қонунсизликда айбланади. Гуноҳ — қонунсизлик демак»** — дейди Юҳанно. Бу ижобий жиҳатдир.

Муқаддас Китоб одамларда турли ўлчовлар борлигини тан олади. Яҳудийларда Мусонинг қонуни мавжуд. Бутпарасту мажусийларда виждон амри мавжуд. Аммо барча одамлар ўзлари билган қонунни буздилар ва ўз ўлчовлари талабларига мос эмаслар.

Бизнинг ахлоқий қоидаларимиз нима дегани? У Му-со қонуни ёки Исо қонуни бўлиши мумкин. У қонун умумий қабул қилинган ёки бўлмаса ўзида жамият шарт-шароитини мужассам қилган бўлиши мумкин. У бутпарастларнинг саккиз зинапояли олийҳиммат йўли ёки мусулмонларнинг беш тартибий устунидан иборат бўлиши мумкин. Лекин бу нимаики бўлмасин, биз қонунга риоя қила олмаймиз. Биз барчамиз ўз-ўзимизни ҳукм қиламиз.

Айрим эзгу ниятли кишилар учун бу ҳақиқий ку-тилмаган совғадир. Уларнинг идеаллари бор ва улар бу идеалларга мос келадигандай туюлади. Улар ор-тиқча ўзини суриштиришдан қочадилар. Уларга ҳад-дан ташқари ўз-ўзини танқид қилиш ётдир. Гоҳида хатолар ҳам рўй беришини улар биладилар. Улар ўз феъл-атворида нуқсон борлигини биладилар. Лекин бу уларни деярли безовта қилмайди ва улар ўзларини бошқалардан асло кам эмас, деб ҳисоблайдилар. Биз икки нарсани эсламасак, буларнинг бари тўғри бўлиб қолади.

Биринчидан, мағлубиятни ҳис қилишимиз ўлчо-вимиз қанчалик юқорилигига боғлиқ. Агар тахтача-ни ҳеч қачон белбоғингдан юқори кўтармаган бўл-санг, баландликка қойилмақом сакрай оламан, деб ўйлаш осондир.

Иккинчидан, иш ортида қандай фикр туриши, ҳатти-ҳаракат ортида қандай сабаб туриши Худо учун муҳимдир. Исо тоғдаги ваъзида бу ҳақда яққол гапирган. Бу икки тамойилга риоя қилган ҳолда энди Чиқиш китобининг 20-бобидаги ўн амрини андаза сифатида олайлик-да, ҳар биримиз ўз андазамизга қанчалик мос келмаслигимизни кўрайлик.

10 амр

1. Мендан бошқа худоларга сажда қилманг

Бу — Худонинг талаби бўлиб, одам фақатгина Худога сажда қилиши керак. Бу қонунни бузиш учун қуёш, ой ва юлдузларга сиғиниш шарт эмас. Биз уни ҳар қандай ҳолатда бузамиз, чунки фикримизни банд қилган нарсалар ёки қизиқишларимиз Худонинг ўрнини эгаллайди ва биринчи ўринга чиқади. Бу қандайдир қизгин спорт, қизиқтирувчи хобби ёки худбин нафсониятдир. Балки, илоҳийлаштирилган одамга сажда қилаётгандирмиз? Балки ишончли пул қўйиш ва банкдаги мустаҳкам ҳисоб шаклидаги олтин ва кумуш Худосига сиғинармиз ёки дарахт ва тош Худосига мулк шаклида сиғинармиз? Бу нарсаларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан ёмон эмас. Ҳаётимизнинг фақат Худога тегишли бўлган жойини берсак, улар ёмон бўлиши мумкин. Гуноҳ негиздан — Худо ҳисобидан ўзини кўтариш, тақаббурлик қилишдир.

Биз учун биринчи амрга қулоқ солиш, бу Исо айтганидек, Худовандимизни бутун юрак билан, бор қалб билан, бор вужуд билан севишимиз, Худонинг иродасини ўз йўлчи юлдузимиз қилиб олишимиз ва Унинг шуҳратини — ўз мақсадимиз қилишимиз керак; Уни ўз фикримизда ва сўзимизда, ишлаганда ва ҳордиқда; пулни, вақтни сарфлаганимизда, истеъдодимизни ишлатганда ҳам биринчи ўринга қўйишимиз даркор. Носиралик Исодан бошқа ҳеч ким бу амрни бажара олмаган.

2. Ўзларингизга ҳеч қандай бутни ясаманг

Агар биринчи амр биз кимга сиғинишимиз ҳақида гапирса, иккинчиси ушбу сиғиниш қандай бўл-

моғи ҳақида сўзлайди. Биринчи амрда Худо бутунлай сиғинишни талаб этса, иккинчисида самимий ва руҳий топинишни талаб этади. Зеро, **«Худо Руҳдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Руҳ бошчилигида, ҳақиқатни билган ҳолда сажда қилишлари лозим»** (Юҳан.4:24).

Эҳтимол, биз қўлимиз ила сиғинишнинг ҳеч қандай зулматли моддий объектини намоён қилмаймиз, аммо биз ўз онгимизда қандай даҳшатли хаёлий сиймони сақлаб турамыз? Сўнгра, гарчи ушбу амр сиғинишнинг барча ташқи кўринишларини қўллашга чек қўймаса-да, лекин улар руҳнинг ички ҳолатига мос тушмаса, ушбу кўриниш беҳуда, деб фараз қилади. Эҳтимол, биз жамоатга борармиз, аммо биз ҳақиқатан Худони мадҳлаганмизми? Эҳтимол, биз ибодат қилгандирмиз, аммо биз ҳақиқий ибодат қилдикми? Эҳтимол биз Инжилни ўқигандирмиз, лекин у орқали Худованднинг биз билан гаплашишига йўл қўйиб, Унинг сўзлари бўйича иш тутганмизми? Ундан дилингиз узоқ бўлса, Худони оғиз орқали улуғлаш беҳудадир. (Ишаё 29:13; Марк 7:6). Бу мутлақо беҳудадир.

3. Эгангиз Худонинг исмини суиистеъмол қилманг

Худонинг исми Унинг мавжудлигини намоён этади. Инжилда Унинг номини ҳурмат қилишимиз кераклиги қайта ва қайта тилга олинади, «Самодаги Отамиз» эса Унинг исми улуғланиши учун ибодат қилишга ўргатади. Унинг муқаддас исми совуққон сўзлар билан таҳқирланиши мумкин ва кўпчилигимиз ўз сўз бойлигимизни нафақат аҳён-аҳёнда, балки доимо назорат қилишимиз даркор. Аммо Худованд

исмини беҳуда айтиш фақатгина сўзда эмас, балки фикр ва ҳатти-ҳаракатда эканлигини кўрсатади. Қачонки ҳатти-ҳаракатимиз эътиқодимизга ёки қилган ишимизга мос келмай қолиб, зид бўлса, биз Худо исмини беҳуда тилга оламиз.

Худони «Эгам» ва «Отам» деб айтиш билан бирга ўзимизда безовта ва шубҳа бўлса, унда Унинг исмидан тонган бўламиз. Худо исмини беҳуда тилга олиш — бу, бир нимани айтиб, бошқасини қилиш демакдир. Бу эса иккиюзламачилик бўлади.

4. Шаббат кунини муқаддас деб билинг, унга риоя қилинг

Яҳудий шанбаси ва масиҳийлар якшанбаси Худо томонидан тасдиқланган. Етти кундан бир кунни ажратиб олиш — бу нафақат одамларнинг ҳоҳиши ёки ижтимоий шароитидир. Бу Худонинг режасидир. Исо Шанбани одам учун яратганига урғу беради (Марк 2:27). У шанбани яратгандек одамни ҳам яратди ва бу кунни инсоний эҳтиёжларга мослади. Инсон онги ва танаси дам олишга муҳтож, инсон руҳига эса ибодат қилиш, сиғиниш имконияти зарур. Шу тариқа шанба — дам олиш ва айни вақтда ибодат куни ҳамдир.

Шунга қарамай, биз ўз манфаатимиз учунгина шанба кунини сақлаб қолишимиз керак эмас. Ушбу кунда бошқаларни беҳуда ишлашга мажбур қилмаслик учун биз умумий манфаатни ўйлаб қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

Шундай қилиб, Якшанба — Худо учун ажратилган «муқаддас» кундир. Бу бизнинг кунимиз эмас, бу Худо кунидир. Демак, бу кунни ўз худбин қониқишлари-

миз учун эмас, балки Худо хоҳлагандек: сиғиниш ва хизмат қилиш билан ўтказишимиз керак.

5. Ота–онангизни ҳурмат қилинг

Бу бешинчи амр ҳали ҳам Худо олдидаги бурчимиз ҳақида сўзловчи қонуннинг биринчи қисмига тегишли. Модомики, ота–онамиз ҳали ёш бола бўлганимизда олдимизда турар эканлар, улар Худо ҳокимиятини намоён қиладилар. Аммо ҳар ҳолда кўпинча айти уйдагилар, айтқиса ёшлар, ҳаммадан кўра очиқ–равшан ўзини яхши кўриш ва эътиборсизликни намоён қилади. Албатта, яхшиликни билмайдиган ва менсимайдиган бўлиш, ота–онага муҳаббат ва ҳурмат кўрсатмаслик жуда осондир. Уларга тез–тез ёзиб турамизми? Кўришга бориб турамизми? Балки уларга биз бера оладиган ва рад қилаётган моддий ёрдам зарурдир?

6. Қотиллик қилманг

Бу фақатгина ўлдиришни чеклаш эмас. Агар кўз нигоҳи ўлдира олганда эди, кўплар назар ташлаб ўлдирган бўларди. Агар шафқатсиз сўзлар билан ўлдириш мумкин бўлганда эди, кўплар бунда айбдор бўларди. Шунингдек, Исо айтдики, бировдан бесабаб ранжиш ва одамларни дилини оғритиш ҳам шундай жиддийдир. Юҳанно ёзган пайтида тўғри хулоса чиқаради: **«Биродаридан нафратланган ҳар қандай киши қотилдир»** (1 Юҳ. 3:15). Ўзини дадил тута олмаслик, жаҳлни ушлаб тура олмай портлаш, ғазаб қайнаши, аччиқ ранжиш ва ўч олишга ташналик — буларнинг бари ўлдиришдир. Ичқоралик билан қилинган ёлғон билан ҳам ўлдириш мумкин. Атайин

қилинган беъътиборлик ва шафқатсизлик билан ҳам ўлдириш мумкин. Ёвузлик ва рашк билан ҳам ўлдириш мумкин. Эҳтимол барчамиз шунга ўхшаш нарсаларни содир этганмиз.

7. Зино қилманг

Ушбу амр фақатгина никоҳдаги вафога тегишли эмас. Зино никоҳда бўлмаган ҳар қандай жинсий алоқани ўз ичига олади, чунки жинсий алоқа фақат никоҳ учун яратилган. Зино ноз-ишва, синов ва якка жинсий тажрибани ўз ичига олади. У барча жинсий бузуқликни ичига олади, гарчи аёл ва эркеклар бузилган ҳис-туйғу учун жавобгарликни бўйнига олмасалар-да, улар барибир бу ҳис-туйғунинг кўпайишига жавобгардирлар. У никоҳдаги худбин талабларни ҳам ўз ичига олади ва кўпгина (агар ҳаммаси бўлмаса) ажралишларга сабаб бўлади.

Зино онгли равишда порнографик китобларни мутолаа қилиш ва нопок фантазиялар билан ноҳўя ҳаракатларга йўл қўйишни ҳам қамраб олади. Исо қуйидаги сўзлар билан буларнинг барини тушунтиради: «Кимки аёлга ҳирс ила қараса, қалбида у билан зино қилган бўлади». Худди хаёлан қалбида қотиллик қилишга йўл қўйса, қотиллик қилган бўлганидай, қалбингизда бевафолик қилсангиз ҳам зино қилган бўласиз.

8. Ўғирлик қилманг

Ўғирлик қилиш — бу инсондаги унга тегишли ва жоиз бўлган барча нарсани ўғирлашни билдиради. Пул ёки мулк ўғирлаш бу амрнинг ягона бузилиши

эмас. Солиқдан бўйин товлаш — ўғирликдир. Бож тўлашдаги найранг ҳам. Бунга бор куч билан қилинмаган иш ҳам киради. Дунё устамонлик деб билганни Худо ўғирлик, деб атайди. Одамларни кўп ишлашга ундаш ва уларга тўламаслик ушбу амрни бузиш демакдир.

Жуда камчилигимиз доимо ўзгармай, шахсий бизнесда ва ишда жуда ҳаққоний бўлишимиз тайин.

Ушбу тақиқловчи амрларнинг ижобий мазмуни ҳам мавжуд. Ўлдиришдан узоқроқ туриш учун соғлиқ учун қайғуриш ва бошқалар ҳаётини қўллаб-қувватлашга бор кучни сарфлаш керак. Зинодан сақланиш етарли эмас. Амр тўғри, соғлом ва бир-бирининг жинсига ижобий муносабатни талаб қилади. Агар одам зиқна ва кекчил бўлса-ю, лекин ўғирлик қилмаса, бу унинг яхши хислатга эга эканлигини билдирмайди. Павлус учун ўғри ўғирлашни тўхтатиши етарли эмас: ўғри ишлашни бошлаши керак эди. Умуман олганда, у ҳалол ишлашда давом этиб, муҳтож кишиларга ёрдам бериши керак.

9. Яқинингизга қарши ёлғон гувоҳлик берманг

Охирги бешта амр бошқаларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилишни ифодалайдиган ҳақиқий севгини назарда тутати. Бу амрларни бузиш одам учун қимматли бўлган: ҳаётини («одам ўлдирма»), оиласи ёки номусини («зино қилма»), мулкини («ўғирлама»), шунингдек, яхши номини («яқинингга қарши ёлғон гувоҳлик берма») ўғирлашни билдиради.

Амр фақатгина суд ишига тегишли эмас. У ҳақиқатан ҳам ёлғон гувоҳликни қўшиши мумкин. Аммо у турли жанжалларни, тухмату бўҳтонларни, фисқ-

фасодларни ва миш–мишларни, барча ёлғон ва му-болага ҳамда ҳақиқатнинг бузиб кўрсатилишини ўз ичига олади. Биз ёлғон гувоҳлик беришимиз, ёмон миш–мишларга қулоқ солишимиз мумкин, шунингдек уларни тарқатишимиз, бошқаларда ёлғон таас-сурот қолдирган ҳолда ёлғон тасдиқларни тўғрила-масдан мутойиба қилишимиз, ҳамда сукут сақлаган ҳолда ҳам ёлғон гувоҳлик беришимиз мумкин.

10. Яқинингизнинг уйи ва хотинига кўз олайтирманг

Ўнинчи амр, қандайдир маънода, қолганларига қараганда кўпроқ маълумот беради. У ўнта амрни ташқи ахлоқий қонундан ички ахлоқий андазага ай-лантиради. Фуқаролик қонуни бизни ўғирлик қилга-нимиз учунгина жазолайди, лекин эга бўлиш хоҳи-ши борлиги учун эмас. Ҳасад ички дунёга тегишли. У қалб ва онгда яшириниб ётади. Шаҳвонийлик зинога тегишли бўлганидай, ғазаб — қотилликка, ҳасадгўй-лик — ўғирликка тегишлидир.

Биз исташимиз керак бўлмаган ва амрда тилга олинган нарсалар ҳайрон қоларли даражада замона-вийдир. Уй етишмаган ҳолда кўплар қўшнисининг уйини олишни хоҳлайди. Агар эр қўшнисининг хоти-нини хоҳламаганда, суд залларида ажрашиш ишла-ри тез–тез кўрилмаган бўларди. **«Бутпарастликка тенг бўлган очкўзликни йўқ қилинглар»**, деб ёзган эди Павлус (Кол. 3:5). Бунга қарама-қарши қуйидаги-ча ҳам ёзган: **«...художўйликдан фойда катта, қа-чонки биз бори билан қаноатлансак»** (1 Тим. 6:6).

Ушбу амрларнинг киритилиши гуноҳларнинг бу-зуқ рўйхатини ойдинлаштирди. Ички дунёмизда, он-

гимизнинг яширин бурчакларида худди шулар рўй бермоқда. Буни бошқалар кўрмайди, шунинг учун буни ўзимиздан ҳам яшира оламиз. Бироқ, Худо ҳам-масини кўргувчи. Унинг назари ҳатто қалбимизнинг чуқур сирли туйнукларигача кириб боради: **«Бутун борлиқ Худонинг кўзи олдида яп-яланғоч ва очиқдир. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Ундан пинҳон эмас. Биз Унга ҳисоб берамиз!»** (Ибр.4:13). У бизни аслимизча кўради. Аслида қонуннинг мақсади гуноҳни фош қилиш эди, ахир **«қонун инсонга гуноҳқорлигини янада аниқроқ кўрсатади»** (Рим. 3:20).

XIX асрнинг машҳур воизи К. Х. Спержен 14 ёшга тўлганда, ўз гуноҳқорлигини ҳис қилди. Аввал ҳеч бўлмагандай, у икки ҳақиқатни — «Худонинг улугворлигини» ва «ўзининг гуноҳқорлигини» тушунди. У ўзининг аксар шахсий ножўя ҳаракатларини бошидан ўтказди.

Мен шубҳасиз шуни айтишим мумкинки, агар ҳаётимга кимки назар ташласа, ҳеч қанақанги жиддий гуноҳ топмаган бўларди. Шундай бўлсада, мен ўзимга қараганимда, Худога қарши ўзимда даҳшатли гуноҳни кўрдим. Мен алдамчи, айёрлик қилувчи, оғзи бузуқ болаларга ўхшамасдим. Сўнг тўсатдан Худонинг ўнта амрини келтираётган Мусони учратдим. Уни ўқиганимда, бу амрлар, муқаддас Худонинг олдида, мени айблаш учун бирлашгандай туюларди.

Бизнинг вазиятимизда эса Худованднинг адолати қонунидан бошқа ҳеч нарса бизни гуноҳқор эканлигимизга ишонтира олмайди.

ГУНОҲНИНГ ОҚИБАТИ



Биз инсоний гуноҳнинг табиати ва умумийлиги ҳақида айрим нарсаларни билиб олдик. Биз бу ёқимсиз мавзуни қўйиб, дарҳол Масиҳнинг қутқарувчи хушхабарига ўтишни хоҳлардик, бироқ биз бунга ҳали тайёр эмасмиз. Худо биз учун нима қилганини ва Масиҳда нима тақдим қилаётганини баҳолашимиз учун гуноҳнинг оқибати нималигини тушуниш лозим.

Гуноҳ ҳақиқатан ҳам шундайин жиддийми? Гуноҳнинг таъсирини Худода, ўзимизда ва биродарларимизда кўришимиз яхшироқ бўлади.

Худодан узоқлашиш

Ҳатто ҳозир биз бунга англамасак-да, гуноҳнинг энг даҳшатли таъсири шундаки, у бизни Худодан узоқлаштиради. Инсоннинг энг олий вазифаси — Худони билиш ва У билан шахсий муносабатга эга бўлишдир. Инсон сифатида олийжаноблигимиз ҳақида билдирилган энг юксак баёноти бу — биз Худо суратида

яратилганмиз. Бу эса Худони англай олиш қобиллигимизни билдиради. Биз билишимиз зарур ва мумкин бўлган Худо Ўз ахлоқий баркамоллигида чексиз бўлган одил Зотдир. Муқаддас Китоб ҳар қанақасига бу ҳақиқатга урғу беради:

Юксак, юқори бўлган, абадий яшайдиган Эгамиз,
Номи муқаддас Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен юксакда, муқаддас масканда яшайман”

Ишаё 57:15

Ягона муборак Ҳоким бўлган... Худо шоҳларнинг
Шоҳи, ҳукмдорларнинг Ҳукмдоридир.

1 Тим.6:15–16

Худо — нур. Унда ҳеч қандай зулмат йўқ. Агар биз
Худо билан яшаяпмиз деб туриб, олдингидай зулматда
яшасак, ёлғон гапириб, ҳақиқатга хилоф иш қилган
бўламиз.

1 Юҳ.1:5–6

Бизнинг Худойимиз ямламай ютадиган оловдир.

Ибр.12:29; Қон.4:24

Сенинг кўзларинг шу қадар покизаки, Сен ёвузликка
қараб туролмайсан. Ҳақсизликка чидай олмайсан.

Хаб.1:13

Муқаддас Китобдаги одамлар Худо шуҳратини
бир лаҳзагина кўрган бўлишсада, улар уятдан ва ўз
гуноҳларини даҳшатли фаҳмлаганларидан ичларини
еб қўйдилар. Ёнаётган бута орқали намоён бўлган
Худого қарашдан қўрққани учун Мусо юзларини ёпди
(Чик.3:1–6). Аюб Худонинг қуюн ичидан гапирган
сўзларини эшитгач, Уни юксакларга кўтариб, қичқирди:
«Сен ҳақингда бировлардан эшитгандим, аммо энди кўзларим билан Сени кўриб турибман.

Шунинг учун энди айтганларимни қайтиб оламан, бошимга тупроғу кул сочиб, тавба қилдим» (Аюб 42:5–6).

Ишаё ўспиринлик пайтида юқорига юксалган Раббийнинг Исроил тахтида ўтирганини, атрофида эса серафлар Худонинг муқаддаслиги ва шуҳратини мадҳ қилишаётганини кўради. Ўшанда Ишаё деди: **«Шўрим қурсин! Ўлдим энди! Ўз кўзларим билан ўша Шоҳни, Сарвари Оламни кўрдим. Ахир, мен оғзи нопок бир одамман, оғзи нопок халқ орасида яшайман»** (Ишаё 6:1–6).

Ҳизқиё кўкдаги тирик қанотли мавжудотларни ва ҳаракатланаётган ғилдиракларни, уларнинг тепасида турган тахтни, тахтда эса инсон қиёфасидаги Зот ўтирганини, атрофини камалак ва олов жилваси ўраганини кўрганда, бу Худонинг улуғворлигини акс эттиришини тушунди ва қўшиб қўйди: **«Мен бун кўришим биланоқ ерга мук тушдим»** (Ҳиз.1:28, 2:1).

Масихийларга қарши ғазабга тўлган таршишлик Савл Дамашққа кетаётиб қуёш нуридан ҳам равшанроқ бўлган самовий нурдан кўзлари кўрмай қолган. У кейинроқ тирилган Масихни қандай кўрганини ёзган: **«Ҳаммадан кейин менга кўринди»** (Ҳав.9:1–9).

Патмос оролига сургун қилинган кекса Юҳанно кўзлари оловдай чақнаётган, юзи қуёшдай порлаётган тирилган ва улуғланган Исони кўрганлигини батафсил тасвирлайди ва бизга дейди: **«Уни кўришим биланоқ, оёқлари остига ўликдай йиқилдим»** (Вах.1:9–17).

Агарда Худонинг улуғворлиги ҳақида айтилмаган ёпиқ дарпарда бир лаҳзага очилса, биз ҳам ушбу

вахийга бардош бера олмасдик. Биз ҳозир Худонинг шуҳрати қандайин юксак бўлишини кўз олдимизда ғира-шира гавдалантирамиз. Шунга қарамай биз шуни биламизки, адашган гуноҳкор ҳеч қачон муқаддас Худога яқинлаша олмайди. Худода одиллиги ва одамнинг гуноҳи орасида улкан жарлик турибди. **«Солиҳлик билан қабиҳликнинг орасида қандай алоқа бор?! Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?!»** — деб сўрайди Павлус (2 Кор. 6:6–14)

Гуноҳ бизни Худодан узоқлаштиришини Эски Аҳдда Муқаддас хона ва Маъбад қурилиши вақтида чуқур англаб етилган. Уларнинг иккаласи ҳам икки қисмдан иборат: биринчиси ва улкани Муқаддас Жой деб аталди, йироқдагиси ва кичиги Энг Муқаддас Жой ёки Муқаддаслар Муқаддаси деб аталади. Ушбу ички Энг муқаддас жойда Худонинг улуғворлиги бор эди. Бу жой Худо ҳузурининг рамзи эди. Бу икки қисм ўртасида Муқаддаслар Муқаддасига киришни тўсувчи қалин парда тўсиғи бор эди. Гуноҳ учун қурбонлик қони келтирилган вақтдагина ва йилида бир марта бўладиган Покланиш Кунида олий руҳонийдан бошқа ҳеч ким Худонинг ҳузурига киритилмас эди.

Эски ва Янги Аҳд муаллифлари исроилликларга қуйидагиларни яққол кўрсатишиб, ўргатишади: гуноҳ муқаррар ажралиш келтиради, ажралиш эса «ўлим» демакдир. Ажралиш — руҳий ўлимга олиб келади. Ажралиш — одамни ҳақиқий ҳаётнинг ягона манбаси бўлмиш Худо билан алоқасини узади. «Гуноҳ эвазига ўлпон тўлаш — ўлим демакдир».

Шунингдек, биз онгли равишда Исо Масиҳни рад этсак (фақат У орқалигина биз абадий ҳаётга эри-

шамиз), биз абадий ўлимга маҳкум бўламиз. Дўзах — бу зулмат босган ва даҳшатли ҳақиқат. Ҳеч кимни сизни алдашига йўл қўйманг. Бу тўғрида Исонинг Ўзи гапирган. Дўзах Худодан чексиз айрилганлиги боис Исо уни «ташқи зулмат» деб атади. Дўзах Муқаддас Китобда «иккинчи ўлим», «оловли кўл» каби сўзлар билан аталади. Дўзах — Худодан ажралиш билан боғлиқ бўлган абадий ҳаётни йўқотиш ва руҳнинг даҳшатли ташналик рамзини тасвирлайди. (қаранг, масалан: Мат.25:30; Ваҳ.20:14–15; Луқа 16:19–31).

Гуноҳ орқали келадиган Худодан ажралиш Муқаддас Китобда нафақат воизлик қилинади, балки одамларнинг тажрибаси орқали ҳам тасдиқланади. Мени ҳозиргача болалик давримда Худонинг хузурига киришга уриниб, ибодат қилганимда хижолат бўлганимни эслайман. Нима учун Худо туманга буркангандай туюлишини ва мен Унга яқинлаша олмаганимни ҳеч тушуна олмасдим. У Ўзини четга олгандай ва вазминдай кўринар эди. Энди эса мен сабабини биламан. Ишаё менга жавобини берди:

Нима, Эгамизнинг кўли қисқами? Қутқаролмас!
Қулоғи оғирми? Эшитмай қолса!
Ахир, ўз айбларингиз сизни Худойингиздан айирди,
Гуноҳларингиз туфайли У сиздан юз ўгирди,
Ибодатларингизга қулоқ солмайди.

Ишаё 59:1–2

Худди Еремиёнинг Марсияси китобидагидай, бизнинг Худога деярли шундай дегимиз келади:
«Илтижоларимиз Сенга етиб бормаслиги учун бу-

лутлар билан олдинги тўсдинг» (Марс.3:44). Умуман олганда, ушбу булутлар учун Худо эмас, балки биз жавобгармиз. Булут қуёшни қанчалик ёпса, бизнинг гуноҳларимиз ҳам Худо юзини шунчалик ёпади.

Кўпгина одамлар руҳий тушкунликни бошидан ўтказганлигини менга айтиб, тан олишган. Баъзан, кескин вазиятларда, хавф-хатарда, шодлик ёки гўзалликка маҳлиё бўлишганда, улар кўпинча таърифлаб бўлмайдиган Худодан ажралишни ва ташлаб кетилганликни ҳис қилишган. Бу нафақат ҳиссиёт, балки ҳақиқатдир. Гуноҳларимиз кечирилмас экан, биз ҳақиқий уйимиздан йироқда — қувғинда юрган бўламиз. Бизда Худо билан муносабатимиз йўқ. Муқаддас Китоб тили билан айтганда, биз қилган гуноҳларимиз ва ҳатти-ҳаракатимиз учун «адашган» ёки «ўлганлар»миз.

Айнан шу билан эркак ва аёлнинг ҳозирги безовталиги тушунтирилади. Одамларнинг юрагидаги очлик ва ташналик бор, уни фақатгина Худо қондиради, одамларнинг юрагида бўшлиқ бор, уни фақатгина Худо тўлдиради. Шов-шувли янгиликларга, эсанкиратадиган севги ва детектив фильмларга, пляж ва барларга, дунёвий миш-мишу, дунёвий кўнгилхушликларга, гиёҳванд моддаларнинг, жинсий алоқа ва зўравонликнинг ҳозирги кундаги эпидемиясига бўлган талаблар — бу аломатларнинг бари одамнинг чанқоғини қондиришга бўлган изланишидир. Улар Худога бўлган ташналикни ва Ундан узоқлашишни келтиради. Августин «Эътироф» китобининг бошида кўпинча шу сўзларни келтирганда ҳақ эди: «Сен бизни Ўзинг учун яратдинг ва бизнинг юрагимиз Сенда

ором топмагунча тинчланмайди». Бу вазият ифода қилиб бўлмайдиган тарзда фожеалидир. Одам учун Худо томонидан яратилган вазифани одам қўлдан бой бермоқда.

Ўз-ўзининг олдида қуллик

Гуноҳ нафақат узоқлаштиради, у озодликдан маҳрум қилади. Агар у бизни Худодан четлаштирса, у шунингдек бизни асирга олади.

Ҳозир биз гуноҳнинг «ички тарафи»ни кўриб чиқишимиз жоиз. Умуман олганда, биз қилаётган гуноҳлар — ички ва кўринмас касалликнинг шунчаки ташқи кўриниши, ахлоқий дарднинг аломатидир. Исо дарахт ва мевалар ҳақида гапирганда мажозий сўзларни ишлатади. Дарахт қандай мева беради (мия сол учун, хурмо ва узум), бу меваларнинг сифати (яхшими ёки ёмон) табиатга ва дарахтнинг соғломлигига боғлиқми? Худди шунингдек, «одамнинг дили нимага тўлиб-тошса, ўша тилига чиқади».

Ҳозир бу хусусда Исо Масих ҳақида кўпгина социал-реформаторлар ва инқилобчилар гапирадилар. Албатта, бизнинг таълим-тарбиямиз ва атроф-муҳит тимиз, биз яшайдиган иқтисодий ва сиёсий тизим барчамизга яхши ёки ёмон таъсир кўрсатади. Албатта, биз ҳамма учун адолат, эркинлик ва фаровонлик излашимиз керак. Бироқ, инсоний жамиятдаги ёвузлик ҳақида гапирганимизда, Исо бу эркинлик ва адолатнинг етишмаслиги ҳақида эмас, балки бизнинг «юрагимиз» дея атаган одамнинг мавжудлиги ҳақида гапирди. Мана Унинг аниқ сўзлари:

Чунки ичдан, яъни инсон қалбидан ёмон фикрлар, фаҳш, ўғирлик, қотиллик, зино, очкўзлик, фосиқлик, маккорлик, шаҳват, ҳасад, тухмат, манманлик ва нодонлик чиқади. Ана шу ёмонликларнинг ҳаммаси инсоннинг ичидан чиқиб, уни ҳаром қилади.

Марк 7:21-23

Эски Аҳд ушбу ҳақиқатни ўргатган эди. Еремиё бу ҳақида шундай деган: **«Одамнинг юраги шунчалик айёрки, унинг давоси йўқ! Унинг ичидагини ким билади?!»** (Ере.17:9).

Аслини олганда, Муқаддас Китоб, инсоний табиатнинг ушбу касаллиги ёки «дастлабки гуноҳ» ҳақида кўп эслатади: наслий мерос сифатида олинган ўз ўзига қаратилган диққат-эътибор инсоний шахсиятга чуқур илдиз отиб, кўпгина бемаъни нарсаларда намоен бўлади. Павлус бунини «тана» деб атаб, уни «ишини» ёки «меваларини» санаб ўтади:

Худбин истакларга эрк бериш қуйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: фаҳш-зино, ҳаром-ҳаришлик, ахлоқий бузуқлик, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ-совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашк, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолару ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, бахиллик, ичкиликбозлик, айш-ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар.

Гал.5:19-21

Шундай қилиб, гуноҳ — инсон табиатининг ички таназзулидир, биз асирдамиз. Шундай экан, Янги Аҳд кўп маротоба бизни «қуллар» сифатида таърифлайди. Биз хафа бўламиз, лекин бу ҳақиқат. Исо уларга қуйидагиларни айтганда, баъзи фарзийларнинг ғазабини уйғотди:

Агар Менинг сўзларимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади

Улар шундай деб жавоб беришди:

— Биз Иброҳим наслимиз. Ҳеч қачон ҳеч кимга қул бўлмаганмиз. Қандай қилиб Сиз, “Озод бўласизлар”, деб айтаясиз?

Исо деди:

— Сизларга чинини айтайин: гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир.

Юҳан.8:31–34

Павлус ўз мактубларида бир неча бор гуноҳ туфайли биз тушиб қоладиган ҳақоратомуз қулликни тасвирлайди.

Сизлар олдин гуноҳга қул бўлгансиз.

Рим.6:17

Биз... бир вақтлар худбин истакларимизни қондириб яшар эдик. Тана эҳтиросларига ва бемаъни ўй-хаёлларга берилиб яшайдиган... итоатсиз инсонлар эдик.

Эфес.2:3

Бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил завқу эҳтиросларнинг қули бўлиб, гина-кудурат ва ҳасадгўйлик билан кун кечирардик, бир-биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик.

Тит.3:3

Бизнинг шахсий кучимиз ва назоратимиз етишмаслигини кўрсатиб, Ёқуб тилимизни жиловлаш нақадар қийинлигини кўрсатади. Ёқуб ўз мактубида шундай дейди: **«Сўзлаётганда хато қилмаган инсон етукдир. У бутун вужудини жиловлай олади».**

«Тил баданнинг кичкина бир узвидир, аммо катта муаммоларни келтириб чиқаради». Унинг таъсири олов сингари тарқалади, «тиниб–тинчимас бу ёвуз тил заҳри қотилдир». Биз турли ҳайвонни ёки қуш-ни бўйсундириб, қўлга ўргатишимиз мумкин, **«аммо тилни ҳеч бир инсон бошқара олмайди»** деб қўшиб қўяди у (Ёқуб 3:1–12).

Бу эса бизга ниҳоятда яхши танишдир. Бизнинг олий мақсадларимиз бор, бироқ иродамиз суст. Биз солиҳ ҳаёт кечиришни истаймиз, лекин ўз худбинлигимиз қамоғига кишанланиб қолганмиз. Биз ўзимизнинг озодлигимиздан қанчалик фахрланмайлик, аслида эса биз шунчаки қулмиз. Биз Худога келиб, қуйидагича дейишимиз керак:

Раббим, мен ўз ишимни якунлай олмадим.

Мен ҳеч вақо қила олмадим.

Ҳаётимдаги биронта курашда ҳам,

Мен асло ғолиб бўлмадим.

Мен Сенга келдим сўзлагани,

Курашиб, мағлуб бўлганимни.

Беҳуда ва заифлик эса

Инсоний қисса экан.

С. Кеннеди шеърининг сўзма–сўз таржимаси

Бизга ўзини тутишнинг қоидаларини сингдириш фойдасиздир. Биз уларга риоя қила олмаймиз, Худо бизга «қилма...» деб гапиришда давом этса ҳам, барибир биз буни дунёнинг охиригача қилишда давом этамиз. Панд-насихат муаммони ҳал қилмайди: бизга Қутқарувчи керак. Юрак ўзгаришсиз қолса он-нинг ўзгариши етарли эмас. Инсон жисмоний куч сирини, ядро реакцияси сирини очди. Энди эса унга

Ўз-ўзидан қутулиш учун, ўзини тарк этиш ва бошқақ
риш учун руҳий куч зарур. Унга шундай куч керакки,
бу унинг илмий зафарларига мос келадиган ахлоқий
феъл-атвор бўлсин.

Ўзгалар билан низо

Гуноҳнинг даҳшатли оқибатлари рўйхати ҳали
тўлиқ эмас, биз яна биттасини, яъни бошқа одамлар
билан бўладиган муносабатимизда гуноҳнинг таъ-
сир этишини кўриб чиқишимиз керак.

Биз гуноҳнинг одабий табиатимизда чуқур ўрна-
шган дард эканини кўрдик. У шахсиятимизнинг қоқ
марказидан ўрин олган. У бизнинг «мен»имизни бо-
шқаради. Умуман олганда, гуноҳ бу бизнинг ўзимиз.
Биз қилган барча гуноҳлар ўзини ё Худога қарши, ё
одамга қарши қилиб намоён этади. Гарчи ўн амр та-
қиқлар хусусиятига эга бўлсада, у бизнинг Худо ол-
дидаги ва бошқалар олдидаги бурчимизни эълон
қилади. Исо Қонунлар китобидаги оятни (6:5) Матф
то Хушхабаридидаги оятга (22:38–40) қўшиб, Қонунни
умумлаштиради ва бу фикрни янада равшанроқ тас-
диқлайди: **«Эгангиз Худони бутун қалбингиз би-
лан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз би-
лан севинглар. Бу биринчи ва энг буюк амр. Ик-
кинчиси эса шунга ўхшашдир: «Ўзгани ўзингизни
севгандай севинг.» Бутун Таврот ва пайғамбар-
ларнинг ҳамма битиклари мана шу икки амрга
таянади».**

Биринчи амр Худо олдидаги бурчимиз ҳақида
эканлигини қайд қилиш муҳимдир, чунки бу амр
бизнинг яқинимиз олдидаги бурчимиз ҳақида эмас.

Биз барча нарсадан аввал Худони севишни ўрганмоғимиз керак, ундан сўнг яқинимизни ўзимизни севгандек севишимиз лозим. Шу тариқа, биз Худовандни биринчи, яқинимизни иккинчи, ўзимизни эса охирги ўринга қўямиз. Гуноҳ — бу тескарича тартиб. Бу дегани одам биринчи навбатда ўзини, кейин яқинини қўяди, Худони эса энг охирги ўринга қўяди. «Қадрдон Мен» сарлавҳаси остида ўз таржимаи ҳолини ёзган одам фақатгина ўзи ҳақида ўйлашини ифодалайди. Болалар байрамига музқаймоқ келтиришса: «Мен биринчи!» деган қичқирик кўтарилади. Биз ўсиб улғаяётганимизда бизга шунга ўхшаш нарсаларни овоз чиқариб айтмасликка ўргатишади; аммо айнан шундай ўйлашда давом этамиз.

Ўзимизга қаратилган эътибор барча ҳулқ-атворимизга таъсир ўтказади. Бошқа одамларга кўникишимиз енгил эмас. Биз улардан ё нафратланамиз, ё ҳасад қиламиз, устун эканлигимизни ёки норасо одам эканлигимизни ҳис қиламиз. Чунки биз Павлус ўз китобхонларини ундаган тиниқ фикр билан камдан кам ўй юритамиз. Баъзан ўзимиздан жирканиш ҳисси, бошқа пайт эса манманлик, ўзбилармонлик ёки ўз-ўзини севиш бизни тўлдиради.

Ҳаётда барча муносабатлар қийин — ота-она ва фарзанд муносабати, эр ва хотин муносабати, бошлик ва бўйсунувчи муносабати...

Низоларнинг кўпи тушунмасликдан келиб чиқади, тушунмаслик эса бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилмасликдан келиб чиқади. Биз учун ҳам тинглашдан кўра баҳслашиш, бўйсунушдан кўра гапириш табиийроқдир. Агар ҳар иккала тараф

ҳам ўзларига танқидий назар билан ёндашганда эди, ишчи ва ҳукумат ўртасидаги низога барҳам берилган бўлар эди. Бошқа тарафга мойиллик билан қараган бўлар эди. Бунинг устига, биз ўзимизга меҳрибон, бошқаларга эса танқидий муносабатда бўламиз. Нотинч халқаро вазиятларга ҳам шунини мисол қилиш жуда ўринли. Ҳозирги танглик кўпларда телбалик ва қўрқувни келтириб чиқаради. Бизнинг дунёқарашимиз бир томонлама. Биз ўз фазилатларимизни ва бошқаларнинг нуқсонларини ошириб кўрсатамиз.

Ҳозирги ижтимоий муносабатларни ҳукм қилиб ёзиш жуда осон. Бунинг нима учун қилинишининг ягона сабаби инсон гуноҳи ёки ўзига эътиборни худбинларча қаратиш барча муаммоларни келтириб чиқаради. Айнан шу ердан атрофдагилар билан низо вужудга келади. Агар ўзига бино қўйиш руҳи билан ўзини қурбон қилиш руҳини алмаштириш имкони бўлганда эди, бундайин низоларга чек қўйилган бўлар эди. Ўзини қурбон қилиш эса Муқаддас Китобда «севги» деб тушунилади. Гуноҳ — ўзлаштиради, сеvgи эса беради. Қўлга киритиш гуноҳга хосдир, сеvgига эса фидо қилиш.

Инсонга керак бўлган нарса, профессор Х. М. Гваткин айтиб ўтган «ўзим»дан «ўзим эмас»га ўзгарадиган табиатнинг кескин ўзгаришидир. Инсон бу ўзгаришни ўзи қила олмайди. У ўзича ҳаракат қила олмайди. Унга яна Қутқарувчи лозим.

Биз гуноҳни шу тарзда фақат бир мақсад билан қош қилмоқдамиз. Бу Исо Масихнинг бизга кераклигини ва У таклиф қилаётган ҳамма нарсани қабул қила олишга тайёр туришимизни англатади.

Имон муҳтожликдан туғилади. Ўзимиздан кўнглимизни қолдирмасак Масихга ҳеч қачон ишона олмаймиз. Унинг Ўзи шундай деган: **«Соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир... Мен қурбонликни эмас, раҳм-шафқатни истайман»** (Мат.9:12–13). Дардимиз қанчалик жиддий эканлигини билгандан сўнггина, дарҳол даволаниш зарур эканлигини тан оламиз.



III

МАСИҲНИНГ
ИШИ



МАСИХНИНГ ЎЛИМИ



Масихийлик — қутқарилиш динидир. Худо Исо Масих қиёфасида бизни гуноҳдан фориғ қилиш учун биринчи бўлиб қадам қўйди. Бу — Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси.

Унинг исмини Исо қўясан, чунки У Ўз халқини гуноҳлардан қутқаради.

Мат.1:21

Инсон Ўғли йўқолганни излаб топиш ва уни қутқариш учун келган.

Луқо 19:10

Аммо Исо Масих менга раҳм қилди. Менга ўхшаган ўтакетган гуноҳкорларга нисбатан У ниҳоятда сабрли эканини кўрсатди, токи бошқалар ҳам мендан ибрат олиб, Унга ишонсинлар, абадий ҳаётга эга бўлсинлар.

1 Тим.1:16

Отамиз Худо Ўз Ўғлини дунёнинг Нажоткори қилиб юборганини биз кўрдик ва бу ҳақда гувоҳлик бераймиз.

1 Юҳ.4:14

Аниқ қилиб айтганда, биз кўриб чиққанимиздек гуноҳнинг уч оқибати бор. «Нажот» гуноҳ оқибатла-

рининг ҳаммасидан халос қилишни ўз ичига олади. Исо Масиҳ орқали биз қувғиндан қайтарилишимиз ва Худо билан ярашишимиз мумкин. Биз қайтадан туғилишимиз, янги табиатга эга бўлишимиз ва ахлоқий чигалликларимиздан озод бўлишимиз мумкин. Эски тушунмовчиликларни севги билан муносабат қилишга алмаштиришимиз мумкин.

Масиҳ нажотнинг биринчи қисмини Ўзининг азобли ўлими; иккинчиси — Муқаддас Рухни инъом қилиши, учинчиси эса — Ўз жамоатига асос солиши орқали амалга оширди. Бу бобда биз биринчи нуқтаи-назарни кўриб чиқамиз, қолган иккитасини эса кейинги бобда.

Павлус ўз ишини «яраштириш хизмати», хушхабар айтишини эса «яраштириш мактуби» деб айтган. У бу ярашишни қаердан келиб чиқишини аниқ кўрсатган. Унинг муаллифи Худо эканлигини ва Худонинг Ўзи ҳаракат қилишини айтади: **«Буларнинг ҳаммаси Худодандир. У Масиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштирди», «Худо... Масиҳ орқали дунёни Ўзи билан яраштирди»** (2 Кор. 5:18–19).

Исо Масиҳнинг хочдаги ўлими орқали эришилган ҳамма нарса абадий Худонинг онгида ва юрагида азалдан бор эди. Масиҳнинг ўлимини таҳлил қилиш ёки бу далилни тан олмаган инсонларнинг қутқарилиши Муқаддас Китобнинг таълимоти билан тўғри келмайди. **«Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин»** (Юҳан.3:16). Шунингдек, **«Худо Ўз комиллигини Исода жо қилишни маъқул кўрди. Еру кўкдаги борлиқ мавжудотни Масиҳ**

орқали Худо Ўзи билан яраштириб, Масиҳнинг хочда тўкилган қони орқали улар билан тинчлик ўрнатди» (Кол. 1:19–20).

Лекин «ярашиш» ўзи нима? Бу сўзнинг ўзи «қутқариш, сотиб олиш» деб ҳам таржима қилинади. Бу сўз низода бўлган икки тарафни «ягона» қиладиган ҳаракат, ёхуд уларнинг бирлиги «қувонч» келтириб, ўз ифодасини топади. Павлуснинг сўзлари бўйича айтилган «ярашиш»ни биз Худойимиз ва Раббимиз Исо Масиҳ орқали қабул қилганмиз. Биз бунга ўз кучимиз билан эришмаганмиз. Биз буни Ундан совғадек олганмиз. Гуноҳ узоқлашиб кетишни туғдирди, Масиҳ михланган хоч эса қутқариш келтиради. Гуноҳ низони, хоч эса тинчликни олиб келади. Гуноҳ инсон ва Худо орасида жарликни очди, хоч унга кўприк ташлади. Гуноҳ Худо билан муносабатимизни бузди, хоч уларни тиклади. Бунини Павлус Римликлар мактубида ёзганидек, бошқача қилиб ифодалаш мумкин: **«Гуноҳнинг эвази — ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масиҳ орқали бериладиган абадий ҳаётдир» (Рим. 6:23).**

Лекин нимага хоч қутқариш учун керак бўлди? Ҳақиқатдан ҳам у Масиҳийлик учун муҳимми? Хоч аслида нимага эришди? Ҳозир айнан хочнинг марказий жойи ва унинг маъноси ҳақида ўйлаб кўрамиз.

Хочнинг марказий ўрни

Исонинг ўлими гуноҳ учун қурбонлик эканини англаш учун, аввало Муқаддас Китобнинг энг асосий мактуби билан Эски Аҳдга қайтишимиз керак. Эски Аҳднинг дини бошдаёқ қурбонликларга

асосланган бўлган. Ҳобил ўз подасидан қўзиларни олиб келган. Худо Ҳобилни ва унинг қурбонлигини манзур кўрган вақтдан бошлаб, Худога ишонувчилар Худога қурбонлик келтиришни бошладилар. Одамлар Мусо қонунларидан анча олдин қурбонгоҳлар қуришган, ҳайвонларни ўлдиришган ва қон тўкишган. Бошида бу ўз ҳолича содир бўлган. Мусо қонуни бўйича Сион тоғида Худо одам билан Аҳд тузгандан кейин бу одат илоҳий амр бўйича тартибга келтирилган.

Эрамиздан аввалги VIII-VII асрлардаги буюк пайғамбарлар тузумга ва Худога ахлоқсиз тарзда сиғинишга қарши бўлганлар, лекин қурбонлик келтириш удуми милодий 70-йилларгача Маъбад бузилишига қадар давом этди. Ҳар бир яҳудийга тутатқи тутатиш одати, қурбонгоҳга кириш учун қурбонлик келтириш, қурбонлик ичимликлари ва ҳамма махсус воқеалар аниқ кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар бўйича, бу қурбонликлар қачон келтирилиши керак бўлгани маълум эди. Ҳар бир яҳудий ўқиш жараёнида асосий сабоқни, яъни «жонзотнинг жони унинг қони» эканлигини ва «тўкилган қон орқалигина гуноҳлар кечрилиши» ҳақида билишлари лозим эди. (Лев. 17:11; Ибр.9:22).

Эски Аҳднинг қурбонликлари Масиҳнинг қурбонлигини кўринарли рамзларда ифода этарди. Пайғамбарлар ва Забур хонишлари бунини сўзлар билан олдиндан айтиб ўтганлар. Биз уларни баъзи Забурларда айтилган, оқибатда Исога қаратилган, жазоланган, аммо айбсиз қурбон ҳолатида кўрамиз. Биз уни Закариё китобида суруви узоқ ерларга тарқалган севувчи чўпон сифатида ёки Дониёр китобида шоҳ

сифатида кўришимиз мумкин. Лекин ҳаммасидан ҳам биз Уни Ишаё башоратининг охирида Хизматкор Қўшиғида пайдо бўлган олийжаноб қиёфасида, Худонинг азобланувчи хизматкори, бошқаларнинг жинояти учун яраланган, қурбонликка юборилган кўзидек, рад этилган «азобланган инсон» сифатида топишимиз мумкин. У кўпчиликнинг гуноҳларини олган. Ҳақиқатдан ҳам Масих шундай азоб чекиши керак бўлган (Зак.13:7, Марк 14:27, Дон.9:25,26, Ишаё 53, Луқо 24:46).

Исо ерга келганда Унга қандай тақдир тайёрланганлигини биларди. У Калом ҳақида гувоҳлик қилганини ва уларнинг кутишлари айнан Унда бажо бўлишини тушунарди. Бу Унинг азоблари яқинлашганда ёрқин бўларди. Унинг хизматининг кескин бурилиши Филипп Қайсариясида Симун Бутрус Уни «Масих» деб атаганда содир бўлди, У ўз шогирдларига «Инсон Ўғли кўп азоб чекиши лозим, деб ўргата бошлади» (Марк 8:31).

Мана шу «лозим» бўлган нарса, Отанинг иродасини очиб, Калом Унга қўйган мажбурият, Унинг таълимотида ҳар доим юзага келади. У «чўмдирилиши керак бўлган» ва бу мажбуриятни ҳамма нарса бажо бўлмаганга қадар ўзида ҳис қилган. Хушхабарларда ҳали келмаган дейилган, У Ўзининг «вақт-соати» томонга чекинмай ҳаракат қиларди. Исо бу «вақт-соати» ҳақида Ўзининг ҳибсга олинишидан олдин, олдидаги хочни кўра олганда айтган: «Ота! Вақт-соати келди» (Юҳан.17:1).

Содир бўлиши керак бўлган ҳодисалар Уни ҳиссиётларга тўлдирди: **«Энди эса юрагим сиқилиб кетяпти. Нима ҳам дер эдим?! “Эй Ота, бу вақт–**

соатдан Мени сақла”, деб айта олармидим?! Мен шу вақт–соат учун келганман–ку! Эй Ота, Ўз номингни улуғлагин!» (Юҳан.12:27–28). Ҳибс вақти келганда, Симун Уни ҳимоя қилиш учун қилич чиқарганда, Исо унга танбеҳ берди: **«Қиличингни қинига солиб қўй! Наҳотки Мен осмондаги Отам берган азоб косасидан ичмасам?!»** (Юҳан.18:11). Матто Хушхабари бўйича Исо деди: **«Керак бўлганда эди, Мен Отамга илтижо қилган бўлардим. У Менга ўша заҳотиёқ ўн минглаб фаришталарини юборган бўларди. Шуни билмайсанми? Лекин бундай қилганимда эди, қандай қилиб Муқаддас битиклар амалга ошарди? Ахир, буларнинг ҳаммаси содир бўлиши керак–ку!»** (Мат.26:53,54)

Эски Аҳдда башорат қилинган хочнинг улуғ маъноси, Янги Аҳд муаллифлари томонидан тўлиқ тан олинади. Тўрттала хушхабарчи ҳам Масихнинг сўнгги ҳафтадаги ҳаёти ва ўлими ҳақида урғу бериб ёзишади. Биринчи Хушхабарнинг бешдан икки қисми, иккинчи Хушхабарнинг бешдан уч қисми, учинчи Хушхабарнинг уч қисми ва тўртинчи Хушхабарнинг деярли ярим қисми Исонинг Қуддусга тантанали раи вишда кириши ва осмонга тантанали равишда кўтарилиши орасидаги ҳодисаларни ёзиб ўтишга бағишланган. Бу айниқса баъзан иккита тенг қисмга бўлинадиган «Аломатлар Китоби» ва «Худо азоблари Китоби» деб номланадиган Юҳанно Хушхабарида ҳайратга солади.

Хушхабарларда назарда тутилганларнинг бари мактубларда очиқ тасдиқланади, айниқса ҳаворий Павлус мактубларида. Бу ҳаворий китобхонларга хоч ҳақида эслатиб туришда ҳеч қачон чарчамаган.

Унинг ўзида у учун ўлган Нажоткор олдида кучли қарз туйғуси бўлган. Худо Ўғли «мени севиб, Ўзини мен учун фидо қилган», шунинг учун **«Мен Раббимиз Исо Масиҳнинг хочидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман»** (Гал. 2:20, 6:14).

Юнон фалсафасининг нозиклигидан чигаллашиб қолиш хавфи остида бўлган коринфликларга, ҳаворий Павлус шундай ёзади: **«Мана, яҳудийлар мўъжизалар талаб қиладилар, юнонлар эса донолик пайида юрадилар. Биз эса фақат хочга михланган Масиҳ ҳақидаги хабарни ёймоқдамиз. Бу хабар яҳудийлар учун ҳақорат бўлса, ғайрияҳудийлар учун телбаликдир»** (1 Кор. 1:22–23). Павлус ўзининг иккинчи сафарида илк бор Афинадан Коринфга келганда, қуйидагича эълон қилган эди: **«Орангизда бўлганимда, Исо Масиҳ ва Унинг хочга михланганидан бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмасликка қарор қилдим»** (1 Кор. 2:2) ва яна **«Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот қуйидагичадир: Муқаддас битикларга мувофиқ, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди»** (1 Кор. 15:3–4).

Хочга эътиборни қаратиш Янги Аҳднинг бошқа китобларида ҳам кўринади. Кейинроқ биз Бутрус бу ҳақида нима ўйлаганини ва ёзганини кўрамиз. Ибронийлар мактубда Масиҳ **«мана шу охириги замонда одамларнинг гуноҳларини ювиш учун бир мартагина оламга келиб, Ўзини қурбон қилди»** деган тўғридан тўғри тасдиқ бор (Ибр.9:26). Лекин биз ажойиб ва сирли Ваҳий китобига етганимиз-

да, бизга Исонинг самодаги улуғланган қиёфаси нафақат Яҳудий қабиласидан чиққан шер, шунингдек «қурбонлик қўзиси» сифатида намоён бўлади. (Вах.5:5–6) ва Унга мадҳлар айтаётган саноксиз муқаддаслар ва фаришталарни эшитамиз: **«Бўғизланган Қўзи ҳамдларга лойиқдир! Кучу давлат, донолигу қудрат Соҳибига шон-шарафлар бўлсин!»** (Вах.5:12).

Демак, Ибтидонинг биринчи бобидан бошлаб, Ваҳийнинг охиргача бўлган бобини айрим ёзувчилар «қизил ип» деб аташини кузатишимиз мумкин. Бу **Ариаднанинг ипига** ўхшайди. Биз ипнинг шарофати ила Каломнинг лабиринтидан ўта оламиз. Масиҳий жамоатлари, Муқаддас Китоб хочнинг асосий маъносини ўргатишни тан оладилар. Хоч бизнинг имонимизнинг рамзи. Хочсиз масиҳийлик мавжуд эмас. Лекин нима учун? Хочнинг маъноси нима?

Хочнинг маъноси

Мен Масиҳ ўлимининг маъносини, бу ерда кўп нарсалар сирлигича қолишини тан олмасдан, очиб беролмайман. Хоч — бу тарихнинг туб моҳияти деб ишонишади масиҳийлар. Бизнинг кичкинагина онгимиз буни тўлалигича тушунмаслиги ажабланарли эмас. Бир кун келиб, ҳамма пардалар йўқ бўлади ва барча жумбоқлар очилади. Биз Масиҳни қандай бўлса, шундайлигича кўра оламиз ва У қилган ишлари учун Уни абадий улуғлаймиз. **«...Биз ҳозир хира ойна орқали кўргандай бўляпмиз, аммо вақти келганда аниқ кўрамиз. Ҳозирги билганларим тўлиқ эмас. Ўша пайтда эса Худо мени тўлиқ билгани каби мен**

ҳам ҳамма нарсани тўлиқ тушунаман» (1 Кор. 13:12). Буни ҳаворий Павлус буюк қобилияти ва ваҳийлари билан айтган. Агар у шундай деган бўлса, бу бизга қанчалик даражада тегишли?

Мен Симун Бутрус ўзининг биринчи мактубида Исонинг ўлими ҳақида ёзгани билан чегараланаман. Бунинг учун менда учта сабаб бор. Биринчи сабаби, Бутрус ўзаро яқин бўлишган учта ҳаворийдан бири бўлганлиги; ўн икки шогирднинг фақат учтаси — Бутрус, Ёқуб ва Юҳанно Исо билан энг яқин дўст бўлишган. Шунинг учун Бутрус ҳам Исо Ўз ўлими ҳақида ўйлаганини ва гапирганини бошқалардек тушунган. Унинг биринчи мактубида биз Исо таълимотининг бир неча аниқ хотираларини кўрамиз.

Иккинчидан, мен Бутруснинг мактубига ишонч билан мурожаат қиламан, чунки бошида унинг ўзи ҳам Масих азобининг зарурлигини катта хохишсиз қабул қилган. У биринчи бўлиб Масихни тан олган, лекин шунингдек, у биринчи бўлиб Масих ўлимининг зарурлигини рад қилган. Биринчи бўлиб «Сен Масихсан» деб эълон қилган инсон, «Йўқ, Раббим!» деб ҳайқирди. Шунда Исо: «Масих азоб чекади», деб ўргатишни бошлаган. Исо хизматининг охирги кунларида Бутрус ўлиши керак бўлган Исонинг фикрига душманликни сақлаган. У Исони боғда ҳимоя қилмоқчи бўлган, лекин ҳибс аниқ амалга ошгач, у Исонинг ортидан масофа ушлаб юрарди. У билмаган ҳолда ҳовлида Ундан уч марта тонган, лекин унинг кўз ёшлари нафақат тавба қилиш, балки афсусланиш ёшлари ҳам бўлган. Фақатгина тирилишдан кейин Исо ҳаворийларга Каломдан: **«Масих улуғланишидан олдин бу азобларни бошдан кечи-**

риши керак эди-ку!», деб ўқитаётганда (Луқо 24:26), Симун Бутрус, ниҳоят, тушунишни ва ишонишни бошлади.

Бир неча ҳафтадан кейин эса, у ҳақиқатни ўта қаттиқ ушлаган эди ва Маъбаддаги оломонга қараб: **«Худо пайғамбарларнинг оғзи билан ... Масих азоб чекади, деб олдиндан айтган...»** дейди. Бутруснинг биринчи мактуби эса «Масихнинг азоблари ва шуҳрати» ҳақида бир неча эслатмалардан иборат. Балки бошида биз хоҳламайгина хочнинг кераклигини қабул қиламиз ва унинг маъносини шу заҳотиёқ тушуна олмаймиз, лекин буни бизга ўргата оладиган ёки уқтира оладиган одам бўлса ҳам, бу — Симун Бутрусдир.

Учинчидан, Бутрус ўзининг биринчи мактубида хоч ҳақида эслатади. Агар у Масихнинг ўлими кераклиги ҳақидаги хулосаларни атайлаб чиқарганида эди, биз: бу ерда қандайдир ишқал бор, деб ўйлар эдик. Лекин унинг ўхшатишлари назарий феъл-атвордан кўра ахлоқий феъл-атворга эга. У фақатгина ўзининг китобхонларини масихийча ҳаёт тарзида яшаш кераклигига чақиради ва азобларни сабр-тоқат билан ўтказди, кейин эса уларни илҳомлантириш учун хоч ҳақида эслатади.

Масих бизга намуна қолдириб, ўлди

Бу мактуб ортида таъқиб қилиш турибди. Маълумки, император Нерон масихийлар жамоатига душманларча қарарди ва кўпчилик масихийларнинг юраклари қўрқувга чидай олмасди. Аллақачон зўравонликнинг бир нечта зарбалари бўлган. Даҳшатли вақтлар келаётгандек туюларди.

Бутрус бераётган маслаҳат, тўғридан тўғридир (1 Бут.2:18–25). Агар мажусий-хўжайинлар масиҳий-қулларга ёмон муносабатда бўлишса, қулларга буни нолойиқ жазо, деб эслатиш лозим. Қилинган айб уларга обрў келтирмайди. Ундан кўра солиҳлик учун азоб чекиш ва Масиҳ номи учун ҳар қандай танқидни хурсандчилик билан қабул қилиш яхшироқдир. Улар қаршилиқ қилмасликлари керак ва ҳаттоки қасд ҳам қилмасликлари керак. Улар бўйсунмишлари керак. Худо адолатсиз азобларни сабрлик билан ўтказишни қўллаб қувватлади. Шунда Бутруснинг фикрлари хочга бориб тақалади. Нолойиқ азоблар –бу, масиҳий ҳаётнинг бир қисмидир, деб тасдиқлайди Бутрус, чунки «Масиҳ бизга намуна бўлиб азоб чекди, шунинг учун биз Унинг изидан юрайлик». У бегуноҳ ва айбсиз эди. Шунга қарамасдан Уни ҳақорат қилганларида, У қасос олмади. Азоб пайтида У пўписа қилмаган.

Масиҳ шундайгина Ўзини топширди ёки Каломнинг айтишича, Ўзига азоб берувчиларини, бутун инсониятни адолатли Ҳукм қилувчининг қўлларига топширган.

Масиҳ бизга намуна қолдирди. Бутрус Янги Аҳдда бир мартагина ишлатган бу юнон сўзи «ўқувчи ёзишни ўрганаётган пайтда қарайдиган ўқитувчининг дафтари»ни билдиради. Бу дафтарда одатда ҳарфлар мукамал ёзилган, ҳусни-хат эса жуда чиройли бўлар эди. Шунинг учун биз масиҳий муҳаббатининг алифбосини ёзишни ўрганганимизда, биз ҳаётимизни Исонинг ҳаёт тарзидек ўтказишимиз керак. Биз «Унинг изларидан юришимиз» керак. Бу феъл Бутруснинг қалами остида яққол ёзилган. Бутрус Исонинг изидан эргашиш учун қамоққа бориш-

га ва ўлимга шай экани билан мақтанган, аслида эса Ундан ҳам «узоққа кетди». Фақатгина Жалила дарёсида Исо Бутрусни унга таниш бўлган сўзлар билан: «Менга эргаши!» деб чақирди. Шундай қилиб, Бутрус ўзининг китобхонларини янаям бўйсуниб, Раббийнинг изларидан бирга боришга ҳаракат қилиш учун чақирди.

Йигирманчи асрда ҳам хоч худди шундай чақирув беради ҳамда биринчи асрдагидек, ўзимизни ноқулай ҳис қилишга мажбур қилади ва ўша пайтда муҳим бўлганидек, у ҳозир ҳам муҳимдир. Эҳтимол, бизнинг шахсий туйғуларимизга қарши чиқмаслик буйруғидан, адолатсиз азобларга чидаш ва ёвузликни яхшилик билан енгилдан тескари нарсга йўқдир. Шундай бўлса-да, хоч калтакланишни қабул қилишга, душманларимизни севишга ва охирги сўзни Худога қолдиришга чақиради.

Бироқ Исонинг ўлими, илҳомлантирувчи намунадан ҳам буюкроқдир. Агар у шундай бўлмаганида эди, Хушхабарнинг кўпгина ҳикояларини тушунтириб бўлмас эди. Масалан, Исо Ўз ҳаётини одамлар учун тўлов сифатида беришини ва қон тўкишини, бу қонни У гуноҳларни кечирувчи «Аҳд Қони» деб айтгани гайриоддий сўзлардир (Марк 19:45; Мат.26:28).

Аслида гуноҳни ювиш намунаси мавжуд эмас. Оддий ибрат ёки ўрнак гуноҳни кечиришга кафолат бера олмайди. Бунинг устига, нега Исо хочга яқинлашиши биланоқ Уни оғир ва тинкани қуритувчи ҳислар олдиндан чулғаб олди? Боғдаги даҳшатли жон талвасасини, Унинг кўз ёшлари ва нолаларини, баданидан қонли тер оқишини қандай тушунтириш мумкин? **«Эй Отам, агар иложи бўлса, бу азоб косаси**

Мени четлаб ўтсин. Аммо Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин» (Мат.26:39). Ва яна: **«Эй Отам! Агар бу азоб косасидан қутулишимнинг иложи бўлмаса, майли, Мен ўша косадан ичман. Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин»** (Мат.26:42). У қўрққан ўша коса хочдаги ўлимнинг рамзи бўлганмиди? У оғриқ ва ўлимдан ўшанда чўчиганмиди? Агар шундай бўлса, у ҳолда Унинг намунаси эҳтимол бардош ва бўйсунишга ўқитар, аммо буни дадиллик намунаси деб аташ мумкинлиги эҳтимолдан узоқ. Афлотуннинг айтишича, Афина қамоқхонасида бўлган Сукрот ўз косасидагини «шайлик ва тетиклик билан» ичган. Бундан чиқди, Сукрот Исодан ботирроқ эканда? Ёки бўлмаса, уларнинг косаси бошқа-бошқа захару-зуққум билан тўлдирилганмиди? Унда зулмат ва тарк этилган Исонинг товуши, Маъбаддаги Энг муқаддас хонага кираверишдаги дарпарданинг баланддан пастигача йиртилиб кетгани нимани англатади? Агар Исо бизга ўрнак бўлиш учунгина ўлган бўлса, буларнинг барини тушунтириб бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам бу ўрнак кам ибрат бўладигандек туюлади.

Агар Исонинг ўлими шунчаки ўрнак бўлганда эди, Инжил фақатгина сирли бўлиб қолмасди, балки бизнинг инсоний эҳтиёжларимиз ҳам қониқиш ҳосил қилмаган бўларди. Бизга ўрнакдан ҳам кўра кўпроқ бошқа нарса керак: бизга Қутқарувчи зарур. Ўрнак бўлиш хаёлни жумбушга келтиради, бизда **идеализмни** алангалатади ва қатъийликни мустаҳкамлайди, аммо бизни ўтмишдаги гуноҳнинг иллатидан тозалай олмайди, нотинч виждонга осойишталик олиб кела олмайди ёки Худо билан яраштира олмайди.

Ҳар қандай ҳолатда, ҳаворийлар бу масалада бизда ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Улар доимо Масиҳнинг келишини ва Унинг ўлимини бизнинг гуноҳларимиз билан боғлашади.

Муқаддас битикларга мувофиқ, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган.

1 Кор.15:3

Масиҳ бизни гуноҳларимиздан то абад фориғ қилиш учун азоб чекканини ёдингизда тутинглар. У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога яқинлаштириш учун жонини фидо қилди.

1 Бут.3:18

Масиҳ эса гуноҳларимизни ювиш учун келганини биласизлар. Унда гуноҳ йўқлиги ўзингизга аён.

1 Юҳ.3:5

Ушбу уч буюк муаллиф, Янги Аҳд ҳаворийлари — Павлус, Бутрус ва Юҳанно Исонинг ўлимини бизнинг гуноҳларимизга яқдиллик билан боғловчилардир.

Масиҳ бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олиб ўлди

Бизнинг гуноҳларимиз ва Исонинг ўлими орасидаги муносабатни тасвирлаб, ўз мактубида Бутрус: «Исо бизнинг гуноҳларимизни олиб ўлди», дея ёзади. «У хочда гуноҳларимизни Ўз баданига сингдирди». «Гуноҳни олиш» ибораси бизга одатдагидан бошқача, ғайриоддий бўлиб кўринади ва биз уни тушунмоқ учун Эски Аҳдга қайтишимиз мақбул бўлади. Қаердаки Худодан берилган қонуннинг биронтасини кимда ким бузса, ўзининг қонунсизлигини келтиради ёки бўлмаса «ўз гуноҳини олиб келиши» ҳақида такрор ва такрор гапириладиган Левилар ва Саҳрода китобларида ушбу фикр тез-тез учраб туради.

Мисол учун, **«Агар бирортангиз Эгамизнинг амрига кўра, тақиқланган бирор ишни билмасдан қилиб қўйиб, гуноҳ орттириб олсангиз, қилган ишингизни англаганингиздан кейин жазога лойиқ ҳисобланасиз»** (Лев. 5:17). Бу ибора фақатгина бир нарсани англатиши мумкин: гуноҳ «орттирмоқ» — гуноҳнинг оқибатидан озор чекиш, унинг эвазига жазо олиш демакдир.

Бироқ баъзида бошқа биров гуноҳкор учун мажбурийат олиши мумкинлиги ҳам тахмин қилинади. Қасамнинг мавжудлиги ҳақида сўзловчи Саҳрода китобининг 30–бобида эркак ва бева аёл томонидан берилган қасам амалга ошишини Мусо тушунтиради. Шунга қарамай, эрга тегмаган қиз ёки эрга теккан аёл томонидан берилган қасам ёки ваъда унинг отаси ёки эри томонидан мувофиқ равишда тасдиқланиши керак. Агар эркак аёл бераётган қасамни эшитса ва ўзини тутиб жим турса, кейин бу онт аҳмоқона ва амалга ошмас бўлиб чиқса, у ҳолда ёзилганки: «ўша эркак у аёлнинг гуноҳини олади». Яна бир мисолни Еремиё марсиясининг охирида учратамиз: **«бизнинг оталаримиз гуноҳ қилдилар: улар энди йўқ, биз эса уларнинг қонунсизликлари эвазига жазо олмоқдамиз»** дея йиғлашарди исроилликлар Қуддуснинг вайрон бўлишидан кейин (5:7).

Бошқа кимдир гуноҳларимиз учун жавобгарлик олиб, жазо олиш имкони ҳақида Мусонинг қонунига мувофиқ талаб этилган қурбонликларида кўринади. Худо бизга гуноҳ учун қурбонлик қилишни «жамиятни гуноҳдан тозалаш ва уларни Худо олдида поклаш» учун берган (Лев. 10:17).

Шунга ўхшаб, ҳар йили Покланиш Кунига Ҳорунга таканинг бошига қўлини қўйиб, Исроил халқининг ҳамма ноҳақликларини, ҳамма итоатсизликларини ва ҳамма гуноҳларини бирма–бир эътироф этиб, таканинг бошига юклаб, такани чўлга ҳайдаб юбориши ке-

рак эди. Кейин эса биз қуйидагиларни ўқиймиз: **«така ўзи билан халқнинг гуноҳларини кимсасиз жойга олиб кетади»** (Лев. 16:21–22). Бу ердан шу нарса маълум бўладики, кимнингдир «гуноҳини ўзи билан олиб кетиш» гуноҳқорнинг ўрнига бошқасини шу гуноҳ эвазига жазолашни билдиради. Аммо шунга қарамасдан, биз Ибронийларга мактубида бир нарсани ўқиймиз, унда **«буқа ва такаларнинг қони гуноҳларни бартараф қилолмайди»** дейилади (Ибр.10:4).

Демак, Ишаё китобининг 53-бобида (Масихни билдирувчи) «бегуноҳ жафокаш» қурбон бўлувчи сўзлар билан тасвирланган. У «қурбонликка етакланган қўзидай» эди, чунки У «оғзини очмади, лом лим демади», чунки «Худованд барчамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади». Бундан маълумки Унинг Руҳи «гуноҳ эвазига қурбонлик» бўлди. Биз барчамиз «қўйдай адашиб» юрардик, лекин У ҳам қўзи каби «гуноҳларимиз учун жароҳатланган ва қонунсизлигимиз учун азият чеккан эди. Бизнинг дунёмиз жазоси Унда эди ва Унинг яраси орқали биз шифо топдик». Шу тарзда, бу ерда бу ўрин алмашишнинг яққол ғояси, «халқимнинг гуноҳлари учун ҳукмга бардош берувчи» сифатида тасвирланиши биз Левилар китобида танишган икки иборага яна бир карра жам бўлади: У «гуноҳларни ўзи билан олиб кетади» ва «У кўпларнинг гуноҳларини ўзи билан олиб кетди». Ахийри, узоқ асрлик тайёргарликдан сўнг Исо Масих келганда, Чўмдирувчи Яхё барчанинг олдида Уни ажойиб сўзлар билан қарши олди: «Мана дунёнинг гуноҳини олиб кетувчи — Худованднинг қўзичоғи».

Шу тарзда, Янги Аҳд китоби муаллифлари Исонинг ўлимини «энг сўнгги қурбонлик» дея ҳеч иккиланмасдан тан оладилар. Бу ҳақиқат Ибронийларга мактуб китобининг асосий қисми бўлиб саналади. Эски қурбонликлар буқа ва такаларни қурбонлик қилишдан иборат эди. Исо ўзини қурбон қилди. Эски қурбонликлар чек-

сиз давом этарди. Исо Масиҳ бир марта ҳаммамиз учун қурбон бўлди. У «кўпларнинг гуноҳини олиш учун бир марта қурбон бўлди».

Охирги жумла бизни Бутруснинг иборасига ета-клайди: «У хочда гуноҳларимизни ўз баданига сингдир-ди». Худованд Ўғли Ўзини одамларнинг гуноҳлари билан тенглаштирди. У нафақат Ўзига бизнинг табиатимизни юклади, балки У бизнинг қонунсизлигимизни ҳам Ўзи-га олди. Павлус таъкидлайдики, Худо бизни гуноҳда ай-блашдан ва гуноҳни қўшиб ҳисоблашдан бош тортди. У биз ҳақимизда Эски Аҳдда ёзилганидек «ўз гуноҳлари-мизни кўтариб кетишни» раво кўрмади. Худо нима қил-ди? «Гуноҳни билмай туриб, биз У орқали Худо олдида солиҳ бўлишимиз учун гуноҳ эвазига қурбонлик қил-ди». Исо Масиҳнинг Ўзи гуноҳсиз эди; У хочда бизнинг гуноҳларимиз туфайли гуноҳкорга айланди. Биз хочга назар ташласак, бу сўзлар қандай даҳшатли маънога эга эканлигини тушуна бошлаймиз.

Пешинда «ер юзини зулмат қоплади» ва Исо ўлма-гунча уч соат давом этди. Зулмат билан бирга сукунат чўмди, ўшанда «нуқсонсиз Қўзи» бошидан кечирган жон талвасасини ҳеч қандай кўз кўрмаслиги, ҳеч қан-дай оғиз гапирмаслиги зарур эди. Одамзод ўтмишида йиғилган барча гуноҳлар Унга юкланган эди. У гуноҳни Ўз танасида ихтиёрий равишда олиб кетди. У гуноҳни Ўзиники қилиб олди. У Ўз елкасига одамлар учун барча мажбуриятларни олди. Ва ёлғиз қолганда, руҳий хўр-ланганда, Унинг оғзидан товуш келди: **«Худойим! Нега Мени тарк этдинг?»** Бу 21-Забурнинг биринчи мисра-си эди. Шубҳасизки, Исо жон талвасаси давомида Ма-сиҳнинг шуҳрати ва озор чекиши тўғрисидаги Санолар китобидаги битиклар ҳақида фикр юритди. Нимага У бу мисралардан лавҳа келтирди? Нима учун айнан ўшани, зафарли хотима мисраларини ёки «Худодан

кўрққанлар! Уни шарафланглар!», «Худода Шоҳлик бор» деган мисраларини эмас?

Бу инсоний заифлик қичқирғими ёки умидсизлик ё бўлмаса Худо Ўғли бор-йўғи тасаввурига эркинлик берганми? Йўқ. Ушбу сўзларнинг тўла маъносини кўриб чиқиш даркор. Исо бошқалар каби битиклардан парча келтирди, чунки буни У Ўзи бажараётганига ишонарди. У Ўзига бизнинг гуноҳларимизни олди. Бизнинг гуноҳларимиз Ота ва Ўғил орасида бўлди. Доим абадий Ота билан бирга бўлган ва ердаги Ўз ҳаётида У билан ҳеч алоқани узмаган Исо Масих, шу тариқа бир онда тарк этилди. Бизнинг гуноҳларимиз Исони дўзахга бошлади. У Худодан йироқ бўлган жон азобини тотиб кўрди. Бизнинг гуноҳларимизни ўзига олиб, У бизнинг қурбонимиз бўлди. Бизнинг ўрнимизга У Худодан йироқлашиш жазосини бошидан кечирди. Кейин дарҳол, бу ташқи зулматдан чиқиб, ғолибона хитоб қилди: **«Бажо бўлди!»** ва охири: **«Ота! Сенинг қўлингга Рухимни бераман!»** дея жон берди. У амалга оширмақ учун келган иш поёнига етди. У қўлга киритиши керак бўлган Қутқаришга эришди. Дунёнинг гуноҳлари тозаланди. Қутқарувчига ишонган ва Масихни ўз Қутқарувчиси деб билган ҳар бир киши Худо билан ярашиш имконига эга бўлди. Зудлик билан ҳаммага бу ҳақиқатни кўрсатиш учун Худованднинг кўринмас қўллари Маъбаддаги дарпардани йиртиб, отиб юборди. У энди керак бўлмай қолган эди. Худонинг Муқаддас мавжудлигига ғов бўладиган бошқа ҳеч нима қолмади. Исо «барча имонлиларга Само йўлини очди». Ўттиз соатдан кейин У беҳудага ўлмаганини исботлаш учун ўликдан тирилди.

Гуноҳларимизни Худо Ўғли олганлиги тўғрисидаги оддий ва ажойиб воқеа ҳозир машҳур эмас. Исо бошқаларнинг гуноҳи ва жазосини Ўзига олиши шартлигини ҳозирги кунда ахлоққа зид, адолатсиз ёки

беҳуда деб қаралади. Бутрус айтганидек, биз гуноҳдан воз кечиб, солиҳона ҳаёт кечиришимиз, «руҳимизнинг Қўриқчиси ва Чўпонига» қайтишимиз даркор. Бундан ташқари, буларнинг ҳаммаси Худодан эканлигини ва Унинг чексиз мурувватидан келиб чиқишини биз нунутмаймиз.

Исо бизга қутқарилишни Худодан мажбуран олиб бермоқда, деб ўйламаслик керак. Ташаббус Худонинг Ўзига тегишли эди.

Биринчидан, Исо гуноҳларимизни «хочда олиб кетди». Шубҳасиз, Ҳаворийлар фаолияти китобида Бутрус илк воизлигида атайлаб бу сўзни ишлатган. Мисол учун, у шундай деб айтган: **«Худовандимиз сизлар ўлдирган хочга осилган Исони тирилтирди»** (Ҳав.5:30). Яҳудийлар осонгина тушундиларки, Бутрус Қонунлар китобининг 21-боби ҳақида гапираётган эди. У ерда «Ёғочда осилганларга лаънатлар бўлсин» деб ёзилган эди. Исонинг ҳаёти хочда (яҳудийлар хочга михлашни ёғочга осишга тенглаштирганлар) тугаллангани тўғрисидаги далил Унда илоҳий лаънат бор, деганини билдирар эди.

Бу фикрга қарши чиқиш ўрнига ҳаворийлар уни қабул қилдилар. Павлус эса Галатияликларга мактубнинг учинчи бўлимида тушунтирди. Қонунлар китобида, шунингдек **«Қонун китобидаги амрларнинг ҳаммасини тўлиқ бажармаганлар лаънат остидадир!»** деб ёзилган. Лекин давом этиб: **«Масиҳ эса бизни қонун лаънатидан халос қилди. У хочга михланганда бизнинг ўрнимизга лаънатланди. Ахир, Муқаддас битикларда: “Ёғочга қоқилган ҳар бир киши лаънатидир”, деб ёзилган–ку!»** дейди. Демак ушбу парчадаги мисраларнинг мазмуни равшан ва қатъийдир. У қуйидагича: жиноятчи бузган Қонуннинг адолатли лаънати хочда Исога ўтди. Исо бу лаънатни Ўзига олиб, бизни озод қилди.

1 Бутрус 2

У ҳеч қандай гуноҳ
килмади. Унинг
лабларида ҳеч бир ёлғон
йўқ эди

У ҳақида ёмон
гапирганлар

У бизнинг
гуноҳларимизни ўзига
олди

Унинг жароҳатлари
туфайли сизлар шифо
топдингиз

Сизлар адашган
қўйлардай эдингиз

Ишаё 53

У гуноҳ қилмаган. Унинг
оғзида ёлғон йўқ эди

Ундан нафратланганлар.
Одамлар олдида Уни
пастга урганлар

У қўпларнинг гуноҳини
Ўзига олди

Унинг жароҳатлари
туфайли биз шифо
топдик

Ҳаммамиз қўйлардай
адашган эдик

Иккинчидан, Бутруснинг биринчи мактубидаги ушбу парча Ишаёнинг 53–бобидаги камида бешта парчага алоқаси бор.

Биз, бу боб бошқалар гуноҳи учун фидойи ўлимидан жафо чеккан бегуноҳ жафокашни тасвирлашни кўрган эдик. Сўзсиз, Исонинг Ўзи Ўз топшириғи ва ўлими ҳақида тушунарди. Унинг шогирдлари ҳам буни англаб етдилар. Масалан, эфиопиялик амалдор аравада ўтирганича, Ишаё пайғамбар китобини ўқиётганда: «пайғамбар бу гапларни ким тўғрисида айтди», дея Филипдан сўради. Филип ўша заҳоти Исо ҳақидаги Хушхабарни амалдорга сўзлаб берди (Ҳав. 8:26–35).

Учинчидан, Бутруснинг мактубида биз иккинчи бобда унинг сўзларини тўғри тушунганимизни тас-

диқловчи хоч ҳақида бошқа эслатмалар ҳам бор. У ўқувчиларни «пок ва тоза қўзичоқдай Исонинг қимматбаҳо қони билан» покланган ва ҳаттоки Унинг қони билан «пуркалган» деб тасвирлайди (1 Бут. 1:2,18,19).

Икки ибора ҳам бизни Чиқиш давридаги даслабки физих қурбонлигига тегишли қилиб кўрсатади. Ҳар бир яҳудий оиласи қўзичоқни олиб, уни сўйиб ва унинг қони билан уйнинг устки, ўнг ва сўл ёндорларига сепишган. Фақат шу тариқа улар Худо ҳукмидан қутулганлар ва шундай қилиб улар миср қуллигидан қочганлар. Бутрус дадиллик билан Фисихнинг рамзларини Исога тенглаштирди. (Павлус ҳам шундай йўл тутади: «Исо бизнинг Фисих қўзичоғимиздир, У қурбон бўлди»). Унинг қони оқди ва бизни Худо ҳукмидан ва гуноҳдан қутқарди. Агар биз ундан фойда олмоқчи бўлсак, бу қон бизнинг юрагимизга пуркалиши керак. Бу ҳар биримизда шахсан рўй бериши керак.

Хочнинг яна бир эслатмасини биз Бутруснинг биринчи мактуби 3:18 да топамиз: **«У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога яқинлаштириш учун жонини фидо қилди»**. Гуноҳ бизни Худодан айирди; лекин Исо бизни яна Худога қайтаришни истади. Шунинг учун, У бизнинг гуноҳларимиз учун озор чекди. У Бегуноҳ Қутқарувчи, У гуноҳкорлар учун ўлганди.

Исо хочининг мактуби бизнинг кунларда ҳам, Павлус давридагидек, донишманлар учун жиннилик, ўзига ишонганлар учун қоя бўлиб қолмоқда. Шундай бўлсада, у миллионлаб одамларнинг виждонига тинчлик келтирди. Ричард Хукер 1585 йилда ўз ваъзида шундай деган:

Майли, буни ғазаб, ақлсизлик, бефаҳмлик деб атай қолишсин. Бу бизнинг донолигимиз ва таскинимиздир; бизга, одам гуноҳ қилди, Худо азоб чекди, деган билимдан бошқа ҳеч қандай билимнинг кераги йўқ. Худо ўзига одам гуноҳини олди ва зеро одамлар Худонинг солиҳлиги туфайли яратилганлар.

Ҳар бир Масиҳий бу сўзларни такрорлай олади. Шифо — унинг жароҳатлари, ҳаёт — Унинг ўлими, Кечирим — Унинг оғриқлари ва нажот — Унинг азоблари орқали келган.



МАСИХНИНГ НАЖОТИ



«Нажот» бу ажойиб, катта маъноли сўз. «Кечириш» сўзи унга маънодош, деб ҳисоблаш катта хато бўлади. Худо учун бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва келажагимиз каби муҳимдир. Унинг режасига энг аввало бизларни Ўзига яқинлаштириш, кейин эса ўзимизга қаратилган эътибордан аста-секинлик билан озод қилиб, Худо ва одамлар орасидаги муносабатларни йўлга қўйиш киради. Муҳими шундаки, биз Масиҳнинг ўлими орқали кечирилганлигимиз ва мурсага келганлигимиз учун Ундан миннатдор бўлишимиз лозим. Унинг Муқаддас Руҳи орқали биз ўзлигимиздан халос бўлишимиз мумкин ва фақатгина унинг жамоатида бир-биримизга севги орқали бирлашишимиз мумкин. Масиҳнинг мана шунақанги қутқариш қирраларини ҳозир кўриб чиқишимиз керак.

Масиҳнинг Руҳи

Ўз гуноҳларимизни бир талай ўзаро боғланмаган ҳодисалар деб эмас, балки уларни ички маънавий

касаллик, деб билишимиз кераклигини кўриб чиққан эдик.

Уни кўрсатиш учун Исо бир неча маротаба дарахт ва меваларни таққослашни ишлатган эди. У меванинг қандай бўлишини қайси дарахтда ўсганига боғлиқ эканлиги ҳақида ўргатган. **«Ҳар бир яхши дарахт яхши мева беради, ёмон дарахт эса ёмон мева беради. Яхши дарахт ёмон мева беролмайди, ёмон дарахт ҳам яхши мева беролмайди»** (Мат.7:17–18)

Масиҳ айтганидек, бизнинг гуноҳларимиз ичимиздан, яъни «юрагимиздан» келиб чиқади. Шунинг учун ахлоқнинг ҳар бир яхшиликка ўзгариши табиатга боғлиқдир. Масиҳ шундай деган: «Дарахтни парваришласанг меваси яхши бўлади».

Аммо инсоннинг табиатини ўзгартириш мумкинми? Вайсақини мулойим, ғурурлини ювош, ёки худбинни ғамхўр инсонга айлантириш мумкинми? Исо Масиҳ Худованднинг олдида фақатгина бизнинг ҳолатимизни ўзгартиришни эмас, балки ўзлигимизни, табиатимизни ҳам ўзгартиришимизни таклиф қилади. У Никодимга янгидан туғилиш зарурлигини ва Унинг сўзлари бизлар учун тўғри эканлиги тўғрисида айтган эди: **«Сизга чинини айтай: қайтадан туғилмаган биронта одам Худонинг Шоҳлигини кўролмайди... “Сизлар қайтадан туғилишингиз керак” деганимга таажжубланманг»**. (Юҳан.3:3,7)

Павлуснинг фикри эса жиддий туюлади, чунки у шундай гапни айтган: **«Бинобарин, ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир»** (2 Кор. 5:17). Демак, бу ерда Янги Аҳдда айтилган ана шу имкон мавжуд, яъни янги юрак, янги табиат, янги туғилиш, янги инсон. Буюк ички ўзгаришлар — Муқаддас Рух-

нинг ишидир. Янги туғилиш демак «юқоридан» туғилиш дегани. Қайтадан туғилиш дегани эса «Рухдан (Рухан) туғилишдир. Сирли Учлик ҳақида бу ерда муҳокама қилишдан фойда йўқ. Мақсадга етиш учун ҳаворийлар Муқаддас Рух ҳақида нима деб ёзганларини етарли бўлади, чунки улар бошидан кечирганларини ўз ваъзларида ёритишар эди. Аммо Муқаддас Рух Ўзининг мавжудлигини ёки фаолиятини Ҳосил байрами даврида бошламаганини билиб олишимиз лозим. У — Худодир. Шунинг учун У абадийдир ва дунё пайдо бўлганидан Ўз фаолиятини юритган. Эски Аҳдда У ҳақда жуда кўп ёзилган. Муқаддас Рухнинг фаолияти ўсиши ва кенгайишини, Худо Муқаддас Рухни ўз халқига беришини ва шундай қилиб Унга ўз қонунини бажаришга имкон беришини ўша пайтдан интиқиб кутганлар.

Эски Аҳд пайғамбарларининг башоратларини Масих энг яқин келажакда содир бўлишини айтди. Ўз ўлимидан олдин У Ҳаворийлар билан кичик хонада қолиб, Унинг ўрнини оладиган «Ҳақиқат Рухи» Юпатувчи тўғрисида гапирди: **«Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сизлар учун яхшироқдир. Агар Мен кетмасам, Ҳомий келмайди»** (Юҳан.16:7). Афзаллик кўпинча шундай эди: Масих улар билан ёнма-ён эди, **«У эса ...ичингизда яшайди»** (Юҳан.14:17).

Қандайдир маънода биз Масихнинг мураббийга оид хизмати рўёбга чиқмади, десак бўлар эди. Бир неча маротаба У Ўзининг шогирдларини болалар каби бўлишга чақирган, аммо Шимўн Бутрус ғурурли ва манманлигича қолди. У тез-тез бир-бирларини севишни буюрар эди. Лекин Юҳанно ҳам бекорга «Мо-

моқалди роқ ўғли» деган лақаб олмаган бўлса керак. Шунга қарамай, Бутруснинг биринчи мактубини ўқиганимизда бўйсуниб ҳақидаги эслатмани кўрамиз. Юҳаннонинг мактублари эса севгига тўла. Бу ўзгаришлар нималардан бўлар экан? Албатта, бу-Муқаддас Рухдир. Масиҳ уларни севадиган ва итоаткор бўлишларини ўргатган. Аммо Муқаддас Рух уларни ичидан ўзгаришларини бошламагунича уларда на унис, на буниси бор эди.

Ҳосил байрами куни ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлишди (Ҳав.2:4). Бу воқеа фақатгина ҳаворийлар ва бошқа буюк азизлар учун, деб ўйламанг. Тўғри, бўлиб ўтган кучли бўрон ва оловлар каби ташқи ҳодисалар яна қайтарилади, деб кута олмаймиз. Лекин «Муқаддас Рухга тўлинг», деган бу амр ҳамма масиҳийлар учундир. Барча юқоридан туғилган масиҳий Муқаддас Рухга тўлиб юриши унинг руҳий ҳуқуқидир. Амалда, агар биз Муқаддас Рух ичимизда бўлмаса, демак, биз ҳали тўлиқ ҳақиқий масиҳий эмасмиз. **«Қимки Масиҳнинг Рухига эга бўлмаса, у Масиҳга тегишли эмас»** — деб ёзган Павлус (Ефес.5:18, Рим. 8:9).

Демак, Янги Аҳд мана шуни ўргатади. Агар биз ишониб, ўзимизни Исо Масиҳга топширсак, биз ичимизда Муқаддас Рухга тўламиз. У «юракларимизга» Худо орқали юборилган, У таналаримизни Ўзининг Маъбади қилади (Гал. 4:6; 1 Кор. 6:9).

Бу ўша пайдан бошлаб, биз гуноҳ қилишимиздан халос бўлдик, дегани эмас, аксинча, қандайдир маънода келишмовчилик янада кўпроқ кучаяди. Лекин бошқа тарафдан биз учун Ғалаба йўли очиқ. Ўзининг Галатияликларга ёзган мактубининг бешинчи боби-

да Павлус ана шу курашни жонли ифода қилади. Бу курашнинг қатнашчилари — «Тан», яъни бизнинг мерос бўлиб қолган худбин табиатимиз ва «Рух»дир. «Тан Рухга қарши ва Рух эса Танга қарши бўладилар: улар бир-бирига қарши».

Бу қуруқ илоҳий назария эмас, бу ҳар бир масиҳий учун кундалик ҳақиқатдир. Бизни пастга тортадиган гуноҳни, хоҳишларни сезишга давом этамиз, аммо биз энди, юқорига бизни кўтарадиган қарши куч ҳақида биламиз. У бизни илоҳийликка ундайди. Агар «танага» эрк берсак, у бизни янчиб, 19–21 оятларда Павлус эслатиб ўтган худбин ва фосиқ чангалзорларга ташлар эди. Бошқа тарафдан, агар Муқаддас Рухнинг ҳаракатига йўл қўйсак, унинг натижаси «севги, қувонч, тинчлик, сабр–тоқат, оромбахш, раҳмдиллик, ишонч, мўминлик, қаноат»лар бўлади. Бу жозибатор ҳимматларни Павлус «Рух меваси» деб атайди. Инсон фазилати Муқаддас Рух ишлов бераётган боғга ўхшатилади. У бизнинг дарахтларимизни яхши қилсин, шунда мевалар ҳам яхши бўлади.

Унда «Рух меваси» ўсиши ва камол топиши учун «тан»ни қандай қилиб бўйсундириш мумкин? Жавоби — ҳар бир рақибга сингдириладиган ички муносабатдир. Масиҳга тегишли бўлганларни танини эҳтирос ва шаҳватлар билан биргаликда чормихга тортдилар. «Рухга қараб иш тутинг (ёки Рухда)» ва тан хоҳишини бажарманг (ёки бажармайсиз). «Тана»-мизга нисбатан кучли қарама–қаршилик муносабат қабул қилишимиз керак ва уни шафқатсизлик билан рад қилишимиз зарур. Уни «чормихга тортмоқ» сўзи билангина ифодалаш мумкин бўлсин, лекин ичимиздаги Рухга ўз ҳаётимиз устидан ҳукмронликни

ишонч билан эътирозсиз топширишимиз даркор. Биз қанчалик танни рад этиб, Рухга бўйсунсак, шунчалик таннинг бемаза ишлари ғойиб бўлганини кўрамиз ва уларнинг ўрнига ажойиб Рух мевалари келади. Коринфликларга иккинчи мактуб 3-боб, 18-оятида Павлус шу ҳақиқатга ўргатади: «Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Рухи орқали содир бўлмоқда». Фақат Масиҳ Рухи орқалигина биз Масиҳга ўхшаб ўзгаришимиз мумкин. Шундай қилиб, биз ҳам тавба қилишда, ишончда ва интизомда, қандайдир бир аниқ ролни бажарамиз. Лекин кўпинча илоҳийлик Муқаддас Рухнинг ишидир.

Одатда Уильям Темпл бу фикрни шундай тушунтирган: «Мендан «Гамлет» ёки «Қирол Лир» ёки шунга ўхшаш асарларни ёзишни асло сўраманг. Шекспир буни ёза олган, мен эса ёза олмайман. Менга Исо Масиҳнинг ҳаёти каби ҳаётни кўрсатиш ва шундай ҳаёт кечиришни амр этмоқ шарт эмас. Исо Масиҳ шундай ҳаёт кечирган, аммо мен ундай яшай олмайман. Лекин, Шекспирнинг руҳи менинг вужудимга кириб яшаса, мен унга ўхшаб яшай олар эдим. Бу масиҳийларнинг муқаддаслигининг сиридир. Исонинг ўрнак бўлишини кўриш етарли эмас. У бизга Қутқарувчи сифатида керак».

Шундай қилиб Унинг қурбонлик ўлими орқалигина биз гуноҳларимиз учун жазодан халос бўлишимиз мумкин ва фақат бизнинг вужудимизда яшаб турган Рух орқали бизнинг гуноҳларимиз ҳукмронлиги синдирилиши мумкин.

Масих жамоати

Гуноҳ — марказдан қочирадиган кучдир. У бизни яқинларимиз билан бўлган тотувликдан тортиб чиқаради. У нафақат Яратувчидан узоқлаштиради, балки ўзимизга ўхшаш ижодлардан ҳам узоқлаштиради. Ҳар биримиз ўз тажрибимиздан биламизки, ҳар қандай бирлашма: институт, касалхона, фабрика ёки ташкилотми — ҳасад ва душманлик ўчоғига айланиши мумкин. Бизга «бирликда яшаш» жуда қийин.

Лекин бизларни бир–биримиз билан ва ўзи билан муросага келтиришга Раббимизнинг истаги бор. Шунинг учун У мустақил, алоҳида бир–биридан боғлиқ бўлмаган инсонларни қутқармайди. У Ўзининг даргоҳига бутун халқни чақиради.

Бу Ибтидонинг биринчи боблариданоқ равшан бўлади. Худо Ибромнинг хонадони ва яқинларини Месопотамияда қолдиришга ундади. Унга ўша ерни мерос қилиб, осмонда қанча юлдуз ва денгиз қирғоғида қанча қум бўлса, шунчалик кўп сонли авлод беришни ваъда қилди. Бу Ибромнинг авлодини ва у орқали бутун дунё халқларини марҳаматлаш ваъдаси Ибромнинг ўғли Исҳоқ ва унинг набираси Ёқубга ҳам такрор айтилган эди.

Лекин Ёқуб Мисрда ўлди. Аммо унинг ўн икки ўғли ундан кейин яшаб, «Исроил»нинг ўн иккита қабила оталари бўлдилар. «Исроил» исми Худо орқали Ёқубга берилган эди. Кўп йиллардан кейин Миср қуллигидан қутқарилган «Исроил фарзандлари» билан Худо Ўзининг ваъдасини янгилади.

Бироқ қандай қилиб ер юзидаги ҳамма оилалар марҳаматланиши керак эди? Асрлар кетма–кет оша-

верган сари Исроилнинг тақдири авж олаверди, бу миллат эса, ҳалигача марҳаматга эга бўлиш ўрнига нафратга эга бўлгандай туюлар эди. Улар дунё валинеъматлари бўлиб ўз тақдирлари орқасидан бора олмагандай туюлар эди. Демак, Худонинг Ибромга берган ваъдаси ёлғон бўлиши керак эдими? Йўқ, Худонинг Ягона Мойлангани — Масих келганда, дунёнинг ҳар тарафидан зиёратчилар Осмон Шоҳлигига кириши учун келишларини кўпгина пайғамбарлар билар эдилар.

Ниҳоят Масих келди. Носиралик Исо кўп кутилган шоҳлик келишини айтди. Шимолдан, ғарбдан, шарқдан ва жанубдан кўплар келиб, Ибром, Исҳоқ ва Ёқубнинг олдида ўтиришини ҳам айтди. Худованднинг халқи фақатгина бир миллат бўлмайди. Бу халқ ҳар бир миллатдан, подшоҳликдан ва турли тиллардан ташкил топган жамоат бўлади: «Боринглар! — Қайта тирилган Раббимиз Ўзининг издошларига буюрди, — Барча халқлардан шогирд орттиринглар...» Ўзининг кўпгина шогирдларини У «Менинг Ўз умматим»... деб атади (Мат.28:19; 16:18).

Шундай қилиб, бир неча маротаба Иброҳимга берилиб, унинг фанзандлари учун янгиланган Худованднинг ваъдаси бугунги кунда дунё жамоатининг ўсишида рўёбга чиқмоқда. **«Сизлар Масиҳники экансизлар, демак Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, берилган ваъданинг баракаларидан баҳраманд бўласизлар»**, деб ёзган Павлус (Гал. 3:29).

Масиҳга ишонувчиларнинг бирдамлиги, Павлус айтганича, инсон танасига ўхшайди. Инсон танаси — бу энг ёрқин сиймолардан биридир. «Жамоат Масиҳнинг танасидир», деди у. Ҳар бир масиҳий тана

аъзосидир, Масихнинг Ўзи эса танни бошқарувчи бошдир. Тана аъзоларининг вазифалари бир хил эмас, аммо уларнинг ҳар бири энг яхши соғлик ва кўпроқ фойда учун кераклидир.

Бутун тана умумий ҳаёт билан жонлантирилган. Бу — Муқаддас Рухдир. Унинг қатнашиши танани бирлаштиради. У туфайли жамоат бирликда боғланган. «Бир тан ва бир Рух» бор, деб таъкидлайди Павлус. Ҳатто ташқи томондан жамоатнинг бўлиниши, у ҳақда гапириш ачинарли бўлса ҳам, унинг ички ва руҳий бирдамлигини бузмайдилар. У узилмас, негаки у «Рух бирдамлиги» ёки «Муқаддас Рухнинг ҳамроҳлиги»дир (Эфес.4:3; Фил.2:1; 2 Кор. 13:13). Жамоатда бизнинг умумий қатнашишимиз бизларни чуқур ва абадий бирлаштиради.

Албатта ўзини буюк дунё танаси, бутун олам жамоатининг аъзоси деб, унинг бир маҳаллий қисмида амалий иштирок этмаслик эси пастликдир. Нақ шу ерда маҳаллий жамоат аъзоси сифатида биз Худога сажда қилиш имконига эга бўламиз ва хурсандчилик билан бир–биримиз билан мулоқотда бўлиб, янада кенгроқ бирлашмага хизмат қиламиз.

Кўпчилик ҳозирги пайтда жамоатни ташкилот сифатида қабул қилишга қаршилик кўрсатмоқда, баъзилари эса уни бутунлай рад этадилар. Кўпинча бу тушунарли, чунки жамоат эскирган, ёпиқ, тескарича бўлиши мумкин. Бу одамлар, гуноҳкор одамлар, тушқунликдан хавфсизланмаганлигини эсда тутиш керак. Бу ундан қочишга сабаб бўлмайди. Ахир биз ўзимиз гуноҳкор ва хато қилишимиз мумкин.

Зоҳирий жамоатнинг ҳамма аъзолари ҳам Исо Масих жамоатининг ҳақиқий аъзоси эмаслигини

тан олишимиз керак. Жамоатнинг фахрли китоб рўйхатига киритилган баъзи одамлар исмлари Исо айтганидек, ҳеч қачон «осмонда ёзилмаган». Гарчи бу ҳолат Инжилда ёдга олинган бўлса ҳам, биз уни ҳукм қила олмаймиз: «Худованд ким Уники эканлигини Ўзи билади». Руҳоний чўмдириш орқали очиқчасига «Масихга ишонувчи», деб эълон қилганларни зоҳирий жамоатга таклиф қилади. Лекин фақат Худо ҳақиқатдан имонда яшайдиганларни аниқ билади. Чунки фақат Худо уларнинг юракларини кўради. Шубҳасиз, бу иккала жамоатнинг кўп ўхшашлиги бор. Лекин улар бир хил эмас.

Муқаддас Руҳ жамоатнинг фақатгина умумий ҳаётини тайёрламасдан, балки умумий севгисини яратади.

Севги — бу дастлабки Руҳ мевасидир. Руҳнинг табиати севгидир ва Руҳ вужудда яшаб тургандагина севги билан уни тўлдиради. Ҳамма масихийлар ўзлари танимаган ва ҳаёт тарзлари уларникидан умуман бошқа бўлса ҳам, бошқа масихийларга нисбатан ўзига ажойиб дамларни ҳис қилганлар.

Худованднинг фарзандлари орасидаги бўлиб турган ва ўсаётган муносабатлар қондош муносабатларга қараганда, чуқурроқ ва яқинроқдир. Бу Худованд оиласининг бирдамлигидир. Дарҳақиқат, **«Биз ўлимдан ҳаётга ўтганимизни биламиз, чунки биродарларимизни севамиз»** дейди Юҳанно (1 Юҳ.3:14). Бу тез ҳиссиётга бериладиган севги эмас. Ҳатто у ўз бошланишида жўшқин ҳам эмас. Унинг моҳияти — ўзини қурбон қилишдир. У ўзгаларга хизмат қилиб, ёрдам бериб бойитишда намоён бўлади. Фақатгина севги марказдан қочирадиган гуноҳ кучига қарши-

лик қила олади, чунки севги бирлаштирган жойда гуноҳ айиради ва севги яраштирган жойда гуноҳ ўша жойни узади.

Албатта жамоат тарихининг варақлари баъзида ақлсизлик ва худбинлик, ҳатто очикдан–очик Масиҳнинг таълимотига бўйсунмаслик билан булғанган эди. Бугунги кунда ҳам баъзи жамоатлар тўлақонли ҳаёт кечирмай ўлишган ёки ўлиб бормоқдалар. Бошқалари гуруҳлар орқали парчаланган ва севгисизликдан бузилган. Шунини тан олиш керакки, ишончини эълон қиладиганлар ва ўзларини Масиҳий деганларнинг ҳаммаси Исо Масиҳнинг ҳаёти ва севгисини намойиш қилмайдилар.

Шунга қарамай, ҳар бир масиҳийга масиҳий жамоати (гарчи у такомиллашмаган бўлса ҳам), Масиҳ ўз халқига бераётган сифатли ва янги муносабатларни излашга ва бу муносабатларда ўша жамоатда сажда қилиш ва гувоҳлик беришга иштирок этишга имкон беради.



IV

ИНСОН
ЖАВОБИ



НАРХНИ ҲИСОБЛАШ



Шу пайтгача биз Носиралик Исонинг ягона илоҳий табиати ҳақида гувоҳликларни кўриб чиқдик. Биз Худодан узоқлашган, ўзида қулфланган, бошқа инсонлар билан уйғун муносабатлари йироқда бўлган гуноҳкор одамнинг муҳтожлиги ҳақида мулоҳаза қилдик. Масиҳ бизлар учун эришиб таклиф этган нажотнинг асосий жиҳатларини кўрсатиб чиқдик. Энди эса ўта шахсий бўлган савол бериш вақти келди. Шунга ўхшаш саволни Дамашқ йўлидан кетаётган Тарслик Савл Исо Масиҳга берганди: «Худовандим! Менга нима қилишни буюрсан?» Филиппи шаҳридаги зиндонбон эса: «нажот топишим учун нима қилишим керак?» деб сўраган.

Аниқ, нимадир қилиш керак. Масиҳийлик — ҳақиқий бўлса ҳам, қандайдир қоидалар тўпламига риоя қилиш дегани эмас.

Масиҳнинг илоҳийлигига ва қутқаришига ишонишимиз, ўзимизни нажотга муҳтож бўлган гуноҳкор, деб билишимиз мумкин, бироқ бу нарсалар бизни масиҳий қила олмайди. Биз Исо Масиҳга шахсан

ўз жавобимизни бериб, Нажоткоримиз ва Худойимиз сифатида Унга ўзимизни тўлалигича бағишлашимиз керак.

Исо Масих Унинг динида инъом билан бирга талаб ҳам борлигини ҳеч қачон яширмаган. Агар У одамларга қутқарилишни таклиф қилса, албатта У улардан бўйсунитишни талаб қиларди. У шогирд бўлишни истаган, аммо ҳеч нарсани ўйламайдиган одамларни умуман рағбатлантирмаган. Унга савол берганларга ҳеч қандай ташвиш юклмас эди. У масъулиятсиз жонбозларни қуруқ қайтариб юборар эди. Луқо бизга ўз хоҳиши билан ёки Исонинг таклифи билан ортидан боришга чақирилган уч инсон ҳақида гапириб беради. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Худонинг синовларидан ўтмади. Ўз шартлари билан абадий ҳаётга эришмоқчи бўлган маънавий, ҳақиқатгўй, жозибали йигит, бой ҳоким ҳам ҳатто ғамгин кетди. Унинг бойликлари бутунлигича қолди, аммо у на ҳаётга, на Масихга эга бўлди. Кейинчалик Масих ортидан жуда катта оломон борди. Балки улар содиқлик сўзларини ҳайқиргандирлар. Бу сўзлар ташқаридан уларнинг фидокорликларини таассуротли намоён қилаётгандай туюлгандир. Аммо Масих уларнинг муносабатлари юзаки эканлигини англади. Масих тўхтаб уларга қаради ва савол шаклида шундай рамзли ҳикояни сўзлаб берди: **«Сизлардан бирортангиз минора қурмоқчи бўлсангиз, уни битириш учун маблағ етарлими, деб олдиндан харажатини ҳисоблаб чиқмайсизми? Акс ҳолда, сиз пойдевор ётқизасиз-у, минорани битказа олмайсиз. Буни кўрганларнинг ҳаммаси устингиздан кулиб, шундай деб айтишади: «Бу одам қурилишни бошлади, аммо битира олмади»** (Луқо 14:28–30).

Масихийлар яшаётган манзара яримигача қурилган ва охиригача қурилмаган минораларнинг қолдиқлари билан тўлиб кетган. Негаки, минглаб одамлар Масихнинг огоҳлантиришларини эътиборга олишмайди ва бундай ҳаракатнинг оқибати ҳақида ўйламай Унинг изидан юришда давом этадилар.

Оқибатда биз «номигагина масихийлик» деб аталган масихийлар уйида катта жанжални кўрамиз. Масихийлик тарқалган мамлакатларда кўпинча одамлар ўзларини яхшигина ташқи масихийча орасталик билан қамраб олганлар. Жамиятда ҳурматга эга бўлиш учун улар етарлича «қатнашган»лар. Уларнинг дини кенг, юмшоқ ёстиқдир. У уларни ҳаётнинг қаттиқ ва ёқимсиз тарафларидан ҳимоя қилади. Шу билан биргаликда улар ўзининг қулайлиги учун ташқи кўринишни ва ўрнини ўзгартириб туришади. Табиийки, сурбетлар жамоатда тилёғламачилар ҳақида гапиришади ва динни четга суриб қўйишиб, ҳақиқат (реаллик)дан қочишга интилишади.

Исонинг хабари умуман бошқача эди. Исо ҳеч қачон Ўзининг мезонини пасайтирмаган эди. У ҳеч қачон Ўзининг шартларини Уни қабул қилишсин, деб одамлар учун мослаштирмаган эди. У Ўзининг биринчи ва кейинги ҳар бир шогирдидан Унга нисбатан бўлган бўйсунликлари пухта ўйланган ва тўла бўлишини сўрар эди. У бирор нарсанинг кам бўлишига рози эмас.

Энди эса У ҳақиқатан нима деганини кўриб чиқишимиз керак:

Шундан сўнг Исо халқ билан шогирдларини олдига чақириб деди:

— Кимда-ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини қўтариб, ортимдан юрсин. Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун ва Хушхабар учун жонини берса, жонини асраб қолади. Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонидан махрум бўлса, бундан унга нима фойда? Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?! Бу бевафо ва гуноҳкор насл орасида Мендан ва Менинг сўзларимдан уялманглар! Акс ҳолда, Инсон Ўғли муқаддас фаришталар билан бирга Отасининг улуғворлигига бурканиб келганда, У ҳам сизлардан уялади.

Марк 8:34–38

Масиҳнинг изидан боришга чақириқ

Масиҳнинг энг оддий қилиб айтган чақириғида «Менинг изимдан юр!» дейилган эди.

У эркалар ва аёллардан уларнинг шахсий садоқатини сўрар эди. У уларни Ўзидан сабоқ олишни, Унинг сўзларига бўйсунитишни ва ўзларини Унинг ишларига қўшилишни таклиф этарди.

Бироқ дастлабки воз кечишсиз эргашиш бўлмайди. Масиҳнинг изидан эргашиш кам эътиборли мухлисликдан воз кечиш демакдир. Шимўн ва Идрис «тўрларини ташлаб», Унинг изидан бордилар. Ёқуб ва Юҳанно «қайиқда ишчилар билан отаси Забадиёни қолдириб» Унинг изидан бордилар. Матто Масиҳнинг чақириғини эшитиб, «бож йиға туриб...ўрнидан туриб, Унинг изидан борди».

Бугунги кунда Раббимиз Исонинг чақириғи асосан ўзгармади. У ҳалигача «Изимдан юринг» деб қўшимча қилади. «Кимки бор нарсасини қолдирмаса, менинг шогирдим бўлолмайди», дейди. Аммо бу амал-

да кўпгина масиҳийлар учун уйи ёки иши билан жисман видолашиш дегани эмас. Бу ҳаммасини ич–ичидан Худога қўйиб бериш, рад қилишни, оилага ижозат қилиш ёки ҳаётимиздаги нафсониятлар биринчи ўринда туриши керак деганидир.

Мен воз кечиш ҳақида тўлароқ сўзлашни истар эдим. Чунки Исо Масиҳ изидан эргашиш воз кечиш билан узвий боғлиқ.

Биринчидан, гуноҳдан воз кечиш юз бермоғи керак. Бир сўз билан айтганда, бу тавба қилишдир. Бу масиҳийча муносабатнинг биринчи қисми. Уни ҳеч қандай вазиятда орқада қолдириш мумкин эмас. Тавба ва ишонч ёнма–ён борадилар. Гуноҳдан кечмасдан Масиҳ изида бора олмаймиз.

Тавба — аҳмоқона фикрдан, ножўя сўз, иш ва эски одатдан қатъий бурилишдир. Виждон азобини ҳис қилмоқ ёки Худо олдида қандайдир кечирим сўраш етарли эмас. Ўз негизида, тавба қилиш, — ҳис–туйғу ва нутқ юмуши эмас. Бу — ҳулқ–атворнинг ўзгаришига олиб бораётган фикрлашнинг ўзгариши ва гуноҳга нисбатан муносабатдир.

Бу ерда муросага ўрин йўқ. Балки ҳаётимизда воз кеча олмайдиган гуноҳлар бордир, аммо биз Худодан озодликни сўрасак, ўша вақтда улардан халос бўлишни исташимиз лозим. Агар сиз нима яхши, нима ёмон, ниманидир сақлашни, нимадандир қутулишни ҳал қилаётганда шубҳалансангиз, сиз биладиган масиҳийларнинг урф–одатлари ва расм–русумларининг кучли таъсирларидан қочишга интилинг. Инжилнинг аниқ таълимотига ва виждоннинг йўл кўрсатишига амал қилинг. Ўшанда Масиҳ сизни тақводорлик йўлидан аста–секинлик билан олиб

боради. У сизга сиздаги бирон камчиликни кўрсатса, ўша камчиликдан бош тортинг. У сизга кўрсатаётган камчилик қандайдир улфатлар ёки вақт ўтказишнинг усули, биз ўқиётган адабиёт, калондимоғлик хислати, кўра олмаслик, қабул қилмаслик ёки кечирмаслик руҳи бўлиши мумкин.

Масиҳ Ўз шогирдларига уларни васвасага соладиган кўзни ўйиб олишга, қўлни ёки оёқни кесиб ташлашга буюрди. Албатта, биз бу сўзларга кўр-кўрона риоя қилиб, танни жароҳатлашимиз керак эмас. Бу жонли гап ибораси бўлиб, шу орқали бизларни васвасага соладиган йўлларга шафқатсиз муносабатда бўлишимиз кераклиги ҳақида айтади.

Баъзан чинакам тавба ўз ичига «тикланиш»ни камраб олиши керак. Бу инсонлар билан ярашишни англатади, эҳтимол биз уларга ёвузлик қилгандирмиз. Ҳамма гуноҳларимиз Худога жароҳат етказадимиз ва бизнинг ҳеч қандай ишимиз бу жароҳатларга шифо бера олмайди.

Буни фақатгина Қутқарувчи Исо Масиҳнинг гуноҳларни ювадиган ўлими қила олади. Лекин гуноҳларимиз бошқа одамларга тегса, биз баъзан қулатилганни тиклашга ёрдам бера оламиз ва қулай фурсат бўлганда, биз албатта шуни қилишимиз керак. Заккай, ноинсоф солиқчи, ўзининг мижозларидан ўғирлаганини ортиғи билан тўлади ва камбағалларга ярим мол-мулкни беришга ваъда берди. Ундан ибрат олиш керак. Балки бизда ҳам қайтариб берадиган пул ёки вақт; балки қандайдир миш-мишларни инкор этиш, мулкни қайтариш, кечирим сўраш ёки узилган муносабатларни тиклаш лозимдир. Бироқ бу муносабатда ҳаддан ташқари синчков бўлиш ке-

рак эмас. Кўп вақт ўтганидан сиз билан хафалашганини унутган инсонларнинг аҳамиятсиз сўзларини ва қилмишларини ўн йилдан сўнг излаш бемаъниликдир.

Мен бир талаба қизни билардим. У қиз Университет раҳбариятига имтиҳонда кўчириб ёзганини ростгўйлик билан айтиб берганди. Бошқа бир талаба эса дўкондан ўғирлаган дарсликларни қайтариб берди. Бир зобит эса Мудофаа Вазирлигига «ўзлаштирган» буюмлар рўйхатини юборган.

Агар биз ҳақиқатан афсуслансак, ўтмишни кўнгилдан чиқариб юбориш учун бор имкониятларимизни ишлатамиз. Биз бундан кейин ҳам кечирим сўраётган гуноҳларимиз меваларидан завқлана olmayмиз.

Иккинчидан, ўзидан воз кечиш бўлиши керак.

Масихнинг изидан бориш учун нафақатгина баъзи гуноҳларимиздангина воз кечамиз, балки ҳар бир гуноҳ негизидан ётган ўзбошимчалик тамойилларимизни ҳам рад этамиз. Масих изидан бориш — Унга ҳаётимиз ҳуқуқини топшириш демакдир. Бу ўз юрагимиздаги тахтдан воз кечиш, Унга бош эгиш, Уни Подшоҳимиз, деб қабул қилиш деганидир. Ўзидан воз кечиш Исонинг уч иборасида яхши ёритилган.

Бу *ўзини рад этиш* деганидир. «Агар ким Менинг изимдан боришни истаса, ўзингизни рад этинг». Худди мана шу феъл олий руҳоний ҳовлисида Бутрус Худовандни рад этгани ҳақида ёзилган. «Бу инсонни танимайман» — деб Бутрус Масихдан бош тортгани каби биз ҳам ўз-ўзимиз билан бўлган ҳар қандай алоқадан воз кечишимиз керак. Ихтиёрий равишда ўз манфаатидан воз кечишимиз — бу фақатгина ши-

ринликлардан ёки чекишдан, умуман ёки вақтинча ўз хоҳиши билан ўзини тийишдан воз кечиш дегани эмасдир. Чунки бу ўзини бирор нарсадан тийиш дегани эмас, аммо ўз-ўзидан бош тортмоқ дегани. Бу ўзига «йўқ» деб, Масихга «ҳа» дегани; ўзини рад қилиб, Масихни тан олиш деганидир.

Масих ишлатган кейинги ибора — *ўз хочини олиш*: **«Кимда-ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва хочини кўтариб, орқамдан юрсин»** (Мат.16:24). Агар биз Фаластинда яшаганимизда хочни кўтариб бораётган одамни кўрсак, у жиноятчи ўзининг жазосини тортадиган жойга олиб борилаётганини тушунар эдик. Фаластин римликлар томонидан босиб олинган эди ва улар жиноятчиларга шундай жазони қабул қилишга мажбурлар эдилар. Профессор Х.Б. Суит Инжилдан Марк баён этган Хушхабар ҳақида ўзининг шарҳларида, ўз хочини олиш дегани бу «қатл этишга бораётган жазоланувчининг ўрнига ўзини қўйиш» маъносини билдиради деган. Бошқа сўзлар билан айтганда биз хочга тортишни ўзимизга алоқадор, деб қабул қилишимиз керак. Павлус Масихники бўлганлар эҳтирос ва шафқатлари билан танни хочга тортдилар (яъни обрўсизланган хусусиятни) деб эълон қилганда, айнан шу мажозни ишлатди.

Инжилдаги Луқо Хушхабариди Масихнинг шу иборасига «ҳар куни» деган равиш қўшилган. Масихий ҳар куни ўлиши керак. Ҳар куни у ўз иродасининг ҳокимлигидан воз кечади. Ҳар куни у ўзининг Исо Масихга бўлган сўзсиз бўйсунилишини янгилайди.

Ўзидан воз кечиш, деб Исо таърифлаган учинчи ибора бу *ўз ҳаётини йўқотиш* дегани: «Ўз ҳаётини

йўқотган... уни сақлаб қолади». «Ҳаёт» сўзи бу ерда жисмоний мавжудлигимизни ва қалбимизни эмас, балки ўзимизни англатади. Қалб — бу «мен», бу инсоний шахсдир; у ўйловчи, ҳис этувчи, режалаштирувчи ва танловчидир. Луқо сақлаб қолган яна бир иборага қараганда, Исо «ўзини» йўқотиш ҳақида сўзлаганда, У қайтиш олмошини ишлатган. Шундай қилиб, Масихга бўйсунуш билан биргаликда инсон ўзини йўқотади. Бироқ бу шахсиятни йўқотиш маъносида эмас. Унинг иродаси ҳақиқатдан Масих шахсига бўйсунеди, бироқ унинг шахсияти Масих шахсиятига жалб этилади. Аксинча, кейинчалик кўрганимизда, масиҳий ўзини йўқотганида, у ўзини топади, ўзининг ҳақиқий моҳиятини аниқлайди.

Шундай қилиб Масихнинг изидан бориш учун, биз ўзимизни хочга тортишимиз ва ўзимизни йўқотишимиз керак. Эндиликда Масихнинг тўлиқ, ўзгармас талаби батамом очилди. У юрагимизни пала-партиш бўйсунушга ундамайди, фақат мутлақ содиқликка чақиради. У бизни Ўзини Худовандимиз, деб қабул қилишга даъват этади. Ҳозирги пайтда баъзи доиралар ичида “Масихнинг Олий ҳукмронлигини қабул қилмасдан Унинг бутун қутқариш эзгуликларига эга бўлиш мумкин”, деган ажойиб тушунча бор. Янги Аҳдда бундай тутуриқсиз тушунча йўқ. «Исо Раббимиз» — бу масиҳийлар ишонч рамзининг илк таниқли таърифларидандир. Рим империяси ўзининг фуқароларини «Цезарь ҳукмрон» деб аташларига мажбур қилган кунларда, бу сўзлар жуда хавфли тус оларди. Лекин масиҳийлар айёрлик қилмас эдилар. Улар Цезарга биринчи содиқлик қасамёдларини беролмасди, чунки улар содиқлик қасамёдини ал-

лақачон Исога берган эдилар. Худовандимиз Ўз Ўғли Исони Унинг олдида **«еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин, ҳар бир тил Исо Масиҳни Раббий деб тан олсин»** (Фил.2:10–11), деб бутун подшоҳлардан, ҳокимликлардан ҳам беқиёс баландликка кўтарди ва Унга ҳар қандай ўриндан баланд ўрин берди.

Масиҳни Раббимиз, деб тан олиш, жамоатимиз ва шахсий ҳаётимизнинг ҳар бир бўлимини Унинг назорани остига олиш деганидир. Ҳар бир ҳаёт учун Худонинг мақсади бор. Бизнинг вазифамиз — бу мақсадни билиб олиб, шунга интилишдир. Эҳтимол, Худо режаси бизнинг ота-оналаримиз ёки шахсий режаларимизга тўғри келмас. Масиҳий, агар у доно бўлса, ҳеч нарсани шошилиш ёки ўйламасдан қилмайди. У аллақачон Худованд белгилаган ишда ёки белгиланган ишга тайёрланмоқдадир. Бироқ ундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар Масиҳ бизнинг Раббимиз бўлса, биз ўзимизнинг онгимизни бўлажак ўзгаришлар учун очишимиз керак.

Шубҳасиз, Худо ҳаммани «хизматга» чақиради. Бу хизмат Масиҳ учун бошқаларнинг хизматкори бўлиш деганидир. Ҳеч бир Масиҳий ўзи учунгина яшашни давом эттира олмайди. Бундай хизмат қандай шаклга эга бўлиши номаълум. Бу эҳтимол, жамоатда профессионал хизмат бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир содиқ масиҳий шунга даъват этилган, деб ҳисоблаш катта хато бўлади. «Масиҳий хизмат» деб аталаш учун бошқа хизмат турлари ҳам бор. Масалан, ҳар бир аёлнинг рафиқа, она, уй бекаси бўлиш вазифаси бор — бу тўла маънода масиҳий хизмат, чунки улар Масиҳга, ўзининг оиласига ва жамоатимизга

хизмат қиладилар. Ҳар бир иш хизмат бўла олиши мумкин — тиббиёт, фан, ҳуқуқшунослик, маориф, ижтимоий хизмат, марказий ва маҳаллий ҳокимият, саноат, тадбиркорлик, савдо-сотиқ ва бошқа кўпгина соҳаларда ишлаётган ишчи ўзини Худованд билан ҳамкорликда инсоният хизматида кўради.

Худонинг иродасини ҳаётингиз учун очишга шошилманг. Агар сиз Унинг иродасига бўйсуниб, Худо очиб берганини кутсангиз, У иродасини ўз вақтида бажаради. Нимаики бўлмасин, масиҳий бекорчи бўла олмайди. У бошлиқми, хизматчи ёки хусусий тадбиркорми, унинг осмондаги Эгаси бор. У ўз ишида Худонинг мақсадини кўришга ўрганади ва шу устида чин юракдан хизмат қилади, «чунки Раббимизга хизмат қилади, одамларга эмас».

Исо Масиҳнинг ҳокимлиги остига келадиган ҳаётимизнинг яна бир соҳаси — бу бизнинг никоҳимиз ва уйимиздир. Масиҳ қачонлардир шундай деган: **«Мени ер юзига тинчлик олиб келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас, қилич олиб келганман»** (Мат.10:34). Исо Ўз сўзида давом этиб, оила аъзоларининг бири Унинг изидан эргашса, оилада тўқнашувлари пайдо бўлиши ҳақида айтган.

Бундай оилавий низолар ҳозирги пайтда ҳам бўлиб туради. Масиҳий бундай низолардан четда бўлиши лозим. Унинг қатъий бурчи бор — ўзининг ота-онасини, оила аъзоларини севиш ва ҳурмат қилишдир. Модомики, у яраштирувчи бўлишга чақирилган экан, у ҳар қандай муроса қилишга боради, аммо Худо олдидаги ўз бурчи билан муросага йўл қўймайди. Шунингдек, у ҳеч қачон Масиҳнинг шундай сўзларини унутмайди: **«Қимки отасини ёки онасини**

Мендан ортиқ севса, Менга лойиқ эмас. Кимки ўғлини ёки қизини Мендан ортиқ севса, Менга лойиқ эмас» (Мат.10:37).

Кейин масиҳий фақат масиҳий билан оила қуриши мумкин. Инжилда бу ҳақда жуда аниқ айтилган: **«Имонсизлар билан шерик бўлманглар»** (2 Кор. 6:14). Бу буйруқ аллақачон унаштирилганларни ва унаштиришга тайёрланаётганларни жуда қаттиқ хафа қилиши мумкин, лекин бу далилга виждонан ёндашиш лозим. Никоҳ — бу фақатгина шартли ижтимоий удум эмас. Бу илоҳий муқаддас ҳосилдир. Никоҳдаги муносабатлар эса инсон қадам қўядиган энг чуқур муносабатлардир. Худо никоҳни фақат жисмоний, зукко, жўшқин ва ижтимоий ишқий иттифоқ сифатида эмас, балки уни руҳий қилиб ҳам яратди.

Масиҳий учун руҳий бирликда бўлмайдиган инсон билан никоҳдан ўтиш нафақат Худога бўйсунмасликни, балки Худо истаган ўша иттифоқнинг тўлиқлигини йўқотишни ҳам билдиради. Бу болаларга нисбатан ҳам хавфлидир, чунки улар ўз уйларида диний можароларнинг гувоҳлари бўлишади. Шунингдек, ота-онадан олиш керак бўлган масиҳий таълим имконсиз бўлиб қолади.

Аслида, масиҳийча муносабат шунчалик кескинки, никоҳга бўладиган муносабат ва иккала жинс орасидаги муносабатлар ўзгариши мумкин. Биз жинсни Худонинг ижоди, деб биламиз ва унда эркак ва аёл ўртасидаги улкан фарқни, уларнинг бир-бирига бўлган муҳтожлигини кўрамиз. Секс — жинсий алоқанинг жисмоний белгиси — энди худбинлик, масъулиятсизлик, қандайдир тасодиф ва мужмалга айланмайди, у Яратган Эгамиз ўйлаганидай бўлади; қандайдир эз-

гу иш ва тўғри севгини ифодаловчи, илоҳий мақсаднинг бажарилиши ва инсоннинг шахсига айланади.

Бошқа аввалги шахсий ишларимиз бу пуллар ва вақт бўлиб, биз Масиҳга ҳаётимизни бағишлаганимизда, У улар устида ҳукмрон бўлиб қолади. Исо Масиҳ тез-тез пуллар ва бойликнинг хавфли эканлиги ҳақида гапирар эди. Унинг мана шулар ҳақида гапирганлари кўпгина ҳолатларда хавотирлантиради. Гоҳида У Ўзининг шогирдларига шахсий маблағларини олиб, тарқатишга маслаҳат бергандай туюлади.

Шубҳасиз, У бугунги кунда ҳам Ўзининг баъзи шогирдларини айнан ана шундай қилишга ундайди. Лекин кўпинча одамлар учун бу муқаддас бурч айнан воз кечишдан кўра, ички четлатишни билдиради. Янги Аҳд мол-мулкни гуноҳ деб ҳисобламайди.

Албатта, биз Масиҳни моддий фаровонликдан устун, шунга ўхшаш оилавий қариндошликдан ҳам устун қўйишимизни истар эди. Биз — ҳам Худога, ҳам бойликка хизмат қила олмаймиз. Бундан ташқари биз пулларни онгли равишда сарфлашимиз керак. Энди бу пуллар бизники эмас. Худо бизга уларни сарф қилишга топширди. Бизнинг замонда, мўлчилик ва камбағалчилик ўртасида жарлик кенгайиб кетаётган пайтда, маблағларнинг камлигидан масиҳий хизмат анча қийинчиликларга учраётганда, биз маблағ беришда саҳоватли ва интизомли бўлишимиз керак.

Бизнинг давримизда вақт — умумий муаммодир; ва эндигина масиҳий бўлган одам шак-шубҳасиз ўз иштиёқларининг муҳимлигини қайта кўриб чиқиши керак бўлади. У талаба бўлиб турганида, ўқиш энг биринчи ўринда бўлади. Одамлар масиҳийларни меҳнатсевар ва ростгўй сифатида билишлари лозим.

Лекин масиҳий талабага янги машғулотларга ҳам вақт ажратиши керак бўлади. Унга ўзининг зич режасидан ҳар кунги ибодатга ва Қалом ўқишга, сажда қилиш ва дам олиш куни сифатида жорий қилинган якшанбани Худога бағишлашга; бошқа масиҳийлар билан мулоқот қилиш учун вақт топишга, масиҳий адабиёт ўқиш учун ва бошқа жамоат ва гуруҳларда қандайдир хизмат олиб боришга вақт ажратиши керак бўлади.

Агар биз гуноҳни ҳамда ўзимизни рад этишни ва Масиҳ изидан боришни истасак, бунинг ҳаммаси зарурдир.

Масиҳга имон келтиришга чақириқ

Бизга фақатгина шахсий ҳаётимизда Масиҳ изидан бориш эмас, балки Уни ошкора равишда эътиқод этиш ҳам амр қилинган. Агар биз одамлар олдида Уни тан олмасак, яширин равишда ўзимиздан воз кечишимиз етарли эмас.

У шундай деган:

Бу бевафо ва гуноҳкор насл орасида Мендан ва Менинг сўзларимдан уялманглар! Акс ҳолда, Инсон Ўғли муқаддас фаришталар билан бирга Отасининг улуғворлигига бурканиб келганда, У ҳам сизлардан уялади.

Марк 8:38

Ким Мени инсонлар олдида тан олса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида уни тан оламан. Аммо ким инсонлар олдида Мени рад этса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида уни рад этаман.

Мат.10:32–33

Исо Масих Ундан уялмасликни талаб қилгани, биз шундай васвасага тушушимизни билганини кўрсатади. «Вафосизу гуноҳкор насл орасида» деб қўшганда эса бунинг сабабини билганини кўрсатади. Исо, шубҳасиз, дунёда Унинг жамоати камчилик ҳаракати бўлишини биларди. Камчиликнинг кўпчиликка қарши чиқиши учун дадиллик керак. Шунга қарамай, бундай очиқ эътирофдан қочиб бўлмайди. Павлус уни қутқарилиш шарти, деб эълон қилди. Қутқарилиш учун, деб ёзар эди у, нафақат юрак билан, балки тилимизда ҳам Исо Масих — Раббимиз эканлигини тан олиш керак, «чунки инсон ўз юрагида тан олади ва оқланади; оғзи билан тан олиб қутқарилади». Эҳтимол ҳаворий чўмдириш ҳақида айтгандир. Албатта, эндигина масиҳий бўлган сувга чўмдирилиши керак. Сув орқали чўмдирилиш кўринарли белгидир. У қисман ўзининг ички покланиши ва Масихда янги ҳаёт тамғасига эга бўлади; қисман Исо Масихни Қутқарувчи ва Раббим деб ишонганини очиқчасига тан олгандир.

Аммо масиҳийнинг очиқча тан олиши чўмдирилиш билан тугамайди. У оиласи ва ўртоқлари масиҳий бўлгани тўғрисида билишларини исташи керак. Биринчи навбатда, у олиб бораётган ҳаёт тарзида буни кўрсатиши керак. Бу, ўз навбатида, албатта оғзаки гувоҳликка имкон беради. Масиҳий бу ерда ростгўй ва итоаткор бўлиши керак бўлса ҳам, бошқаларнинг шахсий ҳаётига қўполлик билан кирмаслиги керак. Шунингдек, у жамоатга қўшилади, ишида ёки ўқув даргоҳида бошқа масиҳийлар билан мулоқотда бўлади. Ўзининг масиҳийлигини керак вақтда тан олишдан қўрқмайди ва дўстларини

Масихга олиб келиши учун ибодатдан, гувоҳликдан ва ўзининг намуналигидан бошлаш билан йўллар излайди.

Ҳаракатга ундаш

Масихнинг талабларини бажариш осон эмас, аммо Исо томонидан уларга берилган тушунтиришлар талабларни бажаришга ундайди. Шундай қилиб, агар биз У сўраган тўлиқ бўйсунушга жиддий ёндашсак, бизга кучли сабаблар керак бўлади.

Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун ва Хушхабар учун жонини берса, жонини асраб қолади. Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?! Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?!

Марк 8:35–37

Кўпгина одамларнинг ич-ичида қўрқинч ўтиради, гўёки улар Исо Масихга бўйсунсалар, ютқазиб қўйишадигандай. Масих бу дунёга «ҳаётимизни фаровон» қилишга келгани, Унинг мақсади камбағал қилиш эмас — бойитишдир, дейишади. Масихнинг хизмати — бу тўлиқ озодлик эканини улар унутадилар. Албатта, биз Масихга бўйсуниб йўқотишларга дуч келамиз. Биз рад этишимиз керак бўлган гуноҳ ва димоғдорлик ҳақида юқорида айтиб ўтгандик. Балки, биз бир қанча дўстларимизни йўқотармиз. Лекин уларнинг ўрнини тўлдирадиган фаровонлик ва қониқишлар анча устун чиқади.

Масихнинг таълимотида ва масихийнинг ҳаётида ҳайратда қолдирадиган зид фикрлик шундаки, агар

Масихнинг изидан юриб, биз ўзлигимизни йўқотсак, ҳақиқатда биз ўзлигимизни топамиз. Ҳақиқий ўз манфаатидан воз кечиш — бу ҳақиқий ўзлигини очишдир. Ўзи учун яшаш бу ақлсизлик ва ўз жонига қасд қилишдир. Масих ва халқ учун яшаш — бу донолик ва ҳақиқий ҳаётдир. Биз токи Масихга ва яқинларимизга хизмат қилиб, ўзимизни йўқотишни истамангунча, ўзимизни топа олмаймиз.

Бу ҳақиқатни кучайтириш учун Масих бутун дунёни ва алоҳида қалбни қарама-қаршиликка қўйди. Кейин эса у даромад ва зиён ҳақида амалий савол берди. Фараз қилайлик, сиз бутун дунёга эга бўлиб ўзлигингизни йўқотсангиз, сизнинг даромадингиз қандай бўлади? — деб сўради У. Исо Унинг издоши бўлиш энг фойдали иш эканлигини исботлар эди. Унинг изидан бориш, демак ўзлигини топишдир. Ўзлигига ёпишиб олиб, Унинг изидан боришдан бош тортса, бу демак ўзлигини ва абадий тақдирининг ҳуқуқини йўқотишдир. Ҳозирги вақтда қандай моддий бойликларга эга бўлишимиздан қатъий назар абадий ҳаётни йўқотамиз. Нима учун? Биринчидан, биз бутун дунёни қамраб ололмаймиз. Иккинчидан, биз дунёни қамраб ололсак ҳам, дунё барҳаёт эмас. Учинчидан, токи дунё бор экан, у қондиришни бермайди. «Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?!» Таклиф қилиш учун тенг келадиган бойлик йўқ. Албатта, биз масиҳий бўлганимиз учун тўлаймиз, бироқ масиҳий бўлмасликнинг баҳоси қимматроқдир. Бу ўзини йўқотиш дегани.

Масиҳийга бўйсунининг иккинчи сабаби — бу *бошқалар учун*дир. Биз Масихга фақатгина бирор нарса қўлга киритганимиз учунгина эмас, балки би-

рор нарса бера олишимиз учун ҳам бўйсунимиз лозим. «Ким... Хушхабар учун жонини берса, жонини асраб қолади». «Хушхабар учун» бу «бошқа одамларга эълон қилиш» деганидир. Биз Масихдан ва унинг сўзларидан уялишимиз мумкин эмаслиги ҳақида эшитганмиз. Энди биз хурсандчилик билан бошқаларга Хушхабар етказа олганимиз учун Ундан фахрлансак бўлади. Кўпчилигимиз бу мантиқсиз дунёда ўзимизни юракни эзадиган даҳшатдан руҳан эзилгандай сезамиз. Бизнинг омон қолишимиз ҳам хавф остида. Оддий фуқаро ўзини сиёсат чигалликларига тушиб қолгандай ёки ҳозирги замон жамоат машинасининг кераксиз бир қисмидек сезади. Аммо масиҳий бундай тушкунликка, ожизликка тушмаслиги керак. Чунки Исо Масих Ўз шоғирдларини «ернинг тузи» ва «дунёнинг нури» деб атаган. Музлатгичларни ихтиро қилишдан олдин, кўпинча балиқ ва гўшт бузилмаслиги учун туз ишлатилган. Шундай қилиб, масиҳийлар одоб-ахлоқ меъёрларини сақлаб қолишга ёрдам бериб, жамоат фикрларига таъсир кўрсатиб, қонунчиликнинг ҳаққонийлигини ҳимоя қилиб, жамиятнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак. «Дунёнинг нури» сифатида масиҳийлар Исо Масихда ўзларининг нурларини дунёга ёритишлари керак. Улар дунё ва севгининг, шахсий муносабатларнинг, одамларнинг ўзгариш сирларини топдилар. Улар шу сирларни бошқаларга ҳам етказиши керак. Инсон дунёнинг эҳтиёжларини қондиришга қўша оладиган энг яхши ҳиссаси — бу масиҳийча яшаш ва Исо Масих Хушхабарининг нурини ёритишдир.

Бироқ энг юксак сабаб — бу *Масих учун*. «Ким Мен учун жонини берса, уни асраб қолади». Хоҳлаймизми

ёки йўқми, биздан бирор мушкул ишни бажаришни сўрашганида, уни қилишимиз ёки қилмаслигимиз уни ким сўраганига боғлиқ. Шунинг учун Масихнинг чақириқлари шунчалик очиқ-ойдин ва ишонарли. Албатта, Исо шу сабабдан «ўз хочини кўтариб» деган сўзларида талаб қилинадиган ўзидан кечишни таърифлайди. У Ўзи берганидан ортиқ сўрамайди. У хоч ўрнига хоч сўрайди. Биз Унинг изидан олиш учун эмас, У бергани учун боришимиз керак. У Ўзини беради. Бу бизга қимматга тушадими? Бу Унга қимматроққа тушди.

У келганда, Отасининг шуҳратини, осмон эркинлигини ва сон-саноксиз фаришталарнинг сажда қилишларини ташлаб келди. У шунчалик итоат қилдики, инсон исмини қабул қилди, оғилхонада туғилди ва охурда ётди, дурадгор бўлиб ишлади, қишлоқ балиқчилари билан дўстлашди, оддий хочда ўлди ва дунё гуноҳларини Ўзига юклади. Хочни кўргандигина биз ўзимиздан кечиб, Масих изидан боришни исташимиз мумкин. Бизнинг кичик хочимиз Унинг хочи соясида қолади.

Агар бир кун келиб, жазоланишдан бошқа ҳеч нарсага арзимайдиган биз одамлар Исонинг уят ва оғриқларга чидаб, Унинг Севгиси қанчалик буюк эканлигини кўрганимизда, биз учун фақатгина бир йўл қолади. Қандай қилиб биз шундай севгидан воз кечиб, юз ўгирамиз?

Аммо, лекин сиз ахлоқий камқонликка дуч келган бўлсангиз, менинг насиҳатимга қулоқ солинг ва масихийликдан кетинг. Агар сиз ўз хоҳишларингизни бажо келтириб, ҳаётда енгил қадам ташлашни истагангиз, масихий бўлманг. Бироқ, агар сиз шахсин-

гизга Худо берган қувончли қониқишни олиб келадиган ҳаётни истасангиз; Худога ва яқинларингизга хизмат қилиш имтиёзи бўладиган турли ҳодисаларга бой ҳаёт кечиришни истасангиз; агар тўлиб тошган миннатдорчиликнинг бир қисмини кўрсатадиган ҳаётга эга бўлишни истасангиз ва сиз учун Қимдир жонини берганини сеза бошласангиз, Мен сизни ўз ҳаётингизни қолдиқсиз ва тезкорлик билан Раббимиз ва Қутқарувчимиз Исо Масихга топширишингизга чақирар эдим.



ҚАРОРГА ЁНДАШИБ



Қўпчиликка масиҳий бўлиш учун қарор қабул қилиш фикри нотанишдир. Баъзилар ўзларини аллақачон масиҳий, деб фараз қилади, чунки улар масиҳий давлатда туғилганлар. «Ахир бизлар яҳудий эмас, мусулмон эмас, буддавий эмас, демак, ўйлашимизча, биз масиҳийлармиз!» — дейди улар. Бошқалари эса, масиҳийча тарбиядан ташқари уларни масиҳийча ишонч белгисини қабул қилиш ва масиҳийлик ахлоқ меъёрларидан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди, деб ўйлайдилар. Бироқ, ота-оналарга ва тарбияга қарамай, ўзини мустақил, деб билган катта ёшлилар Масих «томонида»ми ёки «қарши»ми, ўзи қарор қабул қилиши керак. Бетараф бўлиш мумкин эмас. Масиҳийликка тўсатдан ёки ўзича келиб бўлмайди. Ҳеч ким биз учун уни бажармайди. Ўзимиз қарор қабул қилишимиз керак.

Ҳаттоки, мана шу китобда шу еригача ёзилганлар билан рози бўлиш ҳам етарли эмас. Масиҳнинг илоҳий табиатининг гувоҳлиги У ҳақиқатан Худо Ўғли, Унга ишонишга мажбур қилиб, ҳатто якуний ху-

лоса қилишга рози бўлиш мумкин; У дунё Қутқарув-чиси бўлиш учун келди ва ўлди, деб ишониш мумкин; биз гуноҳкор бўлиб, шу Қутқарувчига муҳтожлигимизни тан олишимиз мумкин. Бироқ, буларнинг бари бизни масиҳий қилмайди. Масиҳнинг шахси ва ишлари ҳақида алоҳида далилларга ишониш — бу дастлабки керакли қадам, аммо ҳақиқий иймон тасаввурдаги ишончни қатъий ишончга олиб келади. Ақлий ишонч шахсий содиқликка олиб бориши лозим.

Илгари, менинг ўзим ҳам Масиҳнинг хочда ўлиши натижасида бутун дунё Худо олдида оқланган, деб ўйлар эдим. Илк бор менга нисбатан Масиҳ ва Унинг нажотини баҳолашга таклиф қилганларида мен гангиб қолиб, ғазабланганим ҳамон ёдимда. Мен Худодан миннатдорман, чунки кейин У менинг кўзларимни очди ва менга Нажоткор кераклигини тан олишимдан кўра, мен каттароқ нарса қилишим кераклигини кўрсатди. Уни Нажоткорим деб тан олишим керак эди. Шубҳасиз, бу кишилиқ олмоши Инжилда ажралиб туради.

Худованд — Чўпоним менинг, мен муҳтожлик кўрмайман асло.

Худовандим — меним нурим ва менинг нажотим.

Эй Худойим, Сен — менинг Худойим.

Ҳақиқатдан ҳам, Раббим Исо Масиҳни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масиҳга сазовор бўлай деб ҳатто ахлат ҳисобландим.

Кўп изланувчиларга (мен ҳам уларнинг орасида эдим) бу керакли ишонч қадамини тушунишга ёрдам

берган Масиҳнинг сўзлари Инжил оятларининг бирида бор. У шундай деган: **«Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен ўшанинг олдида кираман. Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўрамиз»** (Вах.3:20). Бу оятни Холман Хант ўзининг 1853 йилда чизилган машҳур «Дунёнинг нури» номли суратида тасвирлаган. Унинг асл нусхаси Оксфордда Хибл колледжининг бутхонасида илиниб турибди, унинг нусхаси эса (рассомнинг ўзи қирқ йилдан сўнг чизгани) Авлиё Павлус Ибодатхонасида илинган. Джон Рескин «Таймс» рўзномасига 1854 йил май ойида йўллаган хатида шундай деб ёзади:

Суратнинг чап томонида биз инсон қалбидаги эшикни кўрамиз. У маҳкам михлангандир; сурма зулфинлар ва михлар занглаган; У жудаям маҳкам ва биз кўрамизки, у ҳеч қачон очилмаган. Унинг устида кўршапалаклар, остона атрофи маймунжон, қичитқи ўт ва ҳосилсиз бошоқлар билан ўсган... Масиҳ унинг олдида тунда яқинлашди...

У шоҳона кийим ва тиканли чамбар кийган, чап қўлида чироқни (дунёнинг нури каби) ушлаб турибди ва ўнг қўли билан эшикни тақиллатяпти.

Бу оятнинг маъноси ҳам кўп нарсани ёритади (Ваҳий, 3-бобга қаранг). У Масиҳнинг охириги хатида кўринади. У Лаодикия жамоатига Юҳанно орқали ёзилган. Бу шаҳар ҳозир Туркияда жойлашган. Лаодикия яшнаётган шаҳар бўлиб, матолари ва кийимлари, фригия кўз кукунларини ишлаб чиқарувчи донғи кетган тиббиёт мактаби, бой банклари билан машҳур бўлган.

Моддий ривожланиш ўзидан қониқиш руҳини олиб келди. Бу эса масиҳийларнинг жамоатини бузди. Бу нарсалар билан қониққанлар айнан масиҳийлар бўлган ва улар фақатгина ўзларини масиҳий, деб аташган. Улар ҳурматли бўлганлар. Уларнинг диний қизиқишлари жуда майда ва тасодифий бўлган. Худди Лаодикияга келадиган Гиераполиснинг иссиқ сув манбаларидек, улар Исонинг гапларига қараганда на иссиқ ва на совуқ бўлганлар, демак илиқ бўлишган. Бу дегани улар Исога бефарқ эдилар. Бу руҳий илиқлик ўзини руҳий алдаш, деб тушунтирилади. Сен айтасан: «Мен бойман, ҳеч нарсада муҳтожлигим йўқ»; билмайсанми сен бечора ва аянчли, кўр ва яланғочсан.

Мағрур ва яшнаган Лаодикиянинг тасвирини қаранг-а! Улар кўр ва бечора яланғоч, ўзларининг кийимлар фабрикаси борлигига қарамай яланғоч, фригия кўз кукунлари борлигига қарамай кўр, банклари борлигига қарамай бечора.

Ҳозир бизнинг улардан фарқимиз йўқ. Балки биз уларга ўхшаб айтармиз: «Менга ҳеч нарса керак эмас». Ундан ҳам руҳий хавфли бўлган сўзларни топиш қийин. Айнан бизнинг мустақиллигимиз Масиҳга бўйсуншимиздан ушлаб туради. Албатта, Масиҳ бизга керак! Масиҳсиз биз маънавий яланғочмиз (Худонинг ҳузурига тўғри келадиган кийим йўқ), руҳий ҳақиқатни ва бечораликни кўра олмаймиз. Биз Худонинг хайрихоҳлигини ҳеч нарса билан сотиб ололмаймиз. Лекин Масиҳ бизни солиҳлик билан кийинтириши мумкин, тегиши билан кўришимиз мумкин ва руҳий эзгуликларга бой қилиши мумкин. Масиҳсиз, Унга эшигимизни очмасдан, биз, кўр, яланғоч ва бечорамиз.

«Мана, эшик олдида туриб тақиллатяпман», дейди У. Бу диний романнинг ўйлаб топилган шахси эмас. Бу Носиралик одам. Унинг феъл-атвори ва тирилиши Худонинг Ўғли эканлигини тасдиқлайди. У яна хочга михланган Нажоткор. Тақиллатаётган қўлларидан из бор. Остонада турган оёқларда михларнинг излари бор.

У тирилган Масихдир. Юҳанно Уни Ваҳий китобининг биринчи бобида рамзий маънода изоҳлаган. Унинг кўзлари оловли учқунли бўлган, оёқлари эса қўрада қизитилган мисдек. Унинг овози сувнинг шовқинидек, юзи эса қуёшдек. Ажабланарли эмаски, Юҳанно Унинг оёқлари остига йиқилган. Шундай буюк Зот биздек кўр ва бечораларнинг олдига тушганини тушуниш қийин.

Шунга қарамасдан, Исо Масих бизнинг ҳаёт эшикларимиз олдида туриб, тақиллатаётгани ва кутаётгани ҳақида гапиради. Эътибор беринг, У эшик олдида турибди, уни итармаяпти. Биз билан гаплашаяпти, бақирмаяпти. Агар уйнинг Исога тегишлилигини эсласак жуда ҳам ажойиб бўларди. У архитектор, бу уйни У ўйлаб топган. Бу уйни У қурган. У хўжайин, У Ўзининг қони билан бу уйни сотиб олган. Уй қурилиш ва сотиб олиш режаси бўйича Унга тегишлидир. Биз фақатгина ўзимизга тегишли бўлмаган уйда яшовчилармиз. У эшикни елкаси билан итарса бўларди, лекин У қўли билан тақиллатишни маъқул кўрди. У бизга эшикни очишни буюрса бўларди; лекин У фақатгина эшик очишни таклиф қилди. У ҳеч кимнинг ҳаётида Ўзининг ҳузурини мажбур қилмайди. У 18 оятда айтади: «Сенга маслаҳат бераман...» У буйруқлар берса бўларди; лекин Унга маслаҳат бериш

етарли. Унинг бизга берган камтарлиги ва кўнгилчанлиги, озодлиги шудир.

Лекин нима учун Исо Масих киришни хоҳлайди? Биз аллақачон жавобини биламиз. У бизнинг Раббимиз ва бизнинг Нажоткоримиз бўлишни истайди.

У бизнинг Раббимиз бўлиш учун ўлди. Агар биз Уни қабул қилсак, У бизга Ўзининг ўлими билан сотиб олинган эзгуликларни шахсан совға қилиши мумкин. Уйга кириб, янгилайди, қайта қуради ва бошқа жиҳозларни олиб киради. Демак, У бизни кечиради ва поклайди; бизнинг ўтмишимиз ўчирилади. У биз билан ва бизга У билан кечани ўтказишга рухсат беради. Бу ибора У билан бўлган хурсандчиликни тасвирлайди. У фақатгина Ўзини бизга бермаяпти, балки ўзимизни ҳам Унга беришни сўраяпти. Биз таниш эмас эдик; энди эса биз дўстлармиз. Бизнинг орамизда эшик бор эди; энди эса бир дастурхон атрофида ўтирибмиз.

Исо яна бизнинг Раббимиз ва Хўжайинимиз каби киради. Бизнинг ҳаёт уйимиз Унинг бошқарувига ўтади ва агар биз хоҳламасак эшикни очиш бефойдадир. У остонадан ўтганда, Унга ҳар бир хонага кириш учун ҳамма калитни беришимиз керак. Бир куни 4-курс талабаси менга қуйидагиларни ёзди: «Мен Исога ҳар бир хонага кириш учун ҳамма калитларни бериш ўрнига, ҳамма эшикларга тўғри келадиган битта калитни бердим». Бу учун тавба қилиш керак. Унга ёқмайдиган нарсалардан юз ўгиришимиз керак. Биз Уни киришга таклиф қилишдан аввал яхши нарсалар қилишга ҳаракат қиламиз. Лекин аксинча бўлиши керак, яъни биз ўзимиз ҳеч нарса қилолмаганимиз учунгина Уни таклиф қилишимиз керак. У

кириб, ўзгаришлар киритиш учун биз ҳамма ўзгаришларга тайёр бўлишимиз керак. Ҳеч қандай қаршилик ёки ўзимизнинг шахсий шартларимизни қўйишга ҳаққимиз йўқ. Масиҳнинг ҳокимлигига шартсиз бўйсуниб керак. Бу нима дегани? Мен уни майдалаб тасвирлаб беролмайман. Умуман олганда, бу ёвузликни рад қилиб, Масиҳга эргашиш керак дегани.

Ҳалиям шубҳаланяпсизми? Сиз Масиҳга кўр-кўрона бўйсуниб ақлга сиғмайдиган нарсаси, деб айтаяпсизми? Албатта бу ундай эмас. Бу никоҳни расмийлаштиришдан ҳам аълороқ нарсасидир. Никоҳда эркак ва аёл бир-бирларига шартсиз бўйсунадилар. Эрхотин келажакда уларни нима кутишларини билмайдилар. Улар бир-бирларини севиб, бир-бирларига ишонадилар. Улар бир-бирларини «охиригача, ёмонликда ва яхшилиқда ҳам, бойликда ва ночорликда ҳам, соғликда ва касалликда ҳам; ўлим уларни ажратмагунча қолдирмайдилар. Бир-бирларини севиб, қадрлайдилар». Агар инсон бир-бирига шундай ишонсан нима учун биз Худонинг Ўғлига шундай ишонмаймиз? Меҳрибон ва эзгу инсонларга эмас, илоҳий Масиҳга ишониш донолироқдир. Исо ҳеч қачон бизнинг иймонимизни сотмайди ва уни суиистеъмол қилмайди.

Демак, биз нима қилишимиз керак? Биринчидан, Унинг овозини эшитишимиз керак. Баъзан биз Унинг овозини виждонимиз қийналганидан, баъзан эса онгимизнинг изланишидан излашимиз мумкин. Бу маънавий зарба ёки бўшлиқ ҳисси ва мавжудлигимизнинг маъносизлиги ёки таърифлаб бўлмайдиган очлик ёки касаллик, айрилиқ, оғриқ ёки қўрқув бўлиши мумкин. Бу эса Масиҳнинг эшик ортида туриб биз

билан гаплашаётганини кўришимизга ёрдам беради. Унинг чақируви дўстимиз, воизхон ёки китоб орқали келиши мумкин. Унга қулоқ солишимиз керак. «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!», дейди Исо.

Кейин эшикни очиш керак. Унинг овозини эшитиб, Унинг эшикни тақиллатишига жавоб беришимиз керак. Исо Масих учун очилган эшик, бу Уни Нажоткор деб таърифлашга ва Унга Раббимиздек бўйсунишга яққол тушунтиришдир.

Бу аниқ бир ҳаракатдир. Бу юнон феъли турган жой шубҳага жой қолдирмайди. Эшик тасодифан очилиб кетмайди ва у озгина очик эмас. Эшик ёпиқ ва уни очиш керак. Бундан ташқари Масих эшикни ўзи очмайди. Холман Хантнинг расмида эшикнинг тутқичи йўқ, ушлаш учун ҳеч нарса йўқ. Айтадиларки, рассом атайлаб шундай қилган, у эшикнинг тутқичи ичидан бўлганлигини кўрсатмоқчи бўлган. Масих тақиллатаяпти.

Бу алоҳида ҳаракатдир. Ҳақиқатдан ҳам, хат номигагина бўлган жамоатга, Лаодикиянинг «илиққина» жамоатига қаратилган. Аммо чақирув ҳар бир одамга шахсан қаратилган: «Агар ким Менинг овозимни эшитиб, эшикни очса, у ерга кираман». Ҳар бир одам қарор чиқариши керак ва бу қадамни ўзи қилиши керак. Ҳеч ким сизнинг ўрнингизга буни қилмайди. Ота-оналар ва масихий ўқитувчилар, дўстлар ва руҳонийлар йўл кўрсатиши мумкин. Сизнинг ва фақат сизнинг қўлингиз зулфини суриш ва тутқични буриш керак. Бу ноёб ҳаракат. Бундай қадам дунёда бир марта қилинади. Исо кирганда, У эшикни ёпади ва ичкаридан қулфлаб олади. Гуноҳ уни ертўлага ёки чордоққа боришга мажбур қилиши

мумкин, аммо Исо кирган уйидан ҳеч қачон чиқиб кетмайди. «Сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман ва тарк этмайман», дейди У. Мен ташвишларингиздан гўё фаришталарнинг қанотларидек чиқиб кетасизлар, демоқчимасман. Мен бир зумда комил инсонга айланасиз, демоқчимасман.

Бир зумда масиҳий бўлиш мумкину, аммо етук масиҳий бўлолмайсиз. Масиҳ бир неча сонияга кириши, тозалаши ва сизни кечириши мумкин, лекин феъл-атворингиз ўзгариши ва Унинг иродаси бўйича тузилиши учун кўпроқ вақт керак бўлади. Келин ва куёв, эр ва хотин бўлишлари учун бир неча дақиқа керак бўлади, лекин икки кучли ирода бир бўлиши учун уларга кўп йиллар керак бўлади. Бу ҳаракат ҳозир зарур. Керак бўлгандан ортиқ вақт кутманг. Вақт ўтиб кетмоқда. Келажак аниқ эмас. Балки сизга ҳеч қачон бундай яхши имкон берилмас. **«Эртанги кун билан мақтанма, унинг нима олиб келишини билмайсан-ку!»** (Ҳик.27:1). **«Қанийди, бугун Менинг овозимга қулоқ солсангиз! Менга қарши исён қилган оталарингиздай тош юрак бўлманглар»** (Ибр.3:7–8). Масиҳнинг ҳузурида яхшироқ, лойиқроқ бўлиш учун ёки ҳамма муаммоларингиз ҳал қилмагунингизгача ҳаракатингизни сусайтирманг. Агар сиз Исо Масиҳ Худонинг Ўғли эканлигига ва сизга нажот бўлиш учун ўлганига ишонсангиз бунинг ўзи етарли. Қолгани ўз вақтида кўринади. Ҳақиқатдан ҳам шошилинч ҳаракатда хавф бор; лекин шундай хавф сустликда ҳам бор. Агар юрагингизнинг тубида ҳаракат қилиш кераклигини сезсангиз, ортиқ чўзиб бўлмайди. Бу зарур бўлган ҳаракат. Албатта масиҳийлик ҳаётида бундан бошқа кўп нарсалар бор. Кейинги бобда

кўришимиз мумкинки, у ерда жамоатдаги мулоқотга қўшилиш, Худонинг иродасини билиш ва унга риоя қилиш; иноятда ўсиш ва Худога, одамларга хизмат қилишга интилиш ва тушуниш бор; лекин бу қадам фақат бошланишдир ва ҳеч нима буни ўзгартира олиши мумкин эмас. Масиҳга онгли равишда ишониш ва У билан фахрланиш мумкин; Унга эшик тирқиши орқали ибодат қилишимиз; Уни шафқатлироқ қилиш учун эшик тагидан танга тикишимиз; одобли, ҳақгўй ёки аҳлоқий ва яхши инсон бўлишимиз; диндор бўлишимиз, сувда чўмдирилишимиз ва жамоат аҳли қаторига қўшилишимиз; фалсафий динга чуқур берилишимиз; илоҳиётни ўрганишимиз ёки қўл қўйиб марҳаматлашимиз мумкин. Руҳоний бўлиш мумкин, лекин буларнинг бари ҳали ҳам Масиҳга эшик очишни билдирмайди. Буни ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди.

Бир ўсмир бола ўз ётоқхонасида тўшаги ёнида тиз чўкиб турарди. У оддий тарзда, лекин қатъий ҳолда Масиҳга ўз ҳаётида алданганини айтди; ўз гуноҳларини тан олди. Масиҳ у учун ўлганига шуқур айтди ва унинг ҳаётига киришини сўради. Кейинги кун кундалигига ёзиб қўйди:

«Кеча кўп нарса содир бўлди! Шу пайтгача Исо охирги ўринда эди, мен унга бутун бошқарувни топшириш ўрнига, мени бошқаришни сўрадим. У эса турарди ва тақиллатарди. Мен Уни эшитдим ва энди У менинг уйимга кирди. У уйни тозалади ва энди уни бошқаряпти..».

Бир кундан кейин:

«Кун бўйи чиндан ҳам буюк ва янги қувончни ҳис этдим. Бу дунёда тинчликка эга бўлиб, Худо билан

муносабатда бўлиш қувончдир. Қандай яхши, мен биламанки, У мени бошқаради ва мен ҳеч қачон Уни олдин ҳақиқатдан ҳам билмасдим».

Бу менинг шахсий кундалигимдан бир парчадир. Мен матндан парча келтиришга таваккал қилдим, чунки мен ўзим қилмаган қадамни қилишга чақиришни хоҳламадим.

Сиз масиҳиймисиз? Ҳақиқий содиқ масиҳиймисиз? Сизнинг жавобингиз — жамоатга борасизми йўқми, имон рамзига ишонасизми йўқми, муносиб ҳаёт кечираяпсизми, йўқми каби саволларга боғлиқ эмас, балки: эшигингизнинг қайси томонида Исо Масиҳ турибди? У ичкаридами ёки ташқаридами? каби саволларга берган жавобингизга боғлиқ. Бу энг муҳими!

Балки сиз Исо Масиҳга эшигингизни очишга тайёрсиз. Агар ишончингиз комил бўлмаса, буни қилдингизми, йўқми, менинг маслаҳатим, агар сиз сиёҳ билан қаламда ёзилганнинг устидан чизаётгандек бўлсангиз ҳам ишонинг.

Мен сизларга ибодат учун ёлғиз қолишни таклиф қилмоқчиман. Раббимиз олдида гуноҳларингизни тан олинг ва уларни рад этинг. Исо Масиҳни сиз учун ва сизнинг ўрнингизга ўлганига миннатдорчилик билдиринг. Кейик эшигингизни очиб, Уни ўзингизнинг шахсий Нажоткорингиз сифатида киришини сўранг.

Балки, сизга юрагингизда такрорлаган ибодатингиз ёрдам берар.

Раббим Исо Масиҳ, мен ўз шахсий йўлим билан борганимни тан оламан. Мен фикримда, гапимда ва ишимда гуноҳ қилдим. Менинг гуноҳларимни кечиргин. Мен улардан тавба орқали юз ўгираман.

Сен мен учун Ўз танангда менинг гуноҳларимни олиб, йлганлигинга ишонаман. Сенинг буюк севгинг учун миннатдорман. Энди мен эшикларимни очаман. Раббим Исо киргин! Менинг Қутқарувчим сифатида киргин ва поклагин. Менинг Қутқарувчим сифатида киргин ва мени бошқаргин. Мен Сенга хизмат қиламан, чунки Сен менга ҳаётимда куч берасан.

Омин.

Агар сиз шу ибодат билан чин юракдан ибодат қилган бўлсангиз, камтарлик билан Масиҳни сизнинг ҳаётингизга кирганлиги учун миннатдорчилик билдиринг. Чунки У кираман, деб ваъда қилган. У бизга ваъда берган. «Кимда ким Менинг овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг олдига кираман...» Ўзингизнинг ҳисларингизга эътибор берманг; Унинг ваъдасига ишонинг ва У ваъдасининг устидан чиққанлиги учун миннатдорчилик билдиринг.



МАСИҲИЙ БЎЛИШ



Бу охирги боб Исо Масиҳга ўз ҳаёт эшикларини очиб берганлар учун ёзилган. Улар ўзларини Исога топширганлар. Шу тарзда улар масиҳийча ҳаётни бошладилар. Масиҳий бўлиш бу бир нарса, лекин масиҳийча яшаш бошқа нарса. Энди биз «масиҳийча яшаш» деган сўзлар нимани англатиши билан танишиб чиқамиз.

Сиз иккинчи қадамни босдингиз: Масиҳни ўзингизнинг Нажоткорингиз сифатида келишни таклиф қилдингиз. Ўша пайтда ғаройиб нарса бўлди, буни фақат мўъжиза деб аташ мумкин. Унинг инояти билан сиз тавба қилган ва ишонган Худо сизга янги ҳаёт берган. Сиз қайта тирилдингиз. Сиз Худонинг фарзанди бўлдингиз ва Унинг оиласига кирдингиз. Балки, сиз жисмоний туғилганингизда ҳеч нарсани англамаганингиздек, бўлиб ўтган нарсаларни ҳам англамагандирсиз. Ўзлигини англаш, сиз кимлигингизни тушуниш, бу шахсий ривожланиш жараёнининг бир қисмидир. Шунга қарамасдан, туғилганингизда сиз дунёга янги ва мустақил шахс сифати-

да чиқдингиз, бу ерда ҳам шундай: сиз қайта руҳан туғилганингизда, сиз Масихда янги ижод бўлдингиз.

Аммо (сиз ўйлашингизча) Худо барча инсонларнинг Отаси эмасми? Барча инсонлар Худонинг фарзандлари эмасми? Ҳа ва йўқ. Албатта, Худо барча инсонларнинг Яратувчиси ва уларнинг ҳаммаси Унинг наслидир ва ўзларининг мавжудлигини Ундан олганлар (Масалан, Ҳав.17:28 га қаранг). Лекин Муқаддас Китоб Яратувчининг мавжудотларга бўлган муносабатидек Худонинг бутун инсонларга бўлган муносабатини аниқ ажратади ва отанинг фарзандга махсус муносабатидек, У Исо Масих орқали янги ижод бўлганлар билан муносабат қуради. Юҳанно ўзининг Хушхабари муқаддимасида қуйидагиларни ёзиб тушунтиради: **«У (яъни Исо) Ўз юртига келди, лекин Ўз халқи Уни қабул қилмади. Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди. Улар... Худодан туғилган фарзандлардир»** (Юҳан 1:11–13).

«Улар» сўзи билан бошланадиган эргаш гап бир хил одамларни тасвирлайди. Худонинг фарзандлари — булар Худодан туғилганлар, Масихнинг ҳаётини қабул қилган ва Унинг исмига ишонганлардир.

Худонинг фарзанди бўлишнинг маъноси нима? Ҳар бир оилада аъзолик каби имтиёздек масъулият ҳам назарда тутилади. Уларни кўришимиз учун биз қарашни давом эттиришимиз лозим.

Масихийлик имтиёзлари

Худонинг оиласида қайта туғилганларнинг ягона имтиёзи — уларнинг Худо билан боғлиқлигидир.

Келинг бу муносабатларни кўриб чиқамиз.

Яқин муносабатлар

Олдин кўрганимиздек, бизнинг гуноҳларимиз Худодан ажралишга олиб келади. Улар бизнинг орамизда тўсиқ каби бўлди. Бошқача қилиб айтганда, биз бутун жаҳон Ҳакамнинг адолатли айблови остида бўлгандик. Лекин ҳозир бизнинг гуноҳларимизни олган ва биз имонда бирлашган Масих орқали «оқландик», яъни Худо бизни қабул қилган ва солиҳ, деб эълон қилинганимиз. Бизнинг Ҳакамимиз — бизнинг Отамиз бўлади. Ота бизга қандай севгини берганлигига қаранг, шунинг учун биз Худо фарзанди, деб аталганмиз; «биз айнан шундаймиз», деб ёзган Юҳанно. «Ота» ва «Ўғил» — бу икки унвонни Исо Худого ва Ўзига берган. У бизга ҳам шу номларни ишлатишимизга ижозат беради! Исо билан иттифоқда бўлишимиз, Унинг Ота билан шахсий яқин муносабатидан имтиёзларга эга бўлиш ижозат этилган.

Ниҳоят, биз Худонинг ибодатини иккиюзламачиликсиз айта оламиз. Авваллари сўзлар қандайдир маъносиз эди; энди эса улар янги ва шукрона маъноларига эга. Худо — чиндан ҳам бизнинг Самовий Отамиздир. У муҳтожликларимизни билади ва ҳеч қачон ўз фарзандларини марҳаматлашдан чарчамайди.

Балки баъзан Унинг қўллари билан биздаги баъзи нарсаларни тўғирлаш керак бўлади, чунки **«Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди, Фарзанд қилиб олган ҳар бир одамни жазолайди»** (Ибр.12:6). Аммо шунда ҳам У бизга ўғилларидек муносабат қилади ва ўз манфаатимиз учун бизни жазолайди. Шундай севувчи, доно ва кучли Ота билан биз ҳамма қўрқувларимиздан халос бўлишимиз мумкин. (Самовий Отамизнинг ғамхўрлиги ҳақида ўқиш учун: Мат.6:7–13, 25–34 ва 7:7–12 га қаранг, Унинг жазоси ҳақида ўқиш учун эса Ибр.12:3–11 га қаранг).

Ишончли муносабатлар

Масихийнинг Худога муносабати худди боланинг отасига муносабатидек нафақат яқин, балки ҳақиқий ҳамдир. Кўпчилик яхшироқ нарсa бўлишга умид қиладигандек туюлади; лекин буни фақат тахминан билиш мумкин.

Бу мумкин бўлгандан ҳам ортиқроқ. Бу Худонинг бизга очган Иродасидир. Биз Худо билан муносабатимизда фақат ўз онгимизнинг тинчлиги ва бошқаларга ёрдам бериш учунгина эмас, балки Худо бизда ишонч бўлишини хоҳлагани учун ишонишимиз керак. Юҳанно ўзининг биринчи мактубини ёзишдан мақсади айнан шу бўлганини қатъий тасдиқлайди: **«Эй Худонинг Ўғлига ишонганлар, сизлар абадий ҳаётга эгасизлар. Шунини билиб олинглар деб, сизларга бу мактубни ёзаямман»** (1 Юҳ.5:13).

Аммо ишончи комил бўлиш — бу фақат ишончни сезиш эмас. Кўпчилик масихийлик ҳаётининг бошидаёқ шу хатони қилишади. Улар кўпинча ўзларининг ташқи ҳисларига ишонадилар. Бугун улар Худога яқинлигини сезадилар, кейинги кун улар яна узоқлашадилар. Улар ҳис-туйғулар ўзларининг руҳий ҳолатини акс эттиради, деб ўйлайдилар ва шунинг учун телбаларча ишончсизликка тушадилар. Уларнинг масихийлик ҳаёти худди арғимчоқ учаётгандек, гоҳо баландлик завқига чиқади, кейин яна руҳий тушкунлик гирдобига тушади. Шунга ўхшаб ҳаёт доимийсизликка, ўзгарувчанликка айланади.

Бундай хатонинг мавжуд бўлиши Худодан фарзандларига тайинланмаган. Ҳис-туйғуларимизга унчалик ҳам ишонмасликни ўрганишимиз керак. Улар жуда ўзгарувчан. Улар иқлимга, шароитга ва соғлигимизга қараб ўзгаради. Биз ўзгарувчан, қайсарликка ва кайфиятга бериладиган мавжудотмиз. Бизнинг ўзгарувчан ҳисларимиз руҳий ўсиш билан умуман боғлиқ эмас.

Биринчидан, Худо Каломда ким Масихни қабул қилса, унга абадий ҳаёт беришни ваъда қиялпти. **«Худонинг гувоҳлиги шундан иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг Ўғли Исодир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига эга бўлмаган одамда эса ҳаёт йўқ»** (1 Юҳ.5:11–12).

Демак, Худонинг сўзига ишониш бу мағрурлик эмас, балки бўйсунтиришдир, ўзига ишониш эмас, балки доноликдир. Шубҳа қилиш ақлсизлик ва гуноҳ бўлади, чунки **«Худонинг Ўғлига ишонган одам Худонинг гувоҳлигини чин дилдан қабул қилган бўлади. Худога ишонмаган одам эса Худони ёлғончига чиқаради, чунки у Худонинг Ўз Ўғли ҳақида берган гувоҳлигига ишонмайди»** (1 Юҳ.5:10).

Муқаддас Китоб Худонинг ваъдаларига тўла. Доно масиҳий уларни эсда тутишга ҳаракат қилади. Кейинчалик у руҳий тушкунликка ва шубҳага тушиб қолганда, У Худонинг ваъдаларидан худди арқон каби юқорига чиқиш учун фойдаланиши мумкин.

Мана, ёдга олиш учун бир неча оятлар. Ҳар бирида Худонинг ваъдаси бор.

Масиҳнинг олдида келсак, У бизни қабул қилади.

Юҳан.6:37

У бизни ушлаб туради ва ҳеч қачон қўйиб юбормайди.

Юҳан. 10:28

У ҳеч қачон бизни ташлаб кетмайди.

Мат.28:20, Ибр.13:5,6

Худо кучимиздан ортиқ синов бермайди.

1 Кор.10:13

Гуноҳларимизни эътироф этсак, У кечиради.

1 Юҳ.1:9

Иккинчидан, Худо бизнинг юракларимиз билан гад плашади. Мана бу тасдиқларни эшитинг: «Муқаддас Рух орқали юракларимиз Худонинг меҳр–муҳаббати билан тўлиб–тошади». «Худо бизга Ўз Рухини берди. Буни яна қул бўлиб, қўрқувда яшашимиз учун эмас, балки Унинг фарзанди бўлиб, Рух орқали Худони “Ота-жон” деб чақиришимиз учун қилди. Худонинг Рухи бизнинг руҳимизга қўшилиб, биз Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради» (Рим. 5:5; 8:15–16). Ҳар бир масиҳий бунинг маъносини яхши билади. Каломдаги Муқаддас Рухнинг ташқи гувоҳлиги, бизнинг тажрибамиздаги Муқаддас Рухнинг ички гувоҳлигини тасдиқлайди. Ибодатларимизда Худонинг юзини излаганимизда, Муқаддас Рух бизни Худонинг севгисига ишонтиради ва «Ота» деб чақиришимизни айтади. Бу дегани, биз майда ва ўзгарувчан ҳисларга ишонмасдан, юрагимиздаги чуқур тасдиқни кутишимиз керак.

Учинчидан, Каломда ва тажрибада биз Унинг фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик берадиган ўша Рух — ўзининг гувоҳлигини бизнинг феъл–атворимизда яқунлайди. Агар биз Худонинг оиласида янгидан туғилсак, демак, Муқаддас Рух бизда яшайди. Аслида Муқаддас Рухнинг бизда мавжудлиги ва яшаши — Худо фарзандларининг катта имтиёзларидан биридир. Бу уларни ажратиб турадиган жиҳатдир: **«Кимки Масиҳнинг Рухига эга бўлмаса, у Масиҳга тегишли эмас». «Худо Рухининг етакчилигида яшайдиганларнинг ҳаммаси Худонинг фарзандларидир»** (Рим. 8:9–17)

Исо бизнинг ичимизга киргач, жуда кам вақт ичида У ҳаёт тарзимизни ўзгартира бошлайди. Юҳанно ўзининг биринчи мактубида бу ҳақда шафқатсиз тарзда

айтади. Агар кимдир Худонинг амрларини бажаришга ва яқинлари олдидаги фарзини бажаришга қайсарлик қилса, у нима дейишидан қатъий назар, масиҳий эмас. Солиҳлик ва севги — Худо фарзандларининг алмаштириб бўлмайдиган жиҳатидир.

Содиқ муносабатлар

Фараз қилайлик, биз Худо билан яқин муносабатга кирдик ва Худонинг Каломидан ишонч ҳосил қилдик, лекин бундай муносабатлар ишончлими? Ҳозир Худо оиласида туғилиб, бир неча сониядан кейин рад этилишимиз мумкинми? Муқаддас Китоб бу муносабатларнинг доимийлигини кўрсатади. «Агар фарзанд бўлсак, демак меросхўр ҳаммиз» — деб ёзади Павлус. — Худонинг меросхўри — Масиҳнинг меросхўри. Кейин Худо фарзандлари ҳар доим қўриқланишини, зеро ҳеч нима ва ҳеч қачон бизни Худо севгисидан айира олмаслигини Римликларга мактубнинг 8-бобида исботлаб давом эттиради. «Лекин гуноҳ қилганимда нима содир бўлади» — деб сўрашингиз мумкин. «Ўғиллик ҳуқуқимдан рад этилиб, унинг фарзанди бўлмайманми?» Йўқ. Буни дунёвий оила билан солиштиринг. Бола ўзининг ота-онасини қўполлик билан хафа қилади. Уларнинг уйига булут тушади. Ота ва бола гаплашмайдилар. Нима бўлди? Бола ўғил бўлмай қолдими? Йўқ... уларнинг ўзаро муносабати ўзгармади: уларнинг мулоқоти бузилди. Муносабат туғилишга боғлиқ, мулоқот ўзни тутишга боғлиқ. Бола кечирим сўраши билан, у кечирилади. Кечирим эса муносабатни тиклайди. Шу вақт давомида уларнинг ўзаро муносабати аввалгидек эди. Балки бола вақтинчалик қулоқсиз ва бўйсунмайдиган ўғил бўлган, аммо у ўғил бўлишини давом эттирган.

Худонинг фарзандлари билан ҳам айнан шундай. Биз гуноҳ қилганимизда гуноҳимизни эътироф этиб, ундан воз кеча олмагунимизча мулоқотимиз бузилган

бўлади, аммо биз Худо билан фарзандек муносабатимизни рад этмаймиз (1 Юҳ.1:9; 2:1–2).

Шундай қилиб, бугун нимадир содир бўлган бўлса, уни тузатиш учун кечгача ёки кейинги якшанбагача кутманг. Бунинг ўрнига тиз чўкинг, шу заҳоти тавба қилинг ва камтарона Отанинг кечиримини изланг. Виждонингизни тоза ва булганмаган ҳолда сақлашга ҳаракат қилинг. Бошқача қилиб айтганда, биз бир марта оқланамиз, аммо бизга ҳар куни кечирим керак. Исо шогирдларининг оёқларини ювиб, намуна кўрсатди. Бутрус Ундан унинг қўллари ва бошини ювишини ҳам сўради. Лекин Исо жавоб берди: «Чўмилган одам фақат оёғини ювса бас, у тамоман покдир». Қуддусга байрамга борадиган одам боришдан олдин ювинади. У дўстининг уйига етиб келганда, унга яна бир бор ювинишни таклиф этишмайди, аммо хизматкор остонада унинг оёқларини ювиб қўяди. Шу сингари, биз Масихга тавбага ва имонга келганимизда биз «ванна» қабул қиламиз (бу оқланиш ва сиртдан сувга чўмдирилишнинг рамзи). Бунинг бошқа қайтаришнинг ҳожати йўқ. Лекин дунёнинг чанг кўчаларидан юрарканмиз, ҳар доим оёқларимизни ювишимиз лозим (бу ҳар кунги кечиримдир).

Масихийнинг мажбуриятлари

Худонинг фарзанди бўлиш — ажойиб имтиёздир. Лекин у баъзи мажбуриятларни ҳам кўзда тутати. Бутрус ўзининг биринчи мактубида: **«Янги туғилган чақалоқ соф она сутини тусагандай, сизлар ҳам Худо каломига ташна бўлинглар. Калом билан озиқланиб, улғайиб, нажотга эришинглар»**, деганда айнан шуни назарда тутган (1 Бут.2:2).

Худо фарзандининг катта имтиёзи — муносабат қилиш, буюк масъулият эса ўсиш ва улғайишни назарда тутати. Болаларни ҳамма яхши кўради. Лекин ақли

расо одам доимо бешикда қолиб кетишни хоҳламайди. Фожеа шундаки, кўпгина қайтадан туғилган масиҳийлар ўсмасдан эски ҳолича қолиб кетадилар. Бошқа томондан бизнинг Самовий Отамиз «Масиҳдаги гўдаклар»ни «Масиҳда етук» бўлишга чақирган. Туғилиш орқасидан ўсиш бўлиши керак.

Масиҳий ўсиши керак бўлган икки жабҳа бор. Биринчиси — тушуниш, иккинчиси — муқаддаслик. Биз масиҳий ҳаётимизни бошлаган пайтда, балки жуда кам тушунамиз ва Худони эндигина билган бўламиз. Энди биз Худойимиз ва Нажоткоримиз Исо Масиҳни билишда ўсишимиз керак. Бу билим қисман ақлий, қисман шахсийдир. Юқорида айтилганларга боғлиқ ҳолда, мен сизларга нафақат Муқаддас Китоб ўқишни, балки яхшироқ масиҳийча китобларни ўқишни ҳам тавсия этаман. Тушунишда ўсишнинг муҳимлигига эътибор бермаслик, хатар билан ўйнашмоқни билдиради.

Ҳаётимиз муқаддас бўлишда ҳам ўсиш керак. Янги Аҳднинг муаллифлари Худога ишонишнинг ривожланиши, яқинларини севиш ва Масиҳга ўхшашлик ҳақида гапиришади. Худонинг ҳар бир фарзанди феъл-атвори ва хулқида борган сари Исога ўхшаш бўлишини истайди. Масиҳийлик ҳаёти бу солиҳлик ҳаёти.

Биз Худо амрларини ва иродасини бажаришга интилишимиз керак. Муқаддас Рух қисман шунинг учун ҳам берилган. У бизнинг танамизни Ўзининг маъбади қилди. У бизда яшайди. Биз Унинг ҳукмига бўйсунганимизда ва Унга эргашганимизда, У биздаги ёмон ниятимизни босади ва «севги, шодлик, тинчлик, сабр-тоқат, эзгулик» бўлган ўз самараларини келтиради (Гал. 5:16; 22–23).

Лекин биз қандай ўсишимиз керак? Рухий ривожланишнинг учта асосий сири бор. Айнан ўша учта сир Худо фарзандларининг асосий мажбуриятлари ҳисобланади.

Бизнинг Худо олдидаги бурчимиз

Бизнинг Худо билан муносабатимиз ишончли бўлса ҳам, тургун эмас. Худо ўз фарзандлари Уни кўпроқ ва яқинроқ билиб ўсишларини хоҳлайди. Биз ҳаммамиз ҳозир бандмиз, бунга вақт ажратишимиз учун, муҳим ишларимизнинг кетма-кетлигини қандайдир тарзда ўзгартиришимиз лозим. Бунинг учун биз ўзимизни қатъий интизомга бўйсундиришимизга тўғри келади. Муқаддас Китоб ва тузатилган будильник билан биз ғалаба сари олға бораётганимизга ишончимиз комил бўлади. Муқаддас Китобни ўқишда ва ибодатнинг орасида мувозанат сақлаш муҳим, чунки Калом орқали Худо биз билан гаплашади, ибодат орқали эса биз.

У билан гаплашамиз. Муқаддас Китобни ўқишни тизимга келтириш яхши бўларди. Кўп турли хил услублар мавжуд. Ўқишдан олдин ибодат қилиб, Муқаддас Рух кўзларингизни очишни ва онгингизни ёритишини сўранг. Сўнгра секин чуқур мулоҳаза қилиб, онгли равишда ўқинг. Яхши таржима билан қўлланнинг. Ёрдам сифатида яхши изоҳ топиш ҳам ёмон бўлмас эди. Сўнгра ўқилган оятларнинг мазмунини ҳаётингиздаги вазиятларда қўллашга ҳаракат қилинг. Даъво қилиш мумкин бўлган ҳаётни, бажариш керак бўлган амрларни, эргашиш керак бўлган намуналарни, қочиш керак бўлган гуноҳларни изланг. Ҳамма билиб бораётган нарсаларни ёзиб бориш учун дафтар бўлиш ҳам фойдали. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ Исо Мисихни изланг. У Муқаддас Китобнинг асосий мавзуси. Биз Муқаддас Китоб саҳифаларида нафақат У ўзини очиб беришини, балки У билан шахсий танишишни топишимиз мумкин.

Табиий ҳолки, бунинг ортида ибодат турибди. Ҳозиргина Худо сиз билан гаплашган жавоб билан бошланг. Гапнинг мавзусини ўзгартирманг! Агар У сиз билан Ўзи ва Унинг шухрати ҳақида гаплашган бўлса,

Уни улуғланг. Агар У сиз ва сизнинг гуноҳларингиз ҳақида гаплашган бўлса, уларни эътироф этинг. Парчада очилган ҳамма марҳаматлари учун Уни улуғланг ва сиз ҳамда сизнинг дўстларингиз бу дарсни ўқиши учун ибодат қилинг.

Муқаддас Китобдаги ўқиган нарсаларингиз учун ибодат қилганингиздан сўнг, сиз бошқа ибодатлар қилишни хоҳлаб қоласиз. Агар Муқаддас Китоб ибодатингизда биринчи ёрдамчи бўлса, унда кундалик иккинчиси бўлади. Эрталаблари шу куннинг ҳамма тафсилотларини каломга ишониб топширинг, кечқурун эса, ўтиб бораётган кунга яна бир бор назар ташлаб, қилган гуноҳларингизни тан олиб, ёзиб қўйинг.

Берган марҳаматлари ва шу кунда учратган одамларингиз учун ибодат қилиб, гуноҳларингизни эътироф этинг. Худо сизнинг Отангиз. Табиий, ишонувчи ва жасур бўлинг. Унга сизнинг ҳаётингизнинг барча тафсилотлари қизиқ. Тез орада ибодат қилиш зарур, деб билган дўстларингиз ва қариндошларингизнинг ибодат рўйхатини тутиш зарурлигини тушунасиз. Бу рўйхатдан исмларни қўшиш ёки олиб ташлаш осон бўлиши учун уни «қулайроқ» қилиш мумкин.

Жамоат олдидаги бизнинг қарзимиз

Масиҳийча ҳаёт фақатгина шахсий ишингиз эмас. Агар биз Худонинг оиласида қайта туғилган бўлсак, нафақат У Ота бўлади, балки дунёдаги барча масиҳийлар, бизга опа–сингил ва биродар бўлиб қолади. Янги Аҳдда масиҳийларнинг одатий номи бу «биродар»дир. Бу буюк ҳақиқат. Лекин фақатгина бутун дунё жамоатининг аъзоси бўлиш етарли эмас; биз маҳаллий бўғинларига тегишли бўлишимиз керак. Ундан ташқари қайсидир ўқув юртларида ва бирон бир жойда масиҳийлар уюшмаси бўлиш етарли эмас. (Мен умид қиламанки, сиз фаол қатнашчилар бўласизлар). Ҳар бир

масиҳийнинг жойи маҳаллий жамоат ва у ундаги са-
ждаларга, суҳбатларга ва гувоҳликларига қатнашиши
керак.

Балки сиз қайси жамоатга қўшилишингизни сў-
расиз. Агар сиз уйдаги тарбиянгиз билан бирон бир
жамоатга боғлиқ бўлсангиз ёки охириги пайтларга у ерга
қатнаган бўлсангиз, бу боғлиқликни кичик сабабларга
кўра узиш нодонликдир. Агарда сиз эркин ҳолда ўзин-
гизга жамоат танламоқчи бўлсангиз, унда иккита ўл-
човни қўллашингиз мумкин. Биринчиси хизматчилар-
га тегишли, иккинчиси йиғилишга тегишли. Ўзингизга
бу саволларни бериб кўринг. Хизматчи Каломга бўй-
суниб, ўз ваъзларида Калом хабарини тушунтиришга
интилаяптими ва уни замонавий ҳаётга таққослаяпти-
ми? Йиғилиш Масиҳни, бир-бирини севувчи иймонли-
лар жамоатига қаратилганми?

Сувга чўмдирилиш, бу кўринарли масиҳий уюшма-
сига йўлдир. Биз кўрдикки, унда бошқа маънолар ҳам
бор, лекин сиз сувда чўмдирилмаган бўлсангиз, хиз-
матчига сизни тайёрлашни сўранг. Кейин масиҳийча
мулоқотга қўшилишингизга ижозат беринг. Бошида
кўп нарсалар ғалати туюлиши мумкин, бироқ четда
қараб турманг. Жамотга қатнаш — масиҳийларнинг
вазифасидир. Барча жамоатлар, Қутлуғ Кеча, бу мар-
казий хизмат ва у бир-биримиз билан мулоқот орқа-
ли Исонинг ўлимини эслашга ёрдам беради, деб ҳисо-
блайдилар.

Умид қиламанки, мен якшанбани фақатгина кўн-
гил очадиган кун деган таассурот қолдирмадим! Бошқа
масиҳийларга бўлган севги (бунга олдиндан ишониш
кийин) бу янги ва чин хавотирдир. Масиҳийлар уюш-
масида турли хилдаги одамлар, келиб чиқиши ва ёши
янги, ўзаро дўстликни очиб беради. Масиҳийнинг энг
яқин дўстлари масиҳийлар ва албатта умр йўлдоши
бўлади. (2 Кор. 6:14 га қаранг).

Дунё олдидаги бизнинг қарзимиз

Масиҳийча ҳаёт бу оилавий муносабатлар бўлиб, фарзандлар Ота билан ва бир-бирлари билан қиладиган мулоқотдан баҳраманд бўладилар. Лекин бир сонияга ҳам масиҳий жавобгарлигимиз шу ерда тугайди, деган фикрга йўл қўйманг. Масиҳийлар фақатгина ўзи ҳақида қизиқиб, ўзидан мамнун ва ўзига ишонадиган расмиятчилардан ташкил топган, бошқалар учун худбин ёпиқ доира эмас. Аксинча, ҳар бир масиҳий бошқалар учун қайғурадиган бўлиши керак. Масиҳийлар чақирувининг бир қисми эса бу қўлидан келганича бир-бирига ёрдам беришдир.

Масиҳий жамоати дунёда рад қилинган ва муҳтож бўлган, оч ва ночор, касал, ғамгин ва ҳуқуқсиз, қуллар, маҳбуслар, етимлар, қочоқлар ва ёлғизлар учун кўпгина эзгу ва инсонпарварлик ишларини қилишган. Ҳозирги кунда ҳам Масиҳийлар Исонинг номи билан азоблари ва ғамларининг юкини енгиллаштиришга ҳаракат қиладилар. Аммо бизни ҳали одам қўли тегмаган жуда кўп ишлар кутаяпти. Уят билан тан олишимиз керакки, баъзан масиҳийликка алоқадор бўлмаган шахслар биздан — Масиҳни биламиз, деб эълон қилганлардан кўра кўпроқ ҳамдардлик билдирдилар.

Масиҳийларнинг яна бир махсус вазифалари бор, бу «дунё»га (Муқаддас Китоб уларни Масиҳдан ва жамоатдан ташқарида деб айтади) хушхабар айтишдир. «Хушхабар айтиш» дегани Исо Масиҳ ҳақида сўзма-сўз айтиш. Ҳали Исо ҳақида ва Унинг нажоти ҳақида билмаган одамлар нафақат Осиёда, Африкада, Лотин Америкасида бор, балки ғарбий оқсуякларда ҳам бор. Кўп асрлар давомида жамоат ярим

уйқуда бўлган. Балки бизнинг наслимизда масиҳийлар уйғонар ва Масиҳ учун дунёни енгар? Балки сизлар учун махсус мақсад бордир ва келажакда мойланган хизматчи бўларсизлар? Агар сиз ўқиётган ёки ўзингизнинг йўлингизни танлаган бўлсангиз, шошилинч ва ўйланмаган ҳаракатни қабул қилиш нотўғри бўларди. Ўзингизнинг ҳаётингизда Худонинг иродасини очишга ва Унга бўйсунишга интилинг.

Ҳамма масиҳийлар руҳоний ёки хизматкор бўлишга чақирилмаган, Худо ҳар бир масиҳийга Исо Масиҳнинг гувоҳлари бўлишни буюради. Масиҳийларнинг мустаҳкам вазифаси бу ўзининг шахсий уйида, ўқув юртидаги дўстлар орасида Масиҳнинг тўлиқ севгиси, камтар ва ҳақиқатгўй ҳаётини кўрсатиб, Унинг олдида бошқаларни ҳам олиб келишдир. У хира одам эмас, балки меҳрибон ва қатъиятли бўлиши керак.

Ибодатдан бошлаш керак. Худодан сизга бир ёки икки дўстингизнинг ҳаётига махсус қизиқиш беришини сўранг. Одатда агар сизлар бир жинсда ёки бир ёшда бўлсангизлар яхшироқ бўларди. Кейин уларнинг келиши учун доим ва мақсадли ибодат қилинг; орангиздаги дўстлик ўсишига ёрдам беринг; улар билан вақт ўтказишга ҳаракат қилинг ва уларни ҳақиқатдан ўзлиги учун севинг. Яқинда уни хизматга чақиришга ёки бирон бир учрашувга таклиф қилишга имконият яратар ва улар у ерда хушхабарни тушунар. Ёки ўқиш учун масиҳийча адабиёт беринг ёки фақатгина Исо Масиҳ сизнинг ҳаётингизда қилган иши ва Уни қандай топганлигингиз ҳақида айтиб беринг.

Худо фарзандларининг буюк имтиёзи ва мажбуриятлари шулардан иборат. Худонинг оиласида ту-

гилган, яқинларидан қувонч оладиган, Осмондаги Отамиз билан содиқ муносабатда бўлаётган масиҳий кундалик Калом ўқишга ва ибодатда тартибли бўлишга, жамоатига содиқ аъзо бўлишга, масиҳий хизматда ва гувоҳликларида фаол бўлишга ҳаракат қилади.

Масиҳийча ҳаётнинг бу тасдиғи барча масиҳийлар йўлиққан баъзи босимларни тушунтириб беради. Қисқа қилиб айтганда, биз икки шоҳликнинг, яъни ер ва осмоннинг фуқароси ҳисобланамиз. Шу икки фуқаролик ҳам биз четлаб ўтолмайдиган жавобгарликни талаб қилади.

Бир тарафдан, Янги Аҳднинг муаллифлари бизнинг давлат, ҳокимият, бошлиқ ва жамият олдидаги мажбуриятларимизни таъкидлайди.

Бошқа тарафдан Янги Аҳднинг баъзи муаллифлари биз ушбу заминда «келгинди» эканлигимизни, «бизнинг ватанимиз самода» ва биз абадий уйимизга бораётганлигимизни эслатади (1 Бут.2:11; Фил.3:20; 2 Кор. 4:16–18 га қаранг). Шунингдек, ерда хазина йиғмаслигимиз ёки худбин бўлмаслигимиз ёки ҳаётимиздаги қайғуларга шўнғиб кетмаслигимиз керак дейди. Бу босимни бўшаштиришимиз осон, Масиҳга шўнғиб бу дунёга эътибор бермаслигимиз ёки Масиҳни эсдан чиқариш учун дунёга қарашимиз керак. Лекин буларнинг ҳеч бири масиҳийча қарор ҳисобланмайди, чунки буларнинг иккиси ҳам масиҳийларнинг мажбуриятларидан воз кечишга таклиф қиладилар. Муқаддас Китоб томонидан бошқарилаётган вазмин масиҳий бир вақтнинг ўзида «Масиҳда» ва «дунёда» яшашга интилади. У буларнинг ҳеч биридан чеклана олмайди.

Бу шогирднинг ҳаёти ва Масих бизни шунга чақиради. У бизга янги ҳаётни тақдим қилиш учун ўлди ва қайта тирилди. У бизга бу дунёда шундай ҳаёт кечиришимиз учун Муқаддас Рухни берди.

Ҳозир Масих бизни Унга эргашишга ва Унга хизмат қилиш учун ўзимизни тўлиқ ва чексиз топширишимизга чақиряпти.



ЛУҒАТ

Агностик — Худони, коинот ва дунёнинг келиб чиқишини инкор этувчи

Эмпирик — эмпиризм тарафдори; фақат тажриба, амалий фаолият тарафдори

Ареопаг — қадимги Афина шаҳрида: олий суд ва олий ҳокимият органи

Серафлар — фаришталар

Ариаднанинг ипи — қийин вазиятлардан олиб чиқадиган ҳолат (қадимги юнон афсонасига кўра, Ариадна Крит шоҳи Миноснинг қизи бўлиб, афиналик қаҳрамон Тесейга лабиринтдан чиқишга ёрдам бериш мақсадида бир ўрам ип беради).

Идеализм — бутун борлиқнинг негизи материя эмас, балки онг, ғоя, руҳ деб билувчи, онгнинг, ғоянинг материя маҳсули эканлигини, иккиламчилигини инкор этувчи реакцион фалсафий оқим.

ҚИСҚАРТИРИЛГАН КИТОБЛАР НОМИ

Ибт	Ибтидо	Вои	Воиз
Чиқ	Чиқиш	Қўш	Қўшиқ
Лев	Левилар	Иша	Ишаё
Саҳ	Саҳрода	Ере	Еремиё
Қон	Қонунлар	Марс	Марсия
Ёшу	Ёшуа	Ҳиз	Ҳизқиёл
Ҳак	Ҳакамлар	Дон	Дониёр
Рут	Рут	Хўш	Хўшея
1 Шоҳ	1 Шоҳлар	Йўэ	Йўэл
2 Шоҳ	2 Шоҳлар	Амо	Амос
3 Шоҳ	3 Шоҳлар	Обо	Ободиё
4 Шоҳ	4 Шоҳлар	Юну	Юнус
1 Сол	1 Солномалар	Мих	Михо
2 Сол	2 Солномалар	Нох	Нохум
Эзр	Эзра	Хаб	Хабакқуқ
Нах	Нахимиё	Заф	Зафаниё
Эст	Эстер	Хаг	Хаггей
Аюб	Аюб	Зак	Закариё
Заб	Забур	Мал	Малаки
Ҳик	Ҳикматлар		

Мат	Матто Хушхабари
Марк	Марк Хушхабари
Луқ	Луқо Хушхабари
Юҳан	Юҳанно Хушхабари
Ҳав	Ҳаворийлар фаолияти
Ёқуб	Ёқубнинг мактуби
1 Бут	Бутруснинг биринчи мактуби
2 Бут	Бутруснинг иккинчи мактуби
1 Юҳ	Юҳаннонинг биринчи мактуби
2 Юҳ	Юҳаннонинг иккинчи мактуби
3 Юҳ	Юҳаннонинг учинчи мактуби
Яҳуд	Яҳудонинг мактуби
Рим	Римликларга мактуб
1 Кор	Коринфликларга биринчи мактуб
2 Кор	Коринфликларга иккинчи мактуб
Гал	Галатияликларга мактуб
Эфес	Эфесликларга мактуб
Флп	Филипиликларга мактуб
Кол	Колосликларга мактуб
1 Сал	Салоникаликларга биринчи мактуб
2 Сал	Салоникаликларга иккинчи мактуб
1 Тим	Тимўтийга биринчи мактуб
2 Тим	Тимўтийга иккинчи мактуб
Тит	Титусга мактуб
Флм	Филимўнга мактуб
Ибр	Ибронийларга мактуб
Ваҳ	Ваҳий

ОГЛАВЛЕНИЕ

СЎЗ БОШИ	3
1. Тўғри ёндашув.....	7
I. МАСИХНИНГ ШАХСИ	
2. Масих ўзини ким деб эълон қилган?	22
3. Исонинг феъл-атвори	40
4. Масихнинг тирилиши.....	54
II. ИНСОН МУҲТОЖЛИГИ	
5. Гуноҳнинг мавжудлиги ва аниқлиги	76
6. Гуноҳнинг оқибати	90
III. МАСИХНИНГ ИШИ	
7. Масихнинг ўлими	106
8. Масихнинг нажоти	128
IV. ИНСОН ЖАВОБИ	
9. Нархни ҳисоблаш	140
10. Қарорга ёндашиб	160
11. Масихий бўлиш	172
ЛУҒАТ.....	188
ҚИСҚАРТИРИЛГАН КИТОБЛАР НОМИ.....	189